The article deals with the problem about diffraction of non-stationary plane transverse wave on a rigid sphere in unlimited porous-elastic medium. There is received the formulas for component of displacement and tensor of stress.

# ИССЛЕДОВАНИЯ ПО ПРАКТИЧЕСКОМУ ПРИМЕНЕНИЮ ЖИДКОЙ ФРАКЦИИ ОТХОДА НИЗКОМОЛЕКУЛЯРНОГО ПОЛИЭТИЛЕНА

Кудышкин В.О.(Таш.), Нарзуллаев А.Х., Курбанов М.Ж.,

Маматова Ш.Б.

(КарГУ, научная лаборатория “Природных соединений и полимеров”)

**Ключевые слова:** низкомолекулярный полиэтилен, сополимеризация, суспензия, поливинилхлорид, центрифигирования, перегонка, пленкообразующих веществ, пентафтоловых лаков, алкидных, вискозиметр, адгезия.

Ключевую роль в сохранении высоких темпов экономического роста играет поддержка отечественных производителей. Особое внимание уделяется вопросам создания импортозамещающей продукции. Введение в строй производства полиэтилена на Шуртанском газохимическом комплексе (ШГХК) дало возможность существенно расширить ассортимент полимерной продукции в Узбекистане. В то же время, на ШГХК имеется резерв для расширения ассортимента выпускаемой продукции. Так, в процессе сополимеризации этилена с бутеном-1 на катализаторах Циглера-Натта в растворе циклогексана образуется жидкий отход, представляющий из себя суспензию низкомолекулярного полиэтилена (олигомеры этилена) в смеси растворителей. Этот отход образуется в объеме 1,5-2.0 тыс.тонн/год. Причем 5-40 % в этом отходе составляет низкомолекулярный полиэтилен. В настоящее время этот отход не используется, а утилизируется [1].

В настоящее время все производители профильных погонажных изделий из поливинилхлорида используют в качестве сма-зок НМПЭ зарубежного производства (Беларусь, Россия, Китай). В то же время, количество НМПЭ, которое утилизируется как отход на ШГХК позволило бы существенно сократить импорт этого продукта из за рубежа и обеспечить местных потребителей НМПЭ по эксплуатационным характеристиками не уступающим зарубежным аналогам. Кроме того, представляет интерес именно комплексная переработка отхода низкомолекулярного полиэтилена, поскольку помимо собственно НМПЭ отходов содержит смесь органических растворителей, использование которых в виде добавок к дизельному топливу или в виде растворителей для лакокрасочной промышленности даст также возможность увеличить ассортимент выпускаемой продукции и решить экологические проблемы [2]. Ниже в таблице 1 приведен состав растворителя отхода низкомолекулярного полиэтилена.

## Состав растворителя отхода низкомолекулярного полиэтилена

Таблица 1

№	Наименование	Время удержания, RT, мин.	Содержание, %
1	Hexane, 2,4-dimethyl-	0.79	1.60
2	2-Octene	0.82	3.63
3	Cyclooctane	0.85	0.31

4	Cyclohexane, ethyl-	0.88	6.14
5	Cyclohexane, ethenyl-	0.92	2.98
6	Octane, 2,3-dimethyl-	0.96	2.10
7	Cyclohexane, ethyldiene-	0.99	1.47
8	1-Decene	1.04	3.56
9	Cyclohexane, 1-ethyl-2,3-dimethyl-	1.07	1.77
10	cis-3-Decene	1.10	2.24
11	Cyclohexane, 1-ethyl-2,3-dimethyl-	1.14	0.68
12	Cyclohexane, butyl-	1.18	6.62
13	Cyclooctane, (1-methylpropyl)-	1.24	1.12
14	1-Dotriacontanol	1.25	0.79
15	9-Octadecen-1-ol	1.32	1.69
16	4-Undecene, 3-methyl-	1.36	1.12
17	Octadecane, 1-(ethenyloxy)-	1.44	1.40
18	Dodecane	1.49	1.55
19	4-Undecene, 3-methyl-	1.62	1.44
20	n-C <sub>5</sub> H <sub>11</sub> C(CH <sub>3</sub> )=C(CH <sub>3</sub> ) <sub>2</sub>	1.76	6.45
21	Cyclopentane, (2-methylbutyl)-	1.82	1.61
22	Cyclohexane, (3-methylpentyl)-	1.86	1.33
23	Bicyclo[4.2.1]nonan-1-ol	1.97	5.12
24	Cyclohexane, hexyl-	2.13	4.73
25	Cyclopentane, 1-methyl-3-(1-methyl	2.53	0.68
26	GERMACRANE-A §§ 1,7-Dimethyl-4-(1) -	2.88	1.45
27	Bicyclo[2.1.1]hexan-1-ol	3.26	5.44
28	Cyclopentaneacetic acid, ethenyl	3.46	1.68
29	4-Pentyloxy-2,3-dicyanophenyl 4-Bu	3.56	0.63
30	1-Tetradecene	3.91	4.40
31	1-Tetradecene	4.09	0.72
32	2(1H)-Pyrimidinone, 4-amino-	4.28	1.05
33	2-Decanone	4.83	6.72

34	ETHYL PELARGONATE	5.25	0.61
35	1-Methoxy-2-methyl-cyclopent-1-ene	5.37	0.93
36	3-Undecanone	5.61	0.44
37	Cyclohexane, 1,2,4,5-tetraethyl-	5.72	0.65
38	Oxirane, [(hexadecyloxy)methyl]-	5.88	1.22
39	1,12-Tridecadien-7-one	6.01	0.71
40	1-Tetradecene	6.14	0.91
41	Hydroxymethylcyclododecane	6.26	0.30
42	1-Tetradecene	6.36	2.09
43	Cyclohexane, ethyl-	6.88	0.69
44	1-Eicosanol	6.94	0.73

45	Tridecane	7.51	0.37
46	1-Octadecene	7.85	1.63
47	Pentatriacontane	8.73	0.19
48	1-Docosene	9.02	0.90
49	9-Heptadecanone	9.56	1.32
50	Nonanoic acid	9.66	1.01
51	1-Nonadecene	10.01	0.66
52	1-Docosene	10.94	0.41

Растворитель получаемый, в результате центрифугирования отхода низкомолекулярного полиэтилена и последующей перегонки в интервале 130-210 °С был передан для испытаний в Аккре-дитованную испытательную лабораторию СП Lok Kolor Sintez на предмет его использования в лакокрасочной промышленности. Полученные результаты приведены ниже. Технические характеристики растворителя приведены в таблице 1 в сравнении с нефтяным растворителем типа Нефрас C<sub>4</sub> 130/210.

**Технические характеристики растворителя в сравнении с нефтяным растворителем типа нефрас C<sub>4</sub> 130/210.**

Таблица 2

Наименование показателей	Значение для растворителя	Значение для растворителя нефтяного Нефрас C <sub>4</sub> 130/210.	Метод испытаний

Внешний вид	Прозрачная жидкость не содержащая посторонних примесей взвешенных частиц	Прозрачная жидкость не содержащая посторонних примесей взвешенных частиц	Визуально
Цвет	Бесцветный	От бесцветного до слегка желтоватого	Визуально
Запах	Резкий органический	Запах напоминает керосин	Органолептические
Содержание механических примесей	Отсутствие	Отсутствие	ГОСТ 3131 п.3.3 ГОСТ 6370
Плотность при температуре $(20\pm2)^\circ\text{C}$ , г/см <sup>3</sup>	0.783	0.754-0.820	ГОСТ 3900
Температура вспышки в закрытом тигле, $^\circ\text{C}$	27	28	ГОСТ 6356
Летучесть по ксиолу	4.1	2.0-4.5	ГОСТ 3134 п.3.2
Кислотное число, мг КОН/г	2.2	2.0-2.5	ГОСТ 23955

Таким образом, по приведенным физико-химическим характеристикам полученный нами растворитель соответствовал техническим характеристикам растворителя типа Нефрас С<sub>4</sub> 130/210. Для практического использования растворителя в лакокрасочной промышленности проверено растворяющее действие его на некоторых видах пленкообразующих веществ, приведенных в таблице 2.

#### **Растворяющее действие растворителя, получаемого в результате центрифугирования отхода низкомолекулярного полизтилена и последующей перегонки в интервале 130-210 $^\circ\text{C}$ .**

Таблица 3

Наименование пленкообразующего вещества	Требования	Фактически полученные данные
Олифа; Лак ПФ-060, ГФ 046; Смола алкидная пентафталевая	Не должно наблюдаться свертывания и расслаивания при перемешивании; после высыхания не должно быть побеления пленки на поверхности, а также не должны образовываться белесоватые или матовые пятна	Не наблюдалось свертывания и расслаивания при перемешивании; после высыхания пленка не побелела, белесоватые или матовые пятна не образовались.

Для возможности использования в производстве эмалей и красок на основе пентафталевых лаков было проверено влияние растворителя на основные физико-химические показатели алкидных эмалей. Результаты приведены в таблице 3.

#### **Влияние растворителя на физико-химические показатели алкидных эмалей**

Таблица 4

Наименование показателей	Значение при разбавлении растворителем	Значение при разбавлении Нефрасом	Метод испытаний
Время высыхания до степени 3, час	7	8	ГОСТ 19007
Твердость пленки по ТМЛ, у.е.	0.15	0.15	ГОСТ 5233
Блеск, %			
Через 24 часа	56	56	ГОСТ 896
Через 5 суток	54	49	
Прочность пленки при ударе, см	50	50	ГОСТ 4765
Адгезия, балл	1	1	ГОСТ 15140
Эластичность пленки при изгибе, мм	1	1	ГОСТ 6806
Стойкость пленки к статическому воздействию			
- воды, час;	2	2	
-моющего средства, мин;	15	15	ГОСТ 9.403
-трансформаторного масла, час	48	48	

Из приведенных данных видно, что физико-механические свойства эмалей при введении испытуемого растворителя не ухудшаются. А значение показателя “Блеск”, измеренное после 5 суток показывает меньшее его падение, чем при применении Нефраса.

В некоторых случаях при разбавлении различными растворителями готовых эмалей и красок под краскораспылитель наблюдается уменьшение глянца покрытия и снижение эксплуатационных свойств. Для возможности использования растворителя в качестве разбавителя готовых красок и эмалей на алкидной и масляной основе проведен сравнительный анализ показателя “Блеск” до и после разбавления:

1. При разбавлении эмали с первоначальной вязкостью 121 сек. По вискозиметру В3 246 с диаметром сопла 4.0 мм при температуре  $(20\pm2)^\circ\text{C}$  до рабочей вязкости 60 сек. Добавлено 7% растворителя. При этом, первоначальный блеск покрытия эмали не изменился.

2. Также не изменились и эксплуатационные свойства: показатели – эластичность при изгибе, прочность при ударе, адгезия остались без изменений.

Таким образом, проведенные исследования позволяют сделать следующие выводы:

- Растворитель может применяться при производстве масляных и алкидных эмалей без ухудшения их физико-химических свойств.

- Растворитель может применяться в качестве разбавителя готовых эмалей и красок, для доведения до рабочей вязкости перед окрашиванием.

- Растворитель может применяться для замывки использо-ванного при окраске оборудования, материалов, окрасочного инвентаря и др., при соблюдении техники безопасности, при работе и применении работающими средств индивидуальной защиты.

## **Литература**

1. Гуль В.Е., Дьяконова В.П. Физико-химические основы производства полимерных пленок. – М.: Высшая школа, 1978. – С. 279-281.
2. Сарымсаков А.А., Кудышкин В.О. Стандартизация продукции на основе поли-этилена Шуртанского газохимического комплекса // Стандарт. -№1, 2008. –С. 12-15.

## **РЕЗЮМЕ**

Количество НМПЭ, которое утилизируется как отход на ШГХК позволило бы существенно сократить импорт этого продукта из за рубежа и обеспечить местных потребителей НМПЭ по эксплуатационным характеристикам, не уступающим зарубежным аналогам. Комплексная переработка отхода низкомолекулярного полиэтилена, помимо собственно НМПЭ отходов содержит смесь органических растворителей, использование которых в виде добавок к дизельному топливу или в виде растворителей для лакокрасочной промышленности даст так-же возможность увеличить ассортимент выпускаемой продукции и решить экологические проблемы. В данной статье показаны свойства и структура растворителей низкомолекулярного полиэтилена ШГХК а также, их значение в народном хозяйстве.

## **РЕЗЮМЕ**

Шүртнгазкимё мажмуаси чиқиндиси хисобланган қуйи молекуляр поли-этиленни қайта ишлаш орқали турли хил халқ хўжалиги истеъмол моллари олиш имконияти мавжуд. Мақолада завод чиқиндиси хисобланган қуйи молекуляр полиэтилен таркибидан ажратиб олинган эритувчиларнинг хоссалари ва амалий аҳамияти ёритилган.

## **SUMMARY**

His possible to produce a variety of household goods after reproducing low molecular polecene of Shurtan gas Complex. Also in this article is described the practical importance of metters separated from the composition of low molecular polecene which is considered as the remains of the plant.

## **ШИЛЛИҚҚУРТЛАР ГЕЛМЕНТЛАРНИ ҲАЙВОНЛАРГА ЙОҚТИРУВЧИ ОРАЛИҚ ХЎЖАЙИН ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ**

**Давронов Б.О., Бектошев Ш.М., Омонова Г., Орзиева Ё. (ҚарДУ)**

**Таянч тушунчалар:** моллюска, цилиндрический, овальный, чиганоқ, коллектор, ўрама, қовариқ, мантисия, адир, довениоз, текинхўр-ийртқич, алоқа, специфик.

Моллюскалар ичida қориноёклилар (Mollusca) синфиға ман-суб ҳайвон турлари мавжуд бўлиб, уларнинг танаси цилиндрический шаклга эга. Чиганоги кичик, териси силлиқ, сезги органлари ривож-ланган. Тери остидаги маҳсус безлардан ажралиб чиқадиган шиллик модда уларнинг ерда юришини осонлаштиради. Шунинг учун ҳам бу ҳайвонлар шилликкорт дейилади ва улар турли шароитларга яшашга мослашган.

С.Мухаммадиев ва З.Иzzатуллаевлар [1] маълумотларига қараганда, Тожикистон шароитида бу ҳайвонлар 7-11 °C совуқ бу-лоқ сувларида ҳамда 26-36 °C иссиқ сувларда, ҳатто денгиз сат-ҳидан 4.000 метр баландликдаги тоғларда уларни учратиш мумкин.

Шиллиқкүртлар турли шароитларга мослашганлиги боис кўп ҳудудларда тарқалган. Уларнинг айрим турлари фойдали, айрим турлари эса заарали бўлиб, гелментларни одам ва ҳайвонларга юқтирувчи оралиқ хўжайин ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари зааркунандалари ҳисобланади [2, 3, 4, 5, 6, 7].

Ўзбекистон жанубий вилоятларида яшовчи шиллиқкүртлар-нинг табиатдаги аҳамияти тўлиқ аниқланмаган. 2011-2012 йилларда шиллиқкүртлар устида илмий изланишлар олиб бордик. Тадқиқот-лар натижасида 6 оиласа мансуб 8 та тур шиллиқкүртлар оралиқ хўжайин экани аниқланди. Уларнинг қишлоқ хўжалиги экинларига етказадиган заарини ўрганишга ҳаракат қилдик. Улар қўйидаги-лардир:

**1. Lymnaeidae оиласи, *Lymnaea Lamark* туркумига кирав-чи, *Lymnaea truncatula* вакили санаған *trunkatula* шиллиқ-қурти:** танаси бир хил рангда ёки тиник малласимон бўлиб, 4-5 ўрамага эга. Ўрамалар тўғри жойлашган. Танаси чиганоқ ичида жойлашган. Чиганоғи овальсимон шаклда бўлиб, усти силлиқ, ҳай-вон танасининг узунлиги 5-10 мм келади. Бу шиллиқкүрт тури ҳудудимиздаги сув ҳавзаларида, ариқ бўйларида, коллекторлар атрофларида, тоғли нам жойларда яшайди. Август, сентябрь ойла-рида Таллимаржон, Пачкамар, Чимқўрғон сув омборлари атрофида ҳаёт кечириши ва кўпайиши кузатилади.

**2. Lymnaeidae оиласи, *Lymnaea Lamark* туркумига кирав-чи *Lymnaea bacotiana* вакили санаған *bacotiana* шиллиқкүрти:** танасининг ранги сариқ, чиганоғи 4-5 ўрамали бўлиб, овальсимон шаклда. Чиганоғининг ўзи япалоқлашган. Териси, мантия бўшлиғи чиганоқ ичида шаклланган бўлиб, танасининг узунлиги 12-14 мм га тенг. Бу шиллиқкүртлар вилоятимизнинг жанубий тоғли ҳудудлари – Китоб, Шахрисабзнинг тоғ ва тоғолди зоналарида, окар сув ҳавзалари, булоқлар атрофида учрайди. Апрель, май ойлари ўрта-ларидаги кўпаяди.

**3. Ruliminidae оиласи, *Pseudonopaeus Westerlund* турку-миға киравчи *Pseudonopaeus sogdianus* вакили санаған *sogdi-ana* шиллиқкүрти:** танаси овальсимон ва ҳамда цилиндричесимон, ялтироқ, каттиқ, қуюқ ўрама шаклда тузилган. Ранги оқишибўлиб, 6,5-8 ўрамага эга. Охирги ўрамаси қисқарган ҳамда қавариқ шаклда. Танаси чиганоқ ичида жойлашган. Катталиги 6-24 мм келади. Бу шиллиқкүрт баҳор ойида ҳарорат 25-28 °C га кўтарилиганда ўсим-ликларда, нам тупроқларда, боғларда кенг тарқалади. Уларни сув ҳавзалари атрофида ҳам учратиш мумкин.

**4. Hygromiidae оиласи, *Xeropicta Monterosata* туркумига киравчи, *Xeropicta candaharica* вакили санаған *kandaxarika* шиллиқкүрти:** танаси қорамтир-малла рангда ёки тиник оқиши-мон бўлиб, 5-5,5 ўрамага эга, ўрамалар тўғри жойлашган. Ўрама-ларнинг охирни қисқа ёпилган. Танаси чиганоқ ичида жойлашган. Чиганоғи юмалоқ шаклда бўлиб, усти ғадир-будир бўлиб, ҳайвон танасининг узунлиги 14-16 мм.

**5. Parmacellidae оиласи, *Candaharia Godwin* туркумига ки-рувчи, *Candaharia rutellum* вакили санаған *rutyellum* шиллиқкүрти:** танаси қўнғир-сарғиш рангда, териси донадор шакл-да. Шунинг учун ҳам мантия қавати танасининг қорин қисмида жойлашган, ранги ўзгарувчан. Танасининг катталиги 50-52 мм. Бу шиллиқкүрт куз ва баҳор ойларида сув ҳавзалари, коллектор атрофларида уч-райди. Вилоятимиздаги Пачкамар ва Таллимаржон сув омборлари атрофларида ҳам мавжуд бўлиб, чўл зонаси шиллиқкүрти ҳисоб-ланади. Баҳор мавсумида 30-35 тагача тухум қўйиб кўпаяди.

**6. Parmacellidae оиласи, *Candaharia Godwin* туркумига киравчи, *Candaharia izzatullaevia* вакили санаған *izzatullaev* шиллиқкүрти:** бу тур Тожикистоннинг Душанбе ҳамда Панжакент ҳудудларида яшашини биринчи бўлиб профессор

З.Иzzатуллаев аниқлаб, фанга киритган. Бу хусусда олимнинг бир қатор тадқи-қотлари мавжуд [5, 6, 7]. Биз шиллиққуртнинг бу турини Китоб туманига қарашли биотоплардан ташқари, тоғолди ҳамда адир био-ценозларида яшашини аниқладик. Шиллиққуртнинг ранги сарғим-тир бўлиб, мантия қисмида кўндалангига кетган З та қисқа йўл кўринади. Айрим вакилларининг мантия қисмида доғлар ҳам мав-жуд. Етук шиллиққуртларнинг катталиги 70-80 мм гача, чиганоқ-ларининг катталиги эса 10 мм га тенг. Боғлар, томорқалар ва ис-сиқхоналарда март ойининг охири, апрель ойининг бошларида кўп-лаб учрайди. Кўпайиш даври апрелнинг бошларига тўғри келади. Йил ноқулай келганида эса кўпайиш даври апрелнинг учинчи яр-мига тўғри келиб, ҳар бир урғочи шиллиққурт ўртacha 60-70 тадан тухум қўяди. Ёз ойларида вақтинча уйқуга кетиб, кузда эса ёш шиллиққурт личинкалари тухумдан чиқади, овқатланиш ҳисобига етук шиллиққуртларга айланади.

Ушбу моллюскалар ичida *Lymnaea truncatula* (L), *Lymnaea subdzjunkta* (Nevill), *Lymnaea bactriana* (Hutton) ҳайвон ва одам учун оғир касалликларни келтириб чиқаради. *Lymnaea Aurikulanria* эса қушлар касаллиги – орнитабилхардиознинг сабабчиси саналади. Ўзбекистонда унинг оралиқ ҳўжайини Orindavilgarika turkistanica ҳисобланади. Тупроқда ҳаёт кечирувчи моллюскалардан *Pseudo-papaeus sogdianus* (Mart) ва *Xeropicta candaharica* (L.Pferiffer)лар шоҳли ҳайвонларнинг оғир касаллиги – дикрасиёзни тарқатишда оралиқ ҳўжайин ҳисобланади. *Candaharia rutellum* (Hutton), *Canda-haria izzatullaevia* (Likh. ef. Wirt) шиллиққуртлари нафакат зиравор сабзавот ва полиз экинларининг ашаддий душмани, балки пар-рандалар касаллиги – давениознинг ҳам сабабчисидир. Ҳозирги пайтда моллюскаларга қарши кимёвий моддаларни кўллаш эколо-гик муҳитга сезиларли салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда барча зааркунандаларга қарши биологик усул-да курашиш бўйича халқаро ташкилот МОББ томонидан тасдиқ-ланган биологик чоралари ишлаб чиқилмоқда. Қишлоқ ҳўжалик экинлари зааркунандалари ҳисобланган вилоятимиздаги тупроқ ва сувларда яшовчи 30 дан ортиқ турга мансуб моллюскаларга қарши курашиш учун уларнинг табиий кушандалари ҳисобланган қан-далалар, тахтаканалар, қўнғизлар ҳамда бўғимоёқлиларнинг айрим турларидан кенг фойдаланилмоқда [2, 5, 7].

Шуни қайд қилиш керакки, моллюскаларга қарши биологик усулда курашиш бу қадимги алхимиклар ўйлаганидек охирги кура-шиш чоралари эмас. Аввало текинхўр-ғанимат, йиртқич ва талофат кўрувчи ҳайвон ўртасидаги умумий биоценотик алоқани ўргангандан кейингина заарли моллюскаларга қарши биологик курашиш услубиётини кўллаш мумкин. Биологик курашиш жараёнини дои-мий равишда назорат қилиш қийин. Бунинг учун йиртқич ҳайвон-ларнинг ўлжага ташланиши ва уни ейишга оид специфик хусуси-ятлар эътиборга олиниши керак. Ана шундай специфик хусусиятга эга бўлмаган ҳайвонни биологик курашга кўллаб бўлмайди.

Ҳозирги кунда моллюскаларга қарши биологик курашишга кодир табиий касаллик қўзғатувчилар, паразитлар ҳамда йиртқич-лардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб топилмоқда.

## Адабиётлар

1. Азимов Д.А Пресноводный моллюск Радих аурисулария как промежуточный хозяин Ор. туркестаниса в Узбекистане. /Узб. биол. журн. – 1968. - №4. – С. 42-44.
2. Горохов В.В. Методические рекомендации по изучению потологии моллюсков. – М.: ВАСХНИЛ. Отделение ветеринарии. Часть 1. – С. 114-118.
3. Горохов В.В. Экологические основы борьбы с вредными моллюсками. – М.: Колос, 1983. – С. 160-184.
4. Горохов В.В, Осетров В.С. Моллюскоциды и их применение в сельском хозяйствею. – М.: Колос, 1978. – 207 с.

5. Иззатуллаев З. О питании жужелиц наземными моллюсками. – Душанбе: Изв. Академии наук Таджикской ССР. Отделение биологии. – №4 (37). – С.94-95.
6. Иззатуллаев З. Моллюски Таджикистана и их хозяйственное значение. – Душанбе: Изв. Академии наук Таджикской ССР. Отделение биологии. – №1. – С.88-90.
7. Лихарев И.М., Иззатуллаев З.И. Слизни-вредители сельского хозяйства Таджикистана. – Душанбе: Дониш, 1983. – 38 с.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада моллюскаларнинг турлари, ҳаёт цикли, ҳайвонларга оралик хўй-жайнин сифатида касалликларни тарқатиши ва қишлоқ хўжалик экинларига келти-радиган зарари ўрганилган.

## РЕЗЮМЕ

В статье изучены виды, жизненный цикл моллюсков, их роль в распространении болезней в качестве промежуточного хозяина, а также определен вред, наносимый моллюсками сельхозяйственным растениям.

## SUMMARY

Species lifecycle of Mollusks, their role in propagation of illnesses as inter-mediates were studied, and the affect of mollusks to agricultural plantations was specified.

## ТЕХНИКА

---


### БИОМАССА – АЛТЕРНАТИВ ЭНЕРГИЯ МАНБАИ СИФАТИДА

**Холлиев Б.Ч., Файзиев Т.Ф., Холлиева Ш.Б., Хатамов И.А. (ҚарДУ)**

**Таянч тушунчалар:** биомасса, энергия манбаи, органик модда, фотосинтез, биоёқилги, технологик ўзгартириши, технологик жараён, биогазли технология.

Биомасса – ўсимликлардан фотосинтез йўли билан ҳосил бўй-ладиган қайта тикланадиган органик моддадир. Фотосинтез Ердаги ҳаётнинг асосий жараёни бўлиб, куёш энергиясини табиий

ўзгар-тириш йўли билан кимёвий энергияга айлантирилади ва аккумуля-цияланади. Бу жараённи қуидаги формула ёрдамида ифодалаш мумкин:



Ўсимлик-хлорофилл

Органик материал

Ҳар йили ўсимликлар фотосинтези натижасида умумий энергия миқдори  $2,5 \times 10^{21}$  Ж/йил бўлган  $1,5 \times 10^{11}$  тоннага яқин угле-род аккумуляцияланади, бу эса дунёдаги йиллик энергия истеъмо-лидан 10 марта ортикроқдир.

Ўсимлик ва ҳайвонлар нималардан ташкил топган бўлса, бунга биомасса дейилади. Умумий биомасса миқдорининг фақат 0,5% и инсоният томонидан овқатланишга фойдаланилади.

Биомассанинг биоёқилғи энергияси табиий экологик ёки қишлоқ хўжалик жараёнлари орқали тарқалади. Ёниш маҳсулот-лари яна биоёқилғига айланади. Табиатдаги экологик цикллар би-лан боғлиқ бўлган биоёқилғидан фойдаланиш атроф-мухитни иф-лослантирмайди ва энергия олишнинг узлуксиз қайта тикланадиган жараённи таъминлайди.

Биомассани саноатда фойдаланишнинг асосий мақсади тур-ли хил кўринишда (қаттиқ, суюқ ва газсимон) ёқилғиларни хосил қилиш ва уларни хар хил мақсадларда фойдаланишdir. Дастребки хомашё материалининг намлик миқдори, углерод ва шакар миқдори, биомасанинг хоссалари ва технологик қайта ишлов берилишига боғлиқ бўлган ҳолда турли хил энергетик маҳсулотлар оли-нади.

Куйида берилган жадвалларда (1-, 2-, 3-жадваллар) биомас-садан фойдаланиш орқали олинадиган маҳсулот турлари, турли биоёқилғиларнинг иссиқлик бериш қобилияти, биомассани техно-логик ўзгартиришларнинг схемалари ёритилди.

1-жадвал

### Биомасса фойдаланишдан олинадиган энергетик маҳсулотлар

Биомасса кўриниши	Технологик жараёнлар	Энергетик маҳсулотлар
Куруқ	Ёндириш Газлаштириш Пиролиз Гидролиз ва дистиллатлаш	Иссиқлик энергияси ёнувчи газлар метанол кўнгир кўмир смола этил спирти
Нам	Пресслаш билан брикетлаш Анаэробыческий ачитиш Ачитиш ва дистиллатлаш	Ёқилғи брикетлар биогаз этил спирти

2-жадвал

### Турли биоёқилғиларнинг иссиқлик бериш қобилияти

Ёқилғи турлари	Иссиқлик бериш қобилияти, МЖ/кг
----------------	---------------------------------

<b>Махсус йиғиладиган:</b> Үтін, шох-шабба, пүстлоқ, қипик, қиринді ва х.к. Үсимликлар: похол, қамиш, күға, ғұзапоя - қуритилган	8-13 13-16 12-15
<b>Хосил қолдиклари:</b> Гуруч шулхаси Күға, пахта ва бошқа қунжаралар Хайвонлар нуриси, торф	12-15 12-15 12-15
<b>Иккіламчи биоёцилғилар:</b> Этил спирти – этанол $C_2 H_5 OH$ Метал спирти – метанол $CH_3 OH$ Биогаз $CH_4$ (50-65%) + $CO_2$ (30-45%) Күнгір күмир, бұлак-бұлак, чангсимон	30 23 28 32

3-жадвал


### Биомассани технологик ўзgartиришлар схемаси

Хомаше	Умумий жараёнлар	Махсус жараёнлар	Асосий маҳсулотлар
Биомасса	Биокимёвий	Спиртли ферментлаш	Этил спирти
		Анаэробли ферментлаш	Биогаз
	Иссиклик кимёвий	Пиролиз	Күнгір күмир
		Газлаштириш	Синтетик газ, Метил спирти

Биомассани ўзgartиришларнинг барча технологик жараёнла-ридан биогаз олиш, қўйидаги сабабларга кўра: 1) технологиянинг соддалиги ва иқтисодлилиги; 2) ахлатларни заарсизлантириш ва утиллаштириш; 3) биогазни ишлатиш ва иссиқлик беришнинг юқо-ри кўрсаткичларига асосан самарали ва истиқболли ҳисобланади.

**Анаэробли қайта ишлаш.** Биомассани микроорганизмлар ёрдамида ачитиш натижасида биогаз, яъни метан (50-65 %), ис гази (30-45 %), водород, олтингугурт водороди, азот ва бошқа газлар аралашмаси ҳосил қилинади. Биогазнинг иссиқлик бериш қоби-лияти  $20-26 \text{ МЖ}/\text{м}^3$  га тенг.

Биомассанинг анаэробли ачиши икки босқичли биологик жа-раён ҳисобланади. Биринчи босқич – кислота ҳосил қилувчи бакте-риялар мураккаб моддаларга таъсир қиласи ва юқори молекуляр (ёғлар, углеводлар, оксиллар) бирикмалардан куйи молекуляр (кис-қа кислоталар) бирикмалар ҳосил қилинади. Иккинчи босқич – фер-ментлаш ёки метан ҳосил қилувчи бактериялар ёрдамида метан ажратиб олинади. Бижғитиш учун хомаше сифатида турли ўсимлик ва ҳайвон ахлатлари ишлатилади. Бижғитишга олинадиган хомаше маҳсулотида 18% га яқин қаттиқ моддалар бўлади ва 90-93 % гача сув орқали суюлтирилади. Жараён  $20-55^{\circ}\text{C}$  да 8 кундан 20 кунгача давом этади. Метан  $35^{\circ}\text{C}$  да энг самарали ажралади. Биогаз биогаз-генераторларида – метантэнкларда, яъни метанни максимал ажра-лишини таъминлайдиган курилмаларда ҳосил қилинади. Ҳозирги пайтда оддий газголдерлардан саноат комплексларигача бўлган биогаз генераторларнинг турли конструкциялари мавжуд (1-расм).



1-расм. Оддий биогазгенераторли қурилманинг схемаси: 1-биогаз генератор – метантэнк; 2-биомассани қабул қилиш қурилмаси; 3-қайта ишланган махсулотларни түплаш мосламаси; 4-сувли газголдер; 5-истеъмолчи учун ажратилган биогазнинг чиқиш йўлаги; 6-биомасса; 7-биогаз.

Биомассага анаэробли ишлов бериш чиқиндилари ўғит сифа-тида ишлатилади. Биогаз майший ва технологик заруриятлар учун фойдаланилади. (1) даги маълумотларга асосан жанубий регионал МДХ давлатларида биомасса ишлаб чиқаришни (ўсимлик ва ҳай-вон) аҳолининг ҳар бир жон бошига талаб этиладиган меъёрига нисбатан 3 гурухга бўлиш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

№	Биомассани ишлаб чиқариш, меъёрига нисбатан % хисобида	Республикалар
1	10% дан 80% гача	Кирғизистон, Қозогистон
2	60% дан 50% гача	Озарбайжон, Туркманистон
3	50% дан 40% гача	Ўзбекистон, Тоҷикистон

Бу республикаларда энергия (биомасса) танқислиги қисман углеводородли хомашёларни (ўсимлик ва ҳайвон) экспорт қилиш йўли билан қопланади. Озайбаржон, Ўзбекистон, Туркманистон Республикалари юқори имкониятларга эга, чунки уларда биомасса танқислиги (энергия ташувчи сифатида) ўзининг углеводород энергия ташувчилари (нефть ва газ) хисобидан қопланади. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ривожланиши билан биомасса ишлаб чиқаришнинг анчагина ўсиш истиқболлари мавжуд.

Ўзбекистонда барча регион иқлим шароити бўйича анаэробли технология асосида биомассани қайта ишлаш жараёнлари самарали ҳисобланади. Биогазли технологиялар қуидаги имкони-ятларга эга:

1. Экологик: а) ҳозирги замон техникавий даражасида чорва моллари, парранда, ўсимлик, озиқ-овқатларнинг органик чиқинди-ларини утиллаштириш орқали экологик муаммолар ечилади; б) ре-гионларда экологик вазиятни яхшилайди; в) кишлоқ ҳўжалик кор-хоналарини экологик тоза маҳаллий ўғитлар билан таъминлайди.

2. Энергетик: а) табиий энергетик ресурсларни иқтисод қилиш имкони туғилади; б) узоқ регионларда энергия ташувчиларни етказиб бериш, иссиклик ва газ трассалари, электр тармоқлари ўтка-зиш қийин бўлган объектларнинг энергетик автономлигини яратади.

3. Социал: а) иситиш, иссик сув, озиқ-овқат ва бошқа май-ший ҳамда ишлаб чиқариш заруриятлари ёқилғи билан таъминла-нади; б) аҳоли иш жойи билан бандлигини ошириш шароитлари яратилади.

#### Адабиётлар

- Производство биомассы в исламских государствах. HTML Dokument. – Россия, 2004.

- Шодиметов К. Муқобил энергия манбалари ва улардан фойдаланишнинг афзал-ликлири // Адолат газ. 2011, 15 июль.
- Возобновляемые источники энергии // Публикация подготовлена программой развития. – Ташкент: Фан, 2007. – 240 с.

## РЕЗЮМЕ

Маколада муқобил энергия манбаи сифатида биомасса энергиясидан фой-даланишнинг технологик жараёнлари ўрганилган. Асосан ўсимлик ва чорва мол-лари чиқиндисидан биогаз олиш жараёнида анаэроб технологиясининг афзал-ликлари тўғрисидаги маълумотлар ёритилган. Шу билан бирга турли таркибли биоёқилғиларнинг иссиқлик бериш қобилияти жадвал шаклида берилган.

## РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены технологические вопросы использования биомассы в качестве альтернативного источника энергии, преимущества и перспективы анаэробной технологии утилизации растительной и животной биомассы для получения биогаза.

## SUMMARY

In article technological questions of use of a biomass are considered as an alternative energy source. Advantage and prospect anaerobic technologies of recycling of a vegetative and animal biomass for reception of biogas.

## ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ТИЗИМИДА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ ЖАДВАЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Шукурова О.П., Қурбонов З.М., Пирова Р.К. (ҚарДУ)

**Таянч тушунчалар:** электрон тижорат, server, маълумотлар базаси, лойиҳалашириши, моделлашириши, тижорат сайплари, атри-бут, маҳсулот, маҳсулотлар рўйхати, харидор, буюртма, тўлов рекви-зитлари.

Компьютер техникасининг тараққиёти натижасида ахборот тизимлари мураккаблашиб, маълумотлар базаларининг ҳажми йи-риклашиб бормоқда. Маълумотлар базасини лойиҳалаш жараёни, одатда қуйидаги асосий босқичлардан ташкил топади:

- Предмет соҳасини таҳлил қилиш ва маълумотлар базаси-нинг ахборот истеъмоли талабларини аниқлаш.
- Маълумотлар базасида моделлаширилиши лозим бўлган обьектларни таҳлил қилиш. Ушбу обьектлардан моҳиятлар ва улар-нинг хусусиятларини ҳосил қилиш ҳамда рўйхатини тузиш.
- Танлаб олинган маълумотлар базасини бошқариш тизим-лари (Paradox, dBase, FoxPro, Clipper, Access, InterBase, SyBase, In-formix, Oracle ва ҳ.к.) талқинида моҳиятлар ва хусусиятлар учун мос келувчи ахборот обьектларини белгилаш.
- Ҳар бир обьектни қайтарилимас тарзда белгилайдиган ат-рибутларни аниқлаш.
- Маълумотлар бутунлигини белгилайдиган ва уни сақлаб туришга қаратилган қоидаларни ишлаб чиқиши.
- Объектлар орасидаги алоқаларни ўрнатиш.
- Маълумотларнинг ишончлилиги ҳамда зарур ҳолларда маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш масалаларини режа-лаштириш [1].

Исталган интерактив WEB сайт асосида яхши лойиҳалаш-тирилган маълумотлар базаси ётади. Тижорат сайтларини яратишда ODBC ва OLEDB интерфейсларни қўлловчи маълумотлар

базаси-дан ва SQL Server маълумотлар базасини бошқариш тизимидан фойдаланиш мумкин. SQL Server – тижорат WEB сайтларини қу-ришда фойдаланиладиган реляцион маълумотлар базасини яратиш учун платформа ҳисобланади [2]. Ёритилаётган маълумотлар базаси китоб сотувчи дўйонлар учун мўлжалланган бўлсин. Китоб катего-риялари ҳақидаги маълумотларни саклаш учун маҳсулотлар, сават таркиби ва буюртмалар ҳақидаги маълумотлар схемасини ишлаб чиқамиз. Кейин ҳар бир жадвалдаги майдонлар тузилишини таҳлил қиласиз. Маҳсулотлар бўлимлар бўйича синфларга ажратилади. Китоблар жанри бўйича мос равишда бўлимларга бўлинади. Масалан, ИЛМИЙ ёки БАДИЙ. Назарий жихатдан бўлимларнинг кўп даражали иерархиясидан фойдаланиш мумкин. Яратсаётган маълу-мотлар базамида бир даражали моделдан фойдаланамиз. Bo‘lim жадвали майдонларида бўлимлар ҳақидаги маълумотлар сакланади.

Маҳсулотлар маълумотлари базасини тузиш оддийдек бўли-ши мумкин. Лекин унинг кутилмаган қийинчиликлари ҳам мавжуд. Мисолимиздаги WEB сайтда китоблар кўплаб атрибуларга эга бў-лади. Жадвалнинг реляцион структураси кўп сонли атрибут типла-ридан фойдаланишга имкон беради. Маҳсулотларни аниқлаш учун тўртта жадвалдан фойдаланамиз:

1. *Mahsulotlar* – маҳсулотлар ҳақидаги асосий маълумотлар.
2. *Atribut* – атрибуларнинг барча белгилари (масалан, қизил, қора).
3. *Mahsulot atributi* – маҳсулот ва унинг атрибулари ораси-даги алоқадорликлар.
4. *Atributlar kategoriyasi* – аниқ атрибут тааллукли бўлган ка-тегория. Масалан, ўлчам, ранг.

Яна иккита муҳим ўзаро алоқани ажратишга тўғри келади: маҳсулотларни бўлимлар бўйича синфлаш ва маҳсулотлар ораси-даги боғланишни тасвирлаш зарурияти. Боғланишлар горизонтал ва вертикаль бўлиши мумкин. Исталган маҳсулот бир неча бўлимларга тегишли бўлиши ва шу билан бирга бир неча маҳсулотлар билан боғланиши мумкин. Маҳсулотимиз бир неча бўлимларга тегишли деб оламиз. У ҳолда *Mahsulotlar departamenti* жадвали зарур бўлади, унинг таркибида бўлимлар бўйича тегишли маҳсулотлар ҳақидаги маълумотлар сакланади. *Mahsulotlar aloqasi* жадвалида, маҳсулот-лар орасидаги алоқалар ҳақидаги маълумотлар сакланади.

Маҳсулотлар жадвали майдонидан атрибулар жадвали май-донлари ёзилишига ўтиш мумкин. *Atributlar* жадвали майдонларида номи ва категориясини келтириш мумкин. Жадвалда ҳар бир маҳ-сулот билан алоқадор оддий атрибулар хусусиятлари, белгилари сакланади.

Аниқ маҳсулот атрибулар рўйхати билан *Mahsulot atributi* жадвали ёрдамида боғланган. Бу жадвал майдонлари маҳсулот ва атрибут идентификаторларини ифодалайди. Бу даражада атрибут-лар белгиси категориялар билан боғланмаган бўлади.

*Atribut kategoriyasi* жадвали майдонларида атрибулар кате-горияси ҳисобланади. У ёки бу маҳсулот қандай атрибулар катего-риясига эга эканлигини билиш учун сўровлар қуриш етарли. Унда атрибулар тўплами асосида категориялар рўйхати қайтарилади. Сўров натижасидан қайтаришларни бажариш мумкин. Бўлимлар бўйича маҳсулотлар синфланишида, юқорида айтилганидек, ҳар бир маҳсулот бирорта бўлимга тегишли бўлиши керак. Маълумот-лар базаси структураси маҳсулотлар бирданига бир неча бўлимга тааллуклигини таъминлаш учун мослашувчан бўлиши шарт.

Ниҳоят, биз икки маҳсулот ўртасидаги мантикий алоқа ўрна-тиш усулини кўриб чиқишимиз мумкин. Харидор нуқтаи назаридан бу худди мантикий боғланган маҳсулотлар рўйхатидек ёки бошқа маҳсулотга ўтишни таклиф этишдек кўриниши мумкин. *Mahsulotlar aloqasi* жадвалида маҳсулотлар ўртасидаги алоқа ўрнатилади.

Маҳсулотларнинг тўғри аниқланиши ва улар ўртасидаги ало-қа харидорга маҳсулот турларини яхши таклиф этиш учун ҳал қилувчи белги ҳисобланади. Нисбатан мураккаброқ вазиятларда маҳсулотлар тузилмаси ҳам мураккаблашади. Кўпчилик компания-лар маҳсулотлар харидига тайёр маълумотлар базасига эга. Бу маълумотлар базаси тузилмасидан тижорат иловаларида бевосита фой-даланишга имкон бермаса ҳам сиз уларни электрон дўкон базаси билан боғлашингиз ва икки база ўртасидаги синхронизацияни таъ-минлашингиз мумкин.

Маҳсулотлар ҳақидаги маълумотлар жадвалини аниқлаб ха-ридорлар ҳақидаги маълумотлар жадвалини тузишга ўтамиз. Улар ҳақидаги маълумотларни сақлашимиз керак. Харидорларга тўлиқ ихтисосликни яратиш учун минимал маълумотларни сақлашнинг ҳар хил варианatlари мавжуд. Оддий ҳолатларда ҳар бир буюртма учун тўлов реквизитлари, шунингдек, ҳисоб рақамларини жўнатиш ва маҳсулотни етказиш учун маълумотлар сақланади. Агар харидорлар ҳақидаги маълумотлар доимий асосда сақланса, унда сиз-нинг Web-сайтни созлаш учун кўплаб имкониятларингиз пайдо бўлади. Баъзи бир маҳсулотлар сайтга кейинги кирганингизда так-лиф этилиши мумкин. Бундан ташқари харидорга буюртма ҳолати, транспорт қоғозлари ва бошқалар ҳақидаги хабарларни бериш учун қўшимча имкониятлар очилади.

Харидор ҳақидаги маълумотларни сақловчи жадвал оддий структурада бўлиб, таркиби реквизитлардан иборатdir. Бу рекви-зитлардан етказиб беришда ёки ҳисоб рақамдан олишда фойдала-нилади. Ҳар бир буюртмада харидор идентификацияси қатнашади. Сиз сайт таркиби ва олдин харидор буюртма берган маҳсулотлар орасидаги боғланишни ўрнатишингиз мумкин.

Бизнинг мисолимизда Xaridor жадвали типик реквизитлар-дан иборат бўлади. Улардан ҳисоб рақамларини ёзганда фойдалани-лади. Харидор маҳсулотни бошка адресга юборишга буюртма бери-ши ҳам мумкин. Гоҳида етказиб беришга доимий манзилни бериш, ҳисоб рақамини ёзиш усули реквизитлари ўзгартирилиши мумкин. Кўпчилик ҳолларда етказиш учун реквизитлар ва ҳисоб рақамлар ёзилиши мос тушади.

Харидор Web-сайтда маҳсулотларни танлагач, уларни сават-га жойлаштиради. Саватни тўлдириш вақтида баъзи қўшимча ҳо-латларни эътиборга олишга тўғри келади. Агар харидор маҳсулотни танлагач, уни саватга жойласа ва ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишга улгурмаса, олдинги нархининг кўтарилиб кетишига йўл қўймаслигимиз керак. Бунинг учун Xaridor жадвали билан саватни тасвирловчи жадвал ўртасида боғланиш ўрнатиши зарур бўлади.

Ҳар бир харидорнинг ўз саватчаси мавжуд бўлади. Агар ха-ридор хоҳласа, ўзи учун сават яратиши мумкин. Ҳар бир сават бир ёки бир неча вазият ҳолатидан иборат бўлади. Саватда ҳар хил таркибдаги жойловчи нархлар сақланишига эътибор бериш керак. Уларда буюртмани шакллантираётганда, қўшимча йигишлар вакти-да ва ҳаракатдаги нормалар ўзгарганда нархлар қайд қилинади. Шунингдек, реклама компаниялари ёки шу типдаги буюртмалар учун ҳар хил шартномаларда ҳам қайд этилиши мумкин. Ҳар бир саватда тегишли маҳсулотлар рўйхати мавжуд бўлади. Ундаги маълумотлардан буюртмани қайд этаётганда фойдаланилади.

Саватдаги ҳолатлар ҳақидаги Savat holati жадвали майдон-лари маълумот беради. Сават ҳолати жадваллар билан борадиган жараёнлар маълумотлар базасини бошқаришининг асосий аспектла-ридан биридир. Web-сайтдаги катта ҳажмдаги саватлар сони бу-юртмалар сонини жойлаштиришда халақит бериши мумкин. Шу-нинг учун саватни автоматик тозалашга ҳаракат қилиш керак. Сават жадваллари билан бажариладиган жараёнлар харидор билан Web-сайтни кўриш вақтида амалга оширилади. Саватнинг ҳолатларида қўшиш, алмаштириш ва ўчириш учун функционал воситалар мав-жуд бўлиши керак.

Барча бажариладиган ишлар ичida тадбиркорлар буюртма-лар бериладиган босқични яхши кўришади. Чунки бу пул олиш бос-кичидир. Буюртма ҳақидаги маълумотлар мана шу

вақтда, харидор танлаган маҳсулотларини саватга жойлаб, буюртмани қайд этишни бошлаган вақтдан бошлаб сақланади. Буюртманинг асосий пара-метрларини сақлаш шарт, яъни етказиш учун манзил ва ҳисоб ра-қамидан тўлов реквизитлари, буюртма қилинган маҳсулотлар белгилари ва ҳ.к.

Буюртма ҳақидаги маълумот саватда мавжуд бўлган маҳсу-лотлар таркиби билан қаттиқ боғланган. Бизнинг мисолимизда буюртмалар сават ва харидор билан алоқада бўлади. Ҳар бир сават ва бир буюртмага албатта қандайdir тўғри келади.

Тўлов реквизитлари маълумотлари ўзи учун маҳсус яратил-ган жадвалда сақланади. Бу уларни тезроқ ўчириб юбориш учун қилинган. Лекин шунда хам буюртма бўйича асосий шартнома маълумотлари қолади. Ҳисоб ёзиш ва етказиш учун бир хил манзил ёзилади. Бу маълумотларни, улар ўзгариб қолиши мумкинлиги учун, икки марта сақлаймиз. Иловалар интерфейсида, агар ҳисоб ёзиш ва етказиб бериш битта манзилда берилса, маълумотларни бир марта киритиш имконияти қолади.

Харидорнинг тўлов реквизитларини сақлаш вақтида жадвал-ни соддалаштириш ва енгиллаштириш учун кредит картасининг учта асосий атрибути келтирилади: карта тили, номери ва ҳаракат муддати.

To‘lov vaqtı жадвали майдонлари маълумотлар ҳимояланган-лигини ва улар қайта ишлангач, ўчириб юборилишини ташкил этиш жуда зарур. Бу маълумотларни олгач, қайта ишлаш ҳолатига ўтиш мумкин. Яхши ташкил этилган электрон тижорат тизимида харидор буюртма ҳолати ҳақида маълумот олиш имкониятига эга бўлади.

Бизнинг мисолимизда буюртма уч босқичнинг бирида жой-лашиши мумкин:

- 1) буюртма олинган, лекин ҳали бажарилгани йўқ;
- 2) буюртма бажарилиш жараёнида;
- 3) буюртма охирги босқичда, етказиб бериш жараёнида.

Ҳолат маълумотларига транспорт юк хати номери ҳам ки-ради. Ҳар бир буюртма билан ёзувлар Buyurtma holati жадвалида боғланади ва буюртма ҳолати ҳақида маълумот беради. Буюртма-нинг ҳолат жадвали нисбатан мураккаб тузилмага эга бўлиши мум-кин. Идеал вариантда буюртманинг ҳолати ҳақидаги маълумот бе-восита буюртмаларни қайта ишлаш тизимидан олинади.


Етказиб бериш харажатларини ҳисобловчи бир неча вари-антлар мавжуд. Ҳисобларда фойдаланиладиган факторлар жадвалда келтирилади. Жадвалда ҳаммаси бўлиб тўртта етказиб бериш хара-жатини ҳисоблаш усули ёзилиши мумкин. Лекин айрим ҳолатларда бу усулларнинг кўп сонли комбинацияси туғилади. Масалан: хара-жатлар ҳисобланганда етказиш масофасини, шу билан бирга маҳсу-лот оғирлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Оддий Xarajat жадвалида буюртма харажати буюртма қилинган маҳсулотлар бирлик миқдо-рига боғлиқ ҳолда аникланади. Жадвалнинг ҳар бир ёзуви интер-вальлар чегараси ва етказиб бериш харажатидан иборат бўлади. Буюртмани қайд қилиш вақтида маҳсулот бирлик миқдори жадвал маълумотлари билан солишиширилади ва натижада етказиб бериш харажати аникланади.

Одатда бундай модель максимал чегара ва максимал етказиб бериш харажатини аниклайди. Усулнинг бошқача кўринишида фор-муладан фойдаланилади. Унда буюртмалар миқдори бирлиги 20 дан юқори бўлиши керак. Бир ёки икки кунда етказиб бериш учун маҳсус

тўлов шартлари мавжуд бўлиб, улардан тез-тез фойдала-нилади. Агар харидор маҳсулотни тез кунда, масалан, 2 кунда олишни хоҳласа, етказиб бериш харажати ошади.

Буюртманинг охирги харажатига солиқни қўшиш шарт. Ет-казиб бериш харажатларидан олдин солиқларни ҳисоблаш масаласи етарли даражада мураккаб ва шу билан бирга оддий бўлиши ҳам мумкин. Ҳаммаси маҳсулот етказиб бериш жойи ва фойдаланила-диган солиқлар тизимиға боғлиқ. Буюртмани қайта ишлаш жараё-нида биз бу жадвалдан жойни излаймиз. У етказиб бериш манзи-лида кўрсатилади ва қидирув натижаларига боғлиқ ҳолда солиқлар ҳисобланади.

Маълумотлар базаси жадвалларини аниқлаб олдик. Охирги тузилма, барча жадваллар ва улар орасидаги алоқани тасвирловчи тузилма қўйидаги кўринишда бўлади:



Барча элементлар қўшилиши натижасида on-line – электрон тижорат тизимида ишлаш учун зарур маълумотларнинг тўла тас-вири хосил бўлади.

### Адабиётлар

- Гончаров А.Ю. Access 2003. Самоучитель с примерами – М.: КУДИЦ-ОБРАЗ, 2004. – 272 с.
- Киселев Ю.Н. Электронная коммерция: практическое руководство. – СПб; ООО ДиаСофтиОП, 2001. – 224 с.

### РЕЗЮМЕ

Маколада электрон тижорат тизимлари учун маълумотлар базаси тузил-маси ишлаб чиқилган.

### РЕЗЮМЕ

В статье разработана структура базы данных для системы электронной коммерции.

### SUMMARY

In article structure database is studied for system of electronic commerce.

## **МОЙЛОВЧИ-СОВИТУВЧИ СУЮҚЛИК УЧУН ЙЎЛАКЛАРИ БЎЛГАН ПАРМА ИШЛАБ ЧИҚИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**


**Эшқобилов О.Х., Махмудов Ш. (ҚарДУ)**

**Таянч түшүнчалар:** машинасозлик, металл, қаттиқ қотишмали металл, болтли бирикма, пармалаш, пресс-форма, матрица, паунсон.

Дунёда машинасозлик саноати тез фурсатларда ривожланмоқда. Маълумки, машинасозликда қўлланиладиган материаллар-нинг кўпгина қисми металларга тўғри келади. Машинасозликда қўплаб механизмлар мавжуд бўлиб, улар асосан бир-бирига болтли бирикмалар орқали бириктирилади. Бу болтли бирикмаларнинг ўрнини очиш ёки тешик ҳосил қилиш учун пармалаш ишлари амалга оширилади. Пармалаш орқали металларга ишлов беришнинг янги-янги усуллари кашф этилмоқда. Бундай ишловда қаттиқ қотишмали материаллардан фойдаланилади.


Қаттиқ қотишмали металлардан парма ишлаб чиқаришнинг турли усуллари мавжуд. Улардан бири прессформаларда штамплаш орқали амалга оширишdir. Биз таклиф қилаётган қаттиқ қотишма-ли металл кукунидан тайёрланган парманинг афзалликлари шундан иборатки, унда мойловчи-совитувчи суюқлик учун қувурлар мавжуд. Унинг ички қисмидан узунлиги бўйлаб буралиб ҳосил бўлган иккита тешик қувурдан пармалаш жараёнида мунтазам равишда мойловчи суюқлик оқиб туради. Суюқлик мойловчи-совитувчи агент сифатида қабул қилинган бўлиб, металга ишлов бериш жараёнида металл ва парма ўртасида юзага келадиган юқори ҳароратни нормаллаштиради ва пармалаш жараёнининг силлиқ боришини таъминлайди [1].

Мойловчи-совитувчи суюқлик учун қувурлари бўлган пар-мани ишлаб чиқиш технологияси куйидагича амалга оширилади. Металл кукунидан қаттиқ қотишмали парма ясаш учун аввал янги прессформани ишлаб чиқамиз. 1-расмда прессформанинг умумий йигилган ҳолатдаги кўриниши келтирилган.




1-расм. Прессформанинг умумий күриниши: 1-матрица; 2-халқа; 3-пуансон.

Матрицада металл кукунидан тайёрланган қаттиқ қотишма-ли парманинг ярим ҳолати ўйиб ишланган (2-расм). Матрицадаги парманинг ярим ҳолат ўйигига иккита ингичка стержен сим бир хил масофада тенг жойлаштирилиб ўрнатилади.




2-расм. Матрица: 1-матрица; 2-ўйиб ишланган парманинг ярим ҳолати.

Матрицанинг устидан унинг ичига ҳалқа жойлаштирилади. Ҳалқа ички тарафининг түрт томонидан шлицида ўрнатилган бўлиб, пуансон билан бир-бирига шлицалар орқали ҳаракатланади (3-расм). Ҳалқа ичига эса маълум миқдордаги қаттиқ қотишмали ме-талл кукуни солинади.




3-расм. Ҳалқа.

Пуансон ҳалқа ичига киргизилади, ундан қаттиқ қотишмали металл кукунини босиб зичлашда фойдаланилади. Пуансоннинг ҳам ташки түрт томонидан шлицида ўрнатилган бўлиб, ҳалқа ички қисмидаги шлицалар билан ўзаро кийишади ва эркин ҳаракат-ланади (4-расм). Пуансоннинг устида юқори босим остида штамп-лаш натижасида, матрица ва пуансон бир-бири билан туташади.



4-расм. Пуансон ва ҳалқанинг боғланиши: 1-пуансон; 2-ҳалқа; 3-шлица.

Пуансоннинг пастки таг қисмида, яъни матрица билан тута-шадиган қисмида парманинг ярим шакли ўйиб ишланади (5-расм).



5-расм. Пуансон пастки таг қисмининг кўриниши: 1-парманинг ярим ўйик шакли; 2-пуансон; 3-шлица.

Матрицада парманинг ярим ўйик шакли ва пуансонда ҳам парманинг ярим ўйик шакли мавжуд бўлиб, иккала ярим шакллар бир бутун парманинг шаклини ташкил этади. Бу эса қуйидагича амалга оширилади. Матрица ичига ҳалқа киргизилгандан сўнг, ҳал-қа ичига маълум миқдордаги қаттиқ қотишмали металл кукун жой-лаштирилади. Ҳалқа устидан қаттиқ қотишмали металл кукуни пу-ансон билан зичланади. Шундан сўнг прессформада юқори босим билан пуансоннинг устидан босади. Юқори босим остида штамп-лаш натижасида, матрица ва пуансондаги парма ўйик шакллари орасига қаттиқ қотишмали металл кукуни зичлашиб бир бутун пармани ташкил этади. Матрицадаги парманинг ярим ўйик жойига teng тақсимлаб жойлаштирилган иккита стержен сим эса парманинг ичидаги қолиб кетади. Маълум бир температура остида парма печда қиздирилади. Натижада парманинг ичидаги стержен сим эрийди ва пармадан ажralиб чиқади. Унинг ўрнида эса иккита тешик қувур ҳосил бўлади (6-расм).



6-расм. Қаттиқ қотишмали металл кукунидан тайёрланган парма: 1-мойловчи-совитувчи суюқлик оқувчи қувурлар; 2-жилвирланган тайёр парма.

Жараён тугагандан сўнг парма жилвирланиб, тайёр маҳсулот ҳолатига келтирилади. Пармалаш вақтида ҳосил бўлган иккита те-шик қувурлардан доимий равишда мой оқиб туради. Ушбу мойлов-чи-совитувчи суюқлик ишлов берилаётган металл ва парма орасида вужудга келадиган юқори ҳароратни пасайтириш билан бир қаторда ишлов берилаётган материал юза

тозалигининг юқорилигига ҳам эришилади. Натижада ишлаб чиқилаётган тайёр маҳсулот сифати ошади ва қимматбаҳо қаттиқ қотишмадан тайёрганган металга ишлов берувчи асбобнинг турғунлиги 1,52 мартага юқори бўлади [2].

#### **Адабиётлар**

1. Нурмуров С.Д., Норкулов А.А. Термофизические основы структурообразования в литых биметаллических композитах. Монография. – Ташкент: Фан ва технология, 2010. – 160 с.
2. Нурмуров С.Д. Теоретические и технологические аспекты создания конструкционных материалов на основе мелкодисперсных порошков тугоплавких металлов. Монография. – Ташкент, ТашГТУ, 2012. – 136 с.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада қаттиқ қотишмали, мойловчи-совитувчи суюклик учун йўлаклари бўлган парманинг прессқолипини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье приводятся результаты исследование разработки прессформы твердосплавного сверла с каналами для подвода смазочно-охлаждающей жидкости (СОЖ).

#### **SUMMARY**

In this article is given the results of the development of the mold with a carbide drill channels for supplying lubricating-cooling liquid (LCL).

## **ФАЛСАФА-ТАРИХ**

---

**МАЊНАВИЯТ ВА ОММАВИЙ МАДАНИЯТ<sup>1</sup>**

**Эркаев А.П. (КарДУ)**

**Таянч түшүнчалар:** оммавий маданият, элитар маданият, маңнавият, феноменология, интерференция, урбанизация, постиндус-триал жамият, оммавий коммуникация воситалари.

#### **IV. Юксак ва оммавий маданиятлар диффузияси ва интерференцияси, уларнинг шахс ва жамият маңнавиятида акс этиши**

Замонавий халқаро ва миллий маданий ҳаётлар ўта зидди-ятли ҳодисадир. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Бир томондан, ишлаб чиқариш ва турли халқларнинг ўзаро савдо-сотиқ ҳамда ҳар хил соҳаларда алоқалари интенсивлашди. Улар фойдала-наётган технологиялар ва коммуникация воситалари бугун бир хил. Натижада турли халқларнинг қарашларида, ижтимоий-маданий ҳаёти ва умуман турмуш тарзида объектив равишда умумий, ўхшаш, бир андозали унсурлар кўпаймоқда. Миллий маданиятлар оммавий маданият унсурларини кўплаб қабул қилмоқда. Иккинчи томондан ҳар бир халқнинг ўзлигини англаш даражаси ўсмоқда. Бу эса улар-нинг ўз маңнавий олами, этномаданий хусусиятлари, миллий идент-лигини сақлаб қолиш, замонавий талаблар асосида бойитиб, янги погонага кўтариш истагини кучайтирумоқда.

Бошқача айтганда, замонавий ижтимоий ҳаётнинг объектив тенденциялари ва кўплаб халқларнинг маңнавий-маданий ҳаётдаги субъектив интилишлари ўртасида зиддият мавжуд. Бу зиддият уларнинг маданиятлари ва менталитетида акс этмоқда. Оммавий маданият махсулотлари, замонавий турмушнинг куляйликлари халқларнинг анъанавий қарашларини, яшаш тарзини ўзгартириши баробарида миллий маданиятларга космополитик мазмун, стандарт-лашган қиёфа таклиф этмоқда. Юксак маданиятга ҳам ўта зид-диятли таъсир кўрсатмоқда.

Биринчидан, юксак маданият ТВ, радио, видео- ва аудио-дисклар орқали нисбатан кенгроқ тарқалиб, матълум даражада омма-лашмоқда. Иккинчидан, аҳолининг саводхонлик даражаси, турмуш фаровонлиги ва маданий савияси юксалиши жараённида юксак маданиятга мурожаат этиши ўсмоқда. Бу юксак маданиятнинг ТВ, электрон ва босма нашрларда кенг тарқалишидагина эмас, шунингдек, мумтоз сахна ва мусика асарларини замонавий талқин қилиш-ларда ҳам қисман намоён бўлмоқда. Лекин, тан олиш керакки, кейинги ҳолат доим ҳам муваффақиятли чиқавермайди. Учинчидан, айrim европалик олимлар тўғри эътироф этганидек, юксак ва оммавий маданиятлар ўзаро таъсири натижасида уларнинг диффузияси, яъни бир-бири таркибиغا кириб бориши юз бермоқда. Ҳақиқатан, баъзи соҳаларда, айниқса виртуал музейлар, галереялар, кутубхо-налар, ТВ, Интернет ва софтвер соҳалари мисолида уларнинг диф-фузиясини кузатиш мумкин. Театр, кино, ТВ соҳаларида ҳам бун-дай ҳолат яққол сезилади. Лекин бу соҳалар анча мураккаб, кўп-қатламли, қарама-қарши тенденцияларга бой. Уларнинг нутқида да-гал унсурлар, номеъёрий лексика кўпайиб бораётир. Юксак маданият аҳоли кенг қатламларига эстетик жиҳатдан тушунарли, иқти-садий жиҳатдан чўнтақбоп бўлиши лозимлиги унинг демократлашувига, халқчиллиги ўсишига, пировардида нисбатан оммалашу-вига хизмат қилмоқда.

Диффузия муқаррар тарзда маданиятнинг ривожланишига, унинг ўртачалашувига таъсир кўрсатади. Бугун юксак гуманистик маданият гоялари ва баъзи таркибий унсурлари оммавий маданийтга кириб бориши кузатилмоқда. Масалан, жаҳондаги катта май-донларда, стадионларда юксак маданият, юксак санъат вакиллари иштирокида наркоманияга қарши, очарчиликдан, табиий оғатлардан, ички ва ташки худудий можаролардан, урушлардан, эпидемия-лардан жабр кўрган

кишиларни моддий ва маънавий қўллаб-кув-ватлаш мақсадида хайрия концертлари ва турли тадбирлар ўтказиш урфга айланиб бораётир. Жаҳон бўйлаб ТВ орқали узатиладиган ҳар хил санъат фестиваллари, биеналлелар, замонавий қўргазмалар ҳам, бир томондан, юксак маданиятга дахлдор бўлса, иккинчи жиҳатдан, оммавий маданият ҳодисалариdir. Масофадан ўқитиши, масофадан илмий ва амалий конференциялар ўтказиш, дунёнинг Интернетга уланган истаган кутубхонаси, архиви, музейи ва бошқа маданий, илмий муассасасидан керакли ахборотни олиш, нусха қўчириш имкониятлари, электрон ҳужжатлар, китоблар ва кутубхоналар – булар ҳаммаси оммавий маданиятга юксак маданиятнинг кириб бо-риши ва маданиятнинг ўртача-лашган маданият. Айнан шундай ўртача-лашган маданият кўпроқ ўрта синфларнинг эҳтиёжига мос. Уни ўрта синфа мансубдир десак, эҳтимол хато қилмасмиз.

Юксак ва оммавий маданиятларнинг ўзаро таъсири аслида жуда ранг-баранг. Уни бир томонлама ижобий ёки салбий, деб ба-ҳолаш нотўғри. Шак-шубҳасиз, курраи заминда аҳолининг ахборот технологиялари ва воситаларини ўзлаштириши, Интернетнинг кенг тарқалиши турли-туман ахборот излаш ва олиш имкониятларини тубдан ўзгартириб юборди. Ахборот соҳасида чегаралар нисбий бў-либ қолди. Одамларнинг у ёки бу ҳодисага, жумладан, маданият ҳодисаларига муносабат билдириши фаоллашмоқда. Жамоатчилик онгига инсон ҳуқуқлари ва демократик қадриятлар, ижтимоий та-раққиёт масаласи тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Бу юксак маданиятга хос бўлган айрим гуманистик, демократик ғояларнинг омма онгига ва маданиятига кириб бориши оқибатидир. Ахборот ва истеъмол бозорларидағи ракобатнинг кучайиши оммавий маданият-нинг профессионаллик даражасини ўстирмоқда.

Ўз навбатида юксак маданият тор табақавий маданиятга айланиб қолмаслиги учун кенг аҳолининг баъзи бир эҳтиёжларига, яхши ривожланмаган дидига, тайёргарлик даражасига мослашишга мажбур бўлаётир. Кино экранлари ва театр саҳналарида персонаж-ларнинг интим муносабатлари тобора очиқ қўрсатилаётир. Юксак ва оммавий маданиятларнинг диффузияси ва кенг маънодаги ўзаро таъсири натижасида, юқорида таъкидланганидек, уларнинг орали-ғида янги – ўртача-лашган маданий қатлам вужудга келаётир. Таъкидлаш жоизки, ўртача-лашган қатлам юксак ва оммавий маданиятларни алмаштирамайди, сиқиб чиқармайди. Ўз навбатида улар-нинг механик тарзда коришуви ҳам эмас. Унга қандайдир экспрессив маданият, деб қарамаслик керак. Ўртача-лашган маданият ўрта синф эҳтиёжларини, унинг майший турмушда серияли маҳсулотларни эмас, балки эксплюзив маҳсулотларни истеъмол қилишга интилиш-ларини ва унда бундай имконият вужудга келганини акс эттиради.

Юксак ва оммавий маданиятларнинг ўзаро таъсири айрим ҳолларда уларнинг нафакат диффузиясига, шунингдек, интерферен-циясига ҳам олиб келмоқда. Яъни уларнинг ўзаро бир-бирини сўн-дириши кузатилмоқда. **Диффузия ва интерференция юксак ва оммавий маданиятлар ўзаро таъсирининг икки қарама-қарши – ижобий ва салбий тенденциялари** (албатта, бошқа тенден-циялар ҳам мавжуд).

Интерференция аслида физика фани атамаси хисобланади. У икки тўлқин (сув, ҳаво, электромагнит, ёруғлик тўлқинлари) тебра-ниш қўрсаткичлари қарама-қарши бўлса, маълум шароитда бир-бирини тўлиқ ёки қисман сўндиришини билдиради. Интерференция фақатгина табиат ҳодисаларига эмас, шунингдек, ўзига хос тарзда жамият ҳаётига ҳам хос. У лингвистикада анчадан буён ишлатила-ди. Икки тиллилик (билингвизм) ҳодисаларида сўзловчи асосий ти-лининг айрим грамматик ва лугавий хусусиятлари у иккинчи тилдан фойдаланаётганда талаффузида, гапидаги сўзлар тартибида, зарур сўзнинг аниқ эквивалентини топа олмай биринчи тилининг элемент-ларини қўллашида намоён бўлади. Ушбу ҳолатни лингвистлар ин-терференция деб аташни маъкул топганлар. Икки тилли инсонлар кўп. Аммо одатда уларнинг жуда озчилиги ҳар икки тилни баравар ва яхши ўзлаштиради. Кўпчилик иккинчи тилни кундалик мулокот

даражасида билади. Шу сабаб уларнинг нуткида турли даражада қисман намоён бўладиган интерференция кўп учрайди.

Айнан шунга ўхшаш ҳодиса бошқа маданий муҳитга тушиб қолган кишилар хулк-авторида, уларнинг янги ижтимоий воқеликка муносабатида кузатилади. Ушбуниг ёрқин мисоли – муҳожирлар ҳаёти. Бунда қишлоқ, провинциал, кўпроқ дехқонча маданият ва шаҳар маданияти ўртасида, агар муҳожир чет эллик бўлса, икки миллий маданият ўртасида ўзига хос интерференция юз беради. Ўтмишда қишлоқдан шаҳарга ёки бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб келиб, янгича шароитда ишлашга ва яшашга мажбур бўлган киши ўз онги ва турмуш тарзида аввалги маданий воқелик унсурларини анча сақлаб қолган, янги воқеликнинг ҳамма унсурларини бирдек баравар қабул қилолмагани учун унинг ҳаётида ўзига хос мафкуравий-маданий бўшлиқ (вакуум) пайдо бўлган. Бўшлиқ айнан маданиятлар интерференцияси туфайли юзага келади. Ҳали бу масалага биз яна қайтамиз.

Шундай қилиб, интерференция бир маданиятлар доирасида юксак ва оммавий маданиятлар, халқ маданияти (фольклор) ва оммавий маданият ўртасида ҳамда халқаро миқёсда ва ерли халқлар муносабатида улар миллий маданиятларининг ўзаро зиддиятли таъсирида намоён бўлади.

Замонавий инсоннинг эстетик, ахлоқий, ҳатто сиёсий онгида юксак ва оммавий маданиятлар турли даражада келтириб чиқарган интерференцияни кузатиши мумкин. Юксак ва оммавий маданият-ларнинг ўзаро интерференцияси ҳалигача на республикамиизда, на хорижда алоҳида илмий тадқиқ этилган эмас. Ҳар ҳолда ушбу сатр-лар муаллифига бундай тадқиқотлар номаълум. Энг аввало қайд этиш лозимки, маданиятлар интеренференцияси – нисбий тушунча. У маданият маҳсулотларида эмас, кўпроқ жамият аъзоларининг, санъат аҳлининг, сиёсатчилар ва қонун ижодкорларининг қарашла-рида, кенгроқ олсак, ижтимоий мўлжалларида, яъни маънавиятида намоён бўлади. Масалан, ривожланган ғарб мамлакатларида баъзи анъанавий ахлоқий мезонларнинг, фундаментал оиласи қадрият-ларнинг чуқур деформацияга учрагани, бизнинг фикримизча, улар-ни оммавий маданият таъсирида қисман сўнгани ва ўзгаргани натижасидир.

Мисол тариқасида аввал айтиб ўтилган порниндустрияни, секс-шопларни, стриптизларни, енгил гиёҳванд моддаларни сотиш-ни, фохишабозликка рухсат бериб, фохишаларга солиқ солишга, бир жинсли никоҳларга рухсат этишга қаратилган чақириқларни, жино-ятчилик, гиёҳвандлик, ахлоқий бузуқлик ўсиб бораётганини келти-риш мумкин. Бу маданиятлар интерференциясидан ташқари ҳозирги жамиятда номоддий истеъмолнинг ўсиши, одамларда бўш вақтнинг кўпайиши билан ҳам боғлиқдир. Маданий хизмат кўрсатиш ва дам олиш бозорларида ракобат кескин ўсмоқда. Натижада айрим режис-сёрлар баъзи бир мумтоз драмматик асарлар мазмунини, воқеала-рини “замонавийлаштириб”, инсоннинг онг ости ва биологик инс-тинктлари қандай юзага чиқишини кўрсатувчи асарларга ёки абсурд томошаларга айлантирумокда. Мумтоз асарлар ўзларининг гуманистик мазмунидан, эзгулик ғояларидан маҳрум этилмоқда.

Санъаткор, албатта, инсоннинг психологияси ва ички дунё-сини, шу жумладан, онг ости инстинктларини, муайян ижтимоий реалликнинг, шахс ҳаётининг абсурдлигини кўрсатишига, бадиий таҳлил қилишга ҳақли. Лекин санъаткор доимо эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги чегарани аниқ ёки интуитив ҳис қилмоғи, асарида уни йўқотиб кўймаслиги, ёвузлик томонга ўтиб кетмаслиги керак. Бун-дан мутлақо асарнинг холосаси оптимистик бўлиши керак, деган фикр келиб чиқмайди. Асар қандай яқунланишидан катъи назар инсонпарварлик ғоясига хилоф келмаслиги лозим. Мумтоз трагеди-яларни эсласак, уларнинг мудом юксак идеалларга мослигига амин бўламиз.

Маълумки, оммавий маданият бозор талаблари ва мода асо-сида ривожланади. Айнан ушбу омиллар маданиятлар интерферен-циясига кўпинча сабаб бўлади. Театрларга томошибинларни жалб қилиш мақсадида саёз мазмунли, схематик, лекин томошибин эҳтиросларини қитиқловчи саҳна кўринишларини, онг ости, мистика, абсурд унсурларини усталик билан спектаклга тиқиширган асар-лар кўплаб кўйилмоқда. Улар қаторида мумтоз асарлар мазмунини ўта жўнлаштириш, баъзан очиқчасига сохталаштириш, атайлаб бузиш, асарни модага мос схематик андозага солиш, модага кирган ғояларни асарга тиқишириш мисоллари ҳам кўп. Айнан шулар маданиятлар интерференциясига мисолдир. Масалан, П.Чайковс-кий “Оқкуш кўли” балетининг янги версиясида, ёш оқкушлар рақси йўлларда қатор туриб, мижоз кутадиган фоҳишалар рақси билан алмаштирилган. Табиийки, балет мусиқасининг партитураси ҳам тегишли жойларда ўзгартирилган (Чайковскийнинг аввал ёзган асарлари мусиқаси билан).

Саҳна ва экранларда барча жанрлар ва услублар қоришириб юборилмоқда. Агар бу образни теранроқ очишга, асар бадиий ва эстетик савиясини кўтаришга хизмат қилганида, уни қабул қилиш мумкин эди. Лекин кўпинча бундай “бадиий винегрет усуллари” мумтоз асарни тубанлаштириб юбормоқда. Шундай фильмлар пайдо бўлдики, уларда ҳамма нарса – шарқ якка курашларини, вам-пирларни, фахш, даҳшат, зўравонлик, фантастикани ва ҳ.к.ни кўрса-тиш аралаш-куралаш бўлиб кетган. Янгича талқин қилиш, асарнинг замонавий версияларини яратиш нафақат театр ва кинода, балки бошқа санъат турларида, шу жумладан, бадиий адабиётда учрамоқда. Фрейдизм модага кирганда ёзилган Айрис Мердокнинг “Кора шаҳзода” романи қаҳрамони Ҳамлет хатти-ҳаракатини “Эдип комплекси”нинг намоён бўлиши, яъни ўз онасига нисбатан англан-маган шаҳвоний интилиш, ўз отасига (ўгай отасига) нисбатан қо-тиллик майлиниг намоён бўлиши сифатида талқин қиласи. Балки роман ноанъанавий жинсий мўлжаллар модага кирган бугунги кун-да ёзилганида, Ҳамлетнинг Офелия муҳаббатини рад этиши, Гора-циога муносабати асар қаҳрамони томонидан ноанъанавий шаҳво-ний интилиш сифатида тушунтирилармиди! Агар бундай ёндашув-ни давом эттирасак, Ягонинг Дездемонага нисбатан уюштирган иғ-восини, тухматини унинг Отеллони пинхона севиши ва Дездемо-нага рашик қилиши билан изоҳлаш имкони туғилади. Баъзи “пешқа-дам” режиссёrlар шу йўлдан бормоқда. Бутун жаҳон адабиёти мазмунини сохталаштириш мумкин. Маданиятлар интерференция-си туфайли қадриятлар, мезонлар тизими ўзгармоқда, санъатда дегуманизация (инсонпарварликни йўқотиш) чукурлашмоқда.

Капитализм ривожланиб, оммавий истеъмолчилик жамияти шакллангани сайн индивидуализмни жамоавийликка қарама-қар-ши қўйиш кучайган. Мумтоз гуманизм ғоялари деформацияга уч-рай бошлаган. *Кескин индивидуализм XX асрнинг иккинчи ярми-да гуманизмни аста-секин антропоцентризм билан алмаштирди*. Энди табиатнинг ҳам, жамиятнинг ҳам, ҳар қандай ижтимоий фаолиятнинг ҳам марказига абстракт инсоннинг чегараланмаган эҳтиёжларини қондириш, унинг ҳар қандай инжиқлигини, ҳирсини, агар улар мавжуд тузумни амалда зўравонлик билан ағдаришга, бошқа инсонлар устидан зўравонлик қилишга қаратилмаган бўлса, инсон ҳуқуки деб талқин қилиш эгаллади. *Гуманизм ўзининг диалектик тескариси – антигуманизмга, индивидуализм – эгоцен-тризмга айланди*. Эркинлик масъулият билан муштарак эканлиги унутилди.

Масъулиятсиз эркинлик шахс маънавиятини емиради. Ушбу ҳолат, табиийки, оммавий маданиятнинг сохта қадриятларида ўз аксини топди. Оқибатда аксилмаданиятни келтириб чиқаарди. Қо-тиллик, зўравонлик, конхўрлик (вампиризм), шаҳвонийликни очиқ-часига кўрсатиб, “эстетиклаштирувчи” фильмлар, китоблар кўпа-йиб кетди. Уларнинг пайдо бўлишини фақат ўз эгаларига катта даромад келтириши билангина тушунтириш нотўғри. Жамиятда қадриятлар тизими ва ижтимоий мўлжаллар ўзгармаганда, порно-графия индустрянинг алоҳида турига айланмас, бирор корчалон очиқчасига мавжуд ахлоқий коида ва меъёрларга қарши туриб, зўравонлик ва бошқа аксилинсоний хулқни эстетиклаштирувчи бундай асарларни оммавий нусхада кўпайтирас эди.

Инсонни қурбонлик қилишни оқладыган секталар, “қора жодугарлик”нинг баъзи турлари, тажовузкор, агрессив диний секта-лар ва шунга ўхшаш ҳодисаларнинг кўпайишини ҳам факат уларни ташкил этган шахсларнинг бойлика, одамлар устидан ҳукмронлик қилишга интилиши, ўта шуҳратпарастлиги билан изоҳлаш қийин. Тан олиш керакки, жамиятнинг маънавий инқирози, одамларнинг бир қисми ижтимоий мўлжалларини ва ахлоқий, эътиқодий таян-чини йўқотиб қўйғанлиги сабабли турли секталар, экстремистлар, маргинал гурухлар тузогига илиниб қолаётир. Бундай кишиларнинг кўпчилигини саводсиз, оми одамлар дейиш қийин. Улар орасида, афсуски, ёшлар талайгина. Бу мисоллар инсонпарварлик, ахлоқий-ликнинг, эътиқодий меъёрларнинг чуқур трансформацияга учрага-ни, қисман сўниб қолганини билдиради. Дарвоке, ушбу мавзу ало-ҳида маҳсус ўрганишни талаб қилади. Юқоридаги хулқ-атворга са-баб бўладиган барча ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, тиббий, психо-логик, педагогик ва бошқа омилларни аниқлаш зарур. Ахир бундай хулқ кимлар учун аввалги қадриятлардан ҳафсаласи пир бўлгани-нинг, кимлар учун тарбиясидаги нуқсонларнинг, яна кимлар учун жамият томонидан унга ёки яқинларига нисбатанadolatsizlik қи-лингандигининг оқибатида юзага келган бўлиши мумкин. Аммо ак-сарият ҳолларда улар жамият маънавий инқирози, маданиятлар ин-терференцияси оқибатидир. 2013 йил баҳорида Россиянинг “Куль-тура” (“Маданият”) телеканалида бошловчи М.Швидкой “Замона-вий цивилизация маданиятга эҳтиёж сезадими?” мавзууда баҳс ўт-казди. Баҳслашувчи муҳолифларнинг бири “Йўқ, сезмайди, Замо-навий цивилизацияга маданият керак эмас”, деган нуқтаи назарни ҳимоя қилди. Ўз фикрини у тахминан шундай далиллади: “Мада-ният – бу аввало ўз-ўзини чекламоқдир. У турли хил ахлоқий, диний ва шу каби ижтимоий меъёрлар, анъаналар тизимиdir. Замонавий цивилизацияга буларнинг кераги йўқ, чунки унинг ривожланишига тўсиқ бўлади”. Унинг мулоҳазаларига баҳо бериб ўтирасдан, қайд этмоқчимизки, у замонавий жамиятнинг маданиятга нисбатан муно-сабатидаги тенденцияларидан бирини анча тўғри пайқай олган. Уш-бу тенденцияга мувофиқ замонавий цивилизацияга маданият нари борса товар сифатида керак, зинҳор жамият ҳаётининг гоявий-ин-теллектуал ва ҳиссий-эмоционал асоси сифатида эмас.

*Интерференция ижтимоий, сиёсий ва ҳукуқий соҳаларда биринчи галда инсонпарварлик гояси (демак, эзгулик, адолат, ҳақиқат, инсоф, диёнат ва ҳ.к. гоялар) тўғрисидаги тасаввур-ларнинг хиралашуви ёки соҳталашуви сифатида намоён бўлади. Натижада қадриятлар тизими ўзгаради, ҳакиқий гуманистик қад-риятлар соҳта ва антидемократик қадриятлар билан аралашиб кета-ди, айrim ҳолларда алмаштирилади.*

Глобаллашув шароитида бутун дунёда замонавий оммавий маданият тез тарқалмоқда. Оммавий маданият беўйлов, бир ўлчов-ли инсонни шакллантириб, аҳоли онгини бошқаришга қодирлиги туфайли жаҳон жамоатчилиги унинг ёрдамида реал муаммолардан чалғитилмоқда. Аниқ ижтимоий мўлжаллар ўрнига одамларга са-роб, иллюзор, мавхум мўлжаллар гўёки универсал демократик қад-риятлар сифатида пеш қилинмоқда. Баъзи ривожланаётган мамлакатларда кейинги йилларда юз берган демократия учун курашлар фуқаролар урушига айланиб кетиши хавфини туғдирмоқда (Афсус-ки, Сурияда у фуқаролар урушига айланиб, юз мингдан ортиқ киши-нинг ҳаётига зомин бўлди, улкан вайронгарчиликка олиб келди). Улар баъзи ривожланаётган мамлакатларда қонли тўқнашувларга, ҳатто айrim ҳолларда халқаро кучлар томонидан бомбардиров-каларга сабаб бўлди (Ливия). Ривожланган мамлакатларнинг ўта қаттиқ иктиносидай санкциялари, турли мамлакатларда ички ва ташки кучлар ёрдамида сунъий уюштирилган тўнтаришлар, сунъий келти-риб чиқарилган ҳарбий можаролар оқибатида қанчадан қанча тинч аҳоли, аёллар, ёш болалар ҳалок бўлаётганини, ногиронга айлананаётгани, очлик ва касалликлардан жабр тортаётганини инсон ҳукуқ-лари ва демократия учун кураш зарурати билан қай даражада оқлаш мумкин? Инсон ҳукуқини ҳимоя қилиш учун унинг ўзини ўлимга, азобукубатга маҳкум қилиш керакми? Мақсад воситани хеч қачон оқламаган! Ножоиз воситалар

туфайли энг олижаноб максад ҳам ўзининг диалектик қарама-қаршилигига, тескарисига айланмоқда.

Бошқа бир аниқ воқеани келтирамиз. У қонли, фожеали эмас, балки ўзига хос эрмаклидир. 2013 йил октябрида Чехия Республикасида парламентта навбатдан ташқари сайловлар бўлиб ўтди. Сай-ловолди ташвиқот кампанияси авжга чиққан пайтда мамлакат Пре-зиденти саройи қаршисида одамлар сайр қиласидан гавжум ва сў-лим жойда маҳобатли скульптура пайдо бўлди. У ўрта бармоғи ба-ландга кўтарилган инсон бармоғи тасвири эди. Шундай ҳақорато-муз – иғвогарона усулда ҳайкалтарош амалдаги ҳокимиятга ўз муносабатини билдирган. Euronews канали хабар берганидек, скульптура кўпчиликнинг, айникса ёшларнинг олқишига сазовор бўлган.

Ҳар қандай скульптурани, ҳатто вақтингчалик ва ташвиқот характеристидагини ҳам, тўғри келган жойга, хоҳлаган пайтингда ўрнатолмайсан. Танланган жой ва вақт нафақат сайлов комиссияси, ҳатто маҳаллий ҳокимият (шаҳар мэрияси) билан келишилганига шубҳа йўқ. Нима бу – сўз (муносабатни ифодалаш) эркинлигими ёки замонавий сиёсий маданиятнинг бужмайган афтими? Ушбулар ҳалқаро сиёсий ва ҳуқуқий маданиятда, жаҳон жамоатчилиги онгиди қадриятлар ва мўлжаллар интерференциясининг содир ва намоён бўлган қисмидир.

Болалар устидан шаҳвоний зўравонликни амалга оширишни, педофилик мазмундаги суратларни ва рекламани очик кўрсатувчи яширин сайтларни айрим кишилар томонидан Интернетга жойлаш-тириш ёки ўзларининг бошқа хилдаги салбий хатти-ҳаракатлари билан мақтаниш – бу, айникса ўсмиirlар ва ёшларга хос – ҳозирги жамият аъзоларининг бир қисми айрим асл ахлоқий ва ҳуқуқий мезонларни ўқотиб кўйганини билдиради. Ахлоқ ва ҳуқуқ меъёрларини бузадиган кимсалар барча жамиятларда учраган. Лекин улар ўз хулқи, хатти-ҳаракати билан мақтанмаган. Бошқалар бу тарздаги мақтанчоқлардан ҳазар қилган, баъзан уларни қаттиқ жазолаган. Бугун эса кўпчилик бундай ҳолларга бефарқ, айримлар эса уларга носоғлом қизиқиш билдиради. Шу сабабдан Интернет тармоғидаги бундай яширин сайтларни йўқотиш қийин кечмоқда.

Маълумки, инсон эркинлиги ва ҳуқуқлари – энг олий умум-инсоний қадриятлар бўлиб, жамият тараққиёт даражасининг асосий мезонларидан ҳисобланади. Жамият инсонга ўзининг барча соғлом биофизиологик, моддий ва маънавий эҳтиёжларини имкон қадар тўлароқ қондиришга шароит яратмоғи лозим. Соғлом ва носоғлом эҳтиёжлар бир-биридан жамиятга ва бошқа одамларга салбий таъ-сир кўрсатмаслиги ёки кўрсатиши билан ажralиб туради. Инсоннинг муайян эҳтиёжи қондирилиши бевосита ёки билвосита ҳеч кимга зарар етказмаса, у жамият томонидан қабул қилиниши, маъ-кулланиши мумкин. Акс ҳолда бундай эҳтиёждан воз кечиши керак.

Инсоннинг эҳтиёжларига ва уларни қондириш ҳуқуқига абс-тракт гуманизм, абстракт либерализм нуқтаи назаридан ёндашиб бўлмайди. Инсон ўз эҳтиёжларини жамиятда қабул қилинган му-айян тартиб-коидалар, меъёрлар асосида қондиради. Баъзи бир био-физиологик эҳтиёжлар интим вазиятда қондирилади. Шаҳвоний эҳ-тиёжлар шулар сирасига киради. Лекин инсон ҳуқуқлари ва эркин-ликларига абстракт гуманизм ва антропоцентризм қарашларидан келиб чиқиб ёндашиб, оммавий маданиятни инсоннинг ҳар қандай эҳтиёжларини, шу жумладан, носоғлом эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилдириш шаҳвоният (секс) масалаларида баъзи ҳолларда аниқ ижтимоий мўлжалларнинг йўқолишига сабаб бўлмоқда.

Айрим ғарб мамлакатларида бир жинсли никоҳларнинг қо-нунийлаштирилиши, бундай никоҳга асосланган оилаларга фарзанд асрар олишга рухсат этилиши инсон ҳуқуқлари билан оқланмоқда. Ноанъанавий сексуал мўлжалдаги кишиларнинг бирга яшишига қаршилик қилмаган ҳолда, уларга фарзанд асрар олишларига рухсат берилишини, бизнинг назаримизда, инсон

хукуклари билан мутлақо оқлаб бўлмайди. Чунки асраб олинаётган боланинг ҳам хукуклари-ни унутмаслик керак. У тўлақонли оилада – ҳам ота, ҳам она тар-биясини олиб ўсишга ҳақли. Бир жинсли оила қурган икки киши-нинг бола тарбиялаш хукуқини тарбияга олинаётган боланинг хукукларини поймол этиш ҳисобидан таъминлаш – антигуманизм, бо-лага нисбатан зўравонликдир. У ўзлигини, ўзининг ҳукуқ ва ман-фаатларини, шу жумладан, шахвоний мойилликларини ҳали тўлиқ англаб ололган эмас. Бир жинсли никоҳдаги оилада эса асраб олин-ган боланинг жинсий мўлжалси сунъий равишда унинг асл табиатига қарама-карши шакллантирилмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди.

Кейинги йилларда гендер тенглиги масаласи инсон ҳукукла-рини таъминлашнинг долзарб соҳаларидан бирига айланди. Бу жу-да ҳаётий муҳим масаладир. Осиё, Африка, Лотин Америкаси ри-вожлангаётган мамлакатларидагина эмас, балки Европа ва Шимолий Американинг ривожланган мамлакатларида ҳам, бирида озроқ, бирида кўпроқ, гендер муаммоси мавжуд. Аммо жинслар тенг ҳу-қуқлилиги масаласи усталик билан аста-секин “гендер инқилоби” масаласига айлантирилмоқда. Эмишки, ўзини эркак ёки аёл, деб ҳи-соблаш ҳар бир кишининг хос ҳукуки. Шу сабабдан болаларга ота – эркак, она – аёл, сен ўғил боласан ёки қиз боласан, умуман аёл ёки эркак деган тушунчани ўргатмаслик керак эмиш. Бола улғайиб, ба-логатга етгач, унга қайси бир жинс маъқул бўлса, шунисини танлаб олармиш. Айтишларича, Швецияда айнан ушбу тарбиявий тамо-йилга асосланган бир боғча фаолият юритмоқда.

Бир жинсли никоҳларнинг ва гей-парадларнинг ОАВ орқали очиқасига тарғиб этилиши замонавий жамиятда ушбу масалада ҳа-лигача гўёки мавжуд дискриминацияга чек қўйиш истаги билан ту-шунтирилади. Аслида амалда (де-факто) демократик мамлакатлар-да сексуал озчиликни ташкил этувчиларининг ҳеч қандай дискри-минацияси учрамайди. Табиийки, юридик дискриминация сақланиб қолган мамлакатларнинг жиноят ва процессуал кодексларидан те-гишли меъёрларни чиқариб ташлаш учун курашиш керак. Гап бир жинсли никоҳларнинг қонунийлаштирилишида ҳам эмас, балки тажовузкор, мажбуран тикиштирилаётган ташвиқтададир. Фран-цияда тегишли қонун қабул қилинганидан кейин илк бора расмийлаштирилган бир жинслик никоҳни рўйхатга олиш маросими 2013 йил май ойи охири – июнь ойи бошларида Euronews каналлари орқали тинимсиз равишда бир ҳафта давомида кўрсатилди. Бирорта сиёсий янгиликка, ижтимоий ёки маданий воқеага, илмий кашфиёт-га ёки қироллар, “юлдузлар” ҳаётига бунчалик эфир вақти ажратил-ган эмас. Ахборотнинг мазмуни ва мақсадини қўя турайлиқ, унга ажратилган эфир вақти ҳажмининг ўзиёқ бу масалада аниқ ахлоқий, ижтимоий мўлжаллар йўқолаётганидан далолатдир. Гей-парадлар-нинг ТВда намойиш этилиши ҳақида ҳам шундай дейиш жоиз.

Ноанъанавий жинсий мўлжалдаги кишилар, гейлар ўтмишда ҳам бўлган. Турли даврларда жамият уларга ҳар хил муносабат бил-дирган. Тоталитар тузумлар уларни таъқиб қилган. Аммо кўпинча, агар жамият ахлоқига ошкора хавф солмаса, ҳеч кимнинг гейлар билан иши бўлмаган. Яширинча, интим ҳолатда ўз эҳтиёжларини қондириб юраверган. Бугун демократик мамлакатларнинг бирорта-сида улар де-факто таъқиб килинмайди, хукуклари чегараланмайди. Де-юре бир жинсли никоҳлар йигирмага яқин давлатларда қону-нийлаштирилган. Лекин гейларнинг ўз шахвоний эҳтиёжларини, ноанъанавий мойиллигини тажовузкор ҳолда мутаассибларча намо-иши этишга интилишлари, баъзи бир депутатлар ва сиёсатчilar уларнинг акцияларида иштирок этишлари (сабаби маълум – сай-ловларда уларнинг овозини олишга интилиш) ахлоқий ва сиёсий мезонларнинг трансформациясидан, бу борада аниқ ижтимоий мўл-жаллар йўқолганидан дарак беради. Ушбу акциялар, бир томондан, шахвоният ва “гендер инқилоби” орқали ижтимоий-маданий ҳаётда озчиликнинг кўпчилик устидан оила, никоҳ ва жинсий алоқалар масалаларида хукмронлик қилишга интилишидир, яъни антидемок-ратик ҳодисадир. Бундай агрессив уринишлар жамият тинч-осо-йишталигига, барқарорлигига хавф тутғирмоқда. Ушбу муносабат билан Шарқ ривояти эсга тушади. Бир букри доимо Оллоҳга “Нега бошқаларни мендан

ажратгансан” дея доимо даъво қилар экан. Охири Оллох букидан сўрабди: “Сени букилигиндан халос этайми?” Шунда буки: “Йўқ, бошқаларни ҳам мендек букига айлантири”, деган экан. Ноанъанавий жинсий мўлжалдагиларнинг талаблари соғлом кишилардан нафратланадиган букирининг Оллоҳга даъвосига ўхшайди. Баъзи масалалар бўйича, инсон ҳукуқлари, инсон эҳтиёжларини қондириш борасида, шундай қилиб, анъанавий ахлоқий ва диний маданиятлар, бир томондан, замонавий сиёсий ва ҳукуқий маданиятлар – иккинчи томондан, ўзаро қарама-қаршиликка дуч келдиларки, у уларнинг интерференциясига олиб келди.

Гей-парадлар ва шунга ўхшаш акциялар, пиар-кампаниялар жуда катта маблағлар талаб қиласи. Уларга молиявий ҳомийлик қилувчилар топилади. Гап шундаки, агар гей-парадлар ва сексуал озчиликлар ҳукуқини ҳимоя қиладиган бошқа акцияларни уюшти-рувчи гурухлар бирор банкка, корхонага ёки тадбиркорга ҳомийлик қилишни сўраб мурожаат этса, у рад жавоби беришдан қўрқади. Чунки ОАВ ва Интернетда уни нодемократик қарашларда, инсон ҳукуқларини бузишда ва бошқа кўплаб “туноҳ”ларда айловчи ма-териаллар пайдо бўлади. Ҳомийликдан бош тортган юридик ёки жисмоний шахс ёмонотликқа айланади, унинг бизнеси касодга учра-ши ҳеч гап эмас. Ҳар ҳолда мижозларининг анчасидан айрилади. М. Веллер тўғри таъкидлаганидек, норма (соғлом меъёр) ва пато-логия (хасталик) ўз ҳукуқларида шунчаки тенглаштирилмаган, балки патология яна ахлоқий устунликка эга бўлмоқда” [1].

Мутаассибликнинг ҳар қандай шакли – сиёсий, диний, ахло-қий ва ш.к. – инсонпарварлик ғоясига путур етказади. Мутаассиб-лик юксак ва оммавий маданиятлар интерференциясига сабаб бў-лувчи омиллардан биридир. Тарихдан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин – большевизм, фашизм, расизм, шовинизм, сиёсий терроризм, диний экстремизм ва ҳ.к. Энди улар қаторига ноанъ-анавий шаҳвоний мўлжалдаги маргиналлар мутаассиблигини ҳам қўшиш керакка ўхшайди.

Яна иккита мисол келтириш билан чеклансан. Маиший тур-мушда нудизм (қип ялангоч юриш) мисоллари илдизи ахлоқий меъ-ёрларнинг заифлашувига бориб тақалади. Айрим хотин-қизларнинг баданларига шиорлар ёзуб ярим-ялангоч (топлес) ҳолда жамоат-чилик жойларида, сиёsatчиларнинг прессконференциялари ва митингларида норозилик акциялари уюштиришлари сиёсий мақсад-га мувофиқликка ахлоқий меъёрларнинг қурбон қилинишидир. Тўғри, топлес-протестларни оммавий ахборот воситалари жон-жон деб ёритади, чунки у одамлар дикқатини, айниқса эркаклар дикқа-тини жалб қиласи. Намойишчи аёлларга текин пиар таъминланади, улар машҳур бўлади. Бу эса уларнинг бошқа акцияларда қатнаши-ши учун тўлов нархини оширади. Гей-парадларда депутатлар ва сиёsatчиларнинг қатнашиши тўғрисида ҳам шундай дейиш жоиз: ноахлоқийлик эвазига сиёсий капитал ишлаш. Иккинчи мисол – айрим мамлакатларда бир жинсли никоҳдагиларга бола асраб олиш-га рухсат этилиши муносабати билан боғчаларда ва мактабларнинг бошланғич синфларида тарбия жараёнига киритилаётган (ёки талаб қилинаётган) ўзгаришлардир. Уларга мувофиқ нормал оилалар бо-лалари бир жинсли никоҳга қурилган оилалар сақлаб олган бола-ларга ота-онаси ҳакида “нотўғри” савол бериб кўймаслиги, эшитган жавобидан ўзлари ахлоқий травма олмасликлари ва ўртоқларига ҳам етказмасликлари учун шундай тарбиявий ахборот берилмоқда: “Айрим болаларда икки ота бўлиб, она бўлмаслиги, айрим болалар-да эса, аксинча, икки она бўлиб, ота бўлмаслиги мумкин. Бунга ажабланмаслик керак. Оилалар ҳар хил бўлади”. 2013 йилнинг август ойида баъзи телеканаллар шундай ахборот бердилар: ГФРда бир фуқаро суд қарори билан бир кунга қамалиб чиқкан. Сабаби – у ўзининг бошланғич синфда ўқийдиган қизалогини жинсий тарбия мавзуси ўқитиладиган икки дарсга қатнаштирилмаган. Маълум бўли-шибча, бундай дарсларда болаларга нафақат эркак ва аёл ўртасидаги интим алоқалар тўғрисида, шунингдек, ноанъанавий сексуал алоқа-лар тўғрисида ҳам “билим” бериларкан, жинсий аъзоларнинг чизил-ган суратлари ва ҳ.к.лар кўрсатилар экан. Баъзи болалар даҳшатга тушиб, гангид қолар, айримлари узвос тортиб йиглар экан. Таби-ийки, ҳамма ота-оналар ҳам етти-саккиз ёшли фарзандларини бун-дай усуlda ўқитишга розилик беравермайди,

бундай дарсларни пор-нографик деб баҳолайди. Бу қабилдаги бешафқат жинсий тарбия дарсларини илмий-психологик ва педагогик жиҳатдан асослаш қи-йин. Болаларнинг ёши ва тайёргарлигини ҳисобга олиб уларга бе-риш мумкин бўлган ахборот меъёрини йўқотиб қўйиш ахлоқ соҳа-сидаги интерференциянинг белгисидир.

Кўриниб турибдики, ноанъянавий жинсий мўлжаллар тўғри-сидаги ахборотдан энди ақли кираётган, кўнгли бегубор, жинсий алоқалар тўғрисида ҳали ҳеч қандай тасаввури йўқ болаларни, жил-ла курса, балоғат ёшигача асраш баъзи мамлакатларда зарур ҳисоб-ланмаётир. Ёки, аксинча, болаларга ота-она, эркак-аёл, ўғил бола-қиз бола, деган сўзларни ишлатмаслик, улар ўрнига “у” олмошини кўллаш амалиёти тарғиб этилмоқда (туркий тилларда грамматик жинс йўқлиги учун ушбу ҳодисани тушунириш бироз қийинроқ. Масалан, рус тилида эркакка нисбатан – “он”, аёлга – “она”, грам-матик ўрта жинсни англатувчи сўзларга нисбатан “оно” олмошлари ишлатилади. Бизнинг тилда грамматик жинс йўқлиги учун барча ҳолларда “у” олмоши қўлланилади. Швециядаги бир боғчада ота-сини ҳам, онасини ҳам болага, русчага таржима қилинса, “оно” деб аташни ўргатмоқдалар).

Юқорида келтирилган мисоллар ҳозирги замон ғарб ижти-моий-маданий ҳаётининг бир қисмидир. Улар тасодифан ва кутил-магандага вужудга келиб қолган эмас. Балки XX аср давомида юз берган ижтимоий-сиёсий фожеалар, инқилоблар, урушлар, қарама-қаршиликлар, термоядро уруши ҳавфи натижасидир. Уруш ва ўлим ҳавфи аҳолининг бир қисмida ахлоқий иммунитетни ўта заифлаш-тириб, жамиятни йўлдан оздиради. Одамлар ўзини “ўлиб кетгунча, яшаб қол” қабилида туриб тубан эҳтиросларига эркинлик беради. Замонавий жамиятнинг маънавий инқизори, шунингдек, XX аср 60-йиллар норозиликлари ва сексуал инқилоби, сўнгги 20-30 йил мобайнида содир этилган гендер инқилоби, сексуал озчиликнинг хукуқлари учун ўта муболагалашган курашлар, маънавий-маданий инқизорлар, замонавий илмий-техника тараққиёти зиддиятлари, инсоннинг жамиятдан, фундаментал умуминсоний қадриятлардан тобора бегоналашиши натижасидир. Шунингдек, булар инсонни ҳақиқий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммолардан чалғитиб, унинг миясини ҳар хил соҳта қадриятлар билан тўлдириб ташлаш-га, унинг онгини бошқаришга, ижтимоий норозиликлар олдини олишга қаратилган, шаклан мағкурасизлашган ижтимоий-маданий амалиётдир. Бу амалиёт баъзан юксак ва оммавий маданиятларнинг ўзаро таъсирини салбий томонга буриб, уларнинг интерференция-сига сабаб бўлмоқда.

Юқорида келтирилган омилларнинг барчаси ижтимоий са-баблардир. Биз сал илгарироқ маънавий сабаблар – мумтоз гума-низм мавхум антропоцентризм билан алмаштирилгани, жамоавий-лик тамойили индивидуализмга тўлиқ курбон қилингани тўғрисида гапирган эдик. Яна сабаб сифатида Ф.Ницшенинг “худо ўлди”, Дос-тоевский қаҳрамони Алёша Карамазовнинг “агар худо йўқ бўлса, унда ҳамма нарса мумкин экан-да” сўзларини, оқибат сифатида Э.Фроммнинг “инсон ҳам ўлди” хulosасини қўшимча қилиш мум-кин. Ғарб маънавий инқизорининг сабабларидан бири – мумтоз қадриятлар тизимининг маданиятлар интерференцияси туфайли анчамунча вайрон бўлиши, шу жумладан, инсонпарвар диний қад-риятлар ва анъаналардан возкечилишидир.

Бошқа томондан, индивидуализмни тўлиқ инкор этиб, жамо-авийликка қурбон қилиш ҳам ижобий натижа бермайди. Жамиятда турғунлик бошланади, анъанавийлик устунлик қиласи. Баъзи ҳол-ларда жамоа манфаати учун ўз ҳаётини курбон қилишга тайёр ка-микадзелар, шахидлар пайдо бўлади. Аёнлашадики, шахс ва жамоа, инсон ва жамият манфаатлари уйғунилигига эришмоққа ҳаракат қилиш лозим. Бунинг учун тарбия концепциялари жамият ва жамоа билан уйғун яшаш туйғуларини шакллантиришни, шу жумладан, муҳожирларнинг янги муҳитга уйғун интеграциясига ёрдамлашиш-ни назарда тутмоғи лозим.

## V. Мухожирлик ва миллий маданиятлар интерференцияси

Шўролар даврида В.И.Лениннинг миллий муносабатларда икки тенденция – биринчидан, миллатларнинг ички ҳар томонлама ривожланиши, миллий давлатларнинг кучайиши ва, иккинчидан, миллий чегаралардан ошиб ўтиб капиталнинг жаҳон майдонига чиқиши натижасида миллатларнинг яқинлашуви вужудга келади, деган концепцияси жаҳон халқлари алоқаларига, умуман жаҳон тараққиётiga нисбатан қўлланар эди. Ушбу тенденциялар капитализм шароитида тарихий тараққиёт қонунияти ҳисобланар эди. Бу тенденциялар СССР халқларига нисбатан ҳам ижодий қўлланилиб, социализм шароитида, бир томондан, миллатларнинг гуллаб-яшна-ши, иккинчи томондан – ўзаро яқинлашиши юз беради дейилар эди. Қардош халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва баракали таъсири, ёрда-ми, бир-биридан ўрганиши туфайли уларнинг маданиятлари ўз қар-дошларидан фақат энг илгор ютуқларни, гояларни ва бошқа ижодий томонларни қабул қиласи, бойийди, деб ҳисобланар эди. Ягона ил-фор коммунистик гоялар ва ягона олий мақсад – коммунистик умуминсоний жамиятга интилиш уларни яқинлаштиради, улар шак-лан миллий, мазмунан социалистик ягона совет маданияти доира-сида бирлашади, коммунизм шароитида эса ягона умуминсоний маданиятга айланади, деган ақида қарор топган эди. Умуман олган-да, тарихий материализмнинг тараққиёт концепцияси миллатларнинг ҳар қандай ўзаро таъсирида фақат ижодий томонларнингина кў-рар эди. Амалиёт эса ушбу ақида ўта бирёклама эканлигини кўр-сатса-да, шўро мағкурачилари миллий маданиятлар ўзаро таъсирининг фақат ижодий жиҳатларнингина тан олиб, салбий жиҳат-ларидан кўз юмди. Ҳаёт миллий маданиятлар ўзаро алоқаси жара-ёнида нафақат илгор ютуқлари ва гоялари билан, шунингдек, қолоқ, ҳатто бузгунчи гоялар ва меъёрлар, маиший турмушдаги қўполлик ва дағалликлар, тарбиядаги камчиликлар билан ҳам бир-бирини “бойитиши”ни кўрсатди. Нозик таъб, дидни тарбиялаш, инжа санъ-атни, юксак ахлоқий меъёрларни ўзлаштириш, ўрганиш дағаллиқ, сўқиниш, ичкиликбозликни ва бошқа иллатларни ўзлаштиришга нисбатан анча қийин, албатта. Баъзи иллатларнинг ўзи юқумли бўлади, кишидан ортиқча куч ва ғайрат талаб қилмайди.

Миллий маданиятлар ўзаро таъсири, шундай қилиб, зиддият-ли, қарама-қаршиликларга бой ҳодиса. Унда, шубҳасиз, қўплаб ижодий жиҳатлар – янги ютуқларни ўрганиб, янги гояларни қабул қилиб бир-бирини ҳақиқатан бойитиш, ривожланишини тезлашти-риш, провинциал ва миллий чекланганликни енгигб ўтиш, натижада жаҳон стандартларига яқинлашиш тенденцияси мавжуд. Бу жара-ёнда ҳақиқатан Ленин аниқлаган икки тенденция ижодий мазмунда қисман мужассам ифодаланади. Ушбу ижодий тенденцияни шартли равишда миллий маданиятлар диффузияси деб аташ мумкин. Лекин айни пайтда миллий маданиятлар ўзаро таъсири жараёнида диф-фузия билан бир қаторда салбий тенденция – интерференция ҳам намоён бўлади.

СССР халқлари миллий маданиятлари ўзаро таъсири, бир-бирини бойитиб ва яқинлашуви тўғрисида шўролар даврида минг-лаб катта-кичик илмий мақолалар, рисолалар, монографиялар чоп этилган, диссертациялар ёқланган. Бу ишга ушбу сатрлар муаллифи ҳам ўз ҳиссасини вақтида кўшган эди. Бугун аён бўлмоқдаки, мил-лий маданиятлар алоқаларини фақат ижодий баҳолаш мумкин эмас. Айниқса ахлоқий, сиёсий ва маиший соҳаларда жаҳон миқёсида миллий маданиятлар интерференцияси ҳолларига мисоллар кўп. Миллий маданиятлар интерференцияси – алоҳида ўрганиладиган ўта мураккаб мавзу. Уни ўрганишда жуда катта ва кенг миқёсда қиёсий ва социологик тадқиқотлар ўтказиш талаб қилинади. Лекин мухожирлар ҳаёти ва янги воқеликка интеграциялашуви қийинчи-ликлари ушбу маънода мулоҳаза учун анча-мунча материал беради.

Бугун шаҳар ва қишлоқ ҳаётида аввалги асрлардагидек кес-кин қарама-қаршилик йўқ. Коммуникация воситалари, замонавий савдо-сотиқ ва оммавий истеъмол буюмлари улар орасидаги қара-ма-қаршиликни йўқ қилди. Сақланиб қолаётган тафовут маданият ва менталитетда бир-бири билан келиша олмайдиган даражада эмас, яшаш шароитида эса кўпроқ шаҳарда

кундалик турмуш кечириш-нинг суръатлари, вақтнинг зичлиги, яшаш мухитининг одамлар, транспорт воситалари, шовқин билан тўлиб-тошгани ҳамда нафас оладиган ҳавонинг ифлосланиш даражаси юқорилиги билан белги-ланади. Лекин урбанизация жараёни нисбатан кеч бошланган, ҳали ҳам давом этаётган Осиё, Африка, Лотин Америкаси қўпчилик дав-латларида шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги, бинобарин улар аҳолиси менталитетидаги тафовутлар ҳали анча кучли. Бу, албатта, маданий ҳаёт зиддиятларида акс этмоқда.

Истеъмолчиликка ва оммавий маданиятга асосланган ҳозир-ги замонда бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга келган муҳожир-лар ҳам янги воқеликка тезроқ мослашиш имкониятига эга. Аммо муҳожир колок ёки ривожланаётган мамлакатдан келган бўлиб, унинг дини, тили, майший турмуши ва урф-одатлари, саводхонлик кўрсаткичи янги мамлакатидаги аҳолиникидан кескин фарқ қилса, маданиятлар, менталитетлар интерференцияси туфайли зиддиятлар юзага қалқиб чиқади. Муҳожир яшаш, меҳнат қилиш ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш учун янги мухит талабларини минимал даражада ўзлаштиради. Лекин унинг баъзи талабларини тушунмас-лиги, қобилияти етишмаслиги учун эмас, балки психологик жиҳат-дан қабул қилолмаслиги сабабли ўзлаштирамайди. Чунки улар муҳо-жирнинг ёшлиқдан шаклланган қарашларига, одатларига, эътиқо-дига зид келади. Айни пайтда ўзининг аввалги маданий қадрият-ларига ҳам муносабати ўзгаради. Уларнинг бир қисмидан у воз ке-чишга мажбур, чунки янги мухитга мос келмайди. Аммо қадрият-лар орасида шундайлари ҳам борки, улардан у янги маданий воқе-ликка мос келмагани учун эмас, балки ўзининг онгиди, психология-сида юз берган ўзгаришлар, динамик стереотипнинг синиши, ҳаёт-дан ҳафсаласи пир бўлгани, узоқ муддатли ноаниқлик ҳолатига тушиб қолгани ёки бошқа ижтимоий стресслар туфайли фойдаланмай қўяди. У эски қадриятлар тизимидан фойдалана олмайди, янги қад-риятларнинг кўпчилигидан эса фойдаланишини истамайди. Ушбу ҳолатга маданий-психологик, кенгроқ – маънавий мухитлар интер-ференцияси деб қараш мумкин. Европа мамлакатларида африкалик ва осиёлик муҳожирларнинг ўzlари учун янги мухитга етарлича интеграция бўла олмаётгани, мульти-маданий моделлар муваффақиятсизликка учрагани сабабларидан бири ҳам, назаримизда, мада-ниятлар интерференциясидир.

Мульти-маданий моделлар самарали бўлиши учун муҳожир-ларга янги мухитга мослашишларига ёрдам берадиган шарт-шароит яратиш, маданий психологик интерференцияни минималлаштириш лозим. Бунда аниқ максадларга йўналтирилган комплекс дастурлар кўл келади. Муҳожирларга тил ва касб ўрганишдан тортиб, то яша-ётган давлатининг қонунлари-ю ҳалқининг маданий анаъаналари, урф-одатлари, сиёсий ва диний байрамлари тўғрисида зарур мини-мал билим бериш, уларга нисбатан толерантлик муносабатини шакллантириш кўзда тутилмоғи лозим. Ушбу масалада европалик-лар Истроил тажрибасини ижодий ўргансалар, фойдадан холи бўл-масди. Бирок бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса ғарб мамлакатларида ўз аҳолисининг ҳам муҳожирларга нисбатан толе-рантлик муносабатини шакллантириш заруриятдир. Айниқса ёшлар ўртасида. Аҳолининг турли қатламлари орасида муҳожирларга нис-батан ишонқирамай қараш, дискриминацион муносабат учраб тура-ди. Скинхедлар ва турли тажовузкор гурухлар очиқасига душман-лик муносабатини намоён этадилар. Бу муҳожирларга ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Уларда ҳам келган мамлакати ҳалқига, давла-ти қонунлари адолатлигига нисбатан ишонч йўқолади. Мамлакат-нинг тилини, маданиятини ўрганиш иштиёқи сўна бошлайди. Ўзига хос маданий-психологик норозилик, қаршилик пайдо бўлади. Агар вазият ўзгармаса, норозилик кучайиб ижтимоий-сиёсий, диний ва этник-маданий норозилик даражасига кўтарилиши мумкин. Бундай ҳолда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги хавф остида қолади.

Муҳожирларга янги мухит нафақат бегона, балки баъзан ха-тарли, душманлик мухити, бўлиб туюлади. Гўёки ўзини ҳимоя қи-лиш учун ундан курашиш талаб қилинади. Оғир иқтисодий ахволга тушиб қолган муҳожирни йўлдан оздириш осонлашади. Айнан шун-дайлар орасидан экстремистик гурухлар ўз жангариларини ёллайди.

Бугунги воқеликда маданиятлар интерференцияси ижтимоий қадриятлар ва мўлжалларнинг кучли деформациясига, бальзан туб-дан трансформация бўлишига, ҳатто айрим ҳолларда йўқолишига олиб келмоқда. Маданиятлар интерференцияси – мураккаб масала. Уни файласуфлар, социологлар, маданиятшунослар, психологлар, педагоглар, барча гуманитар фанлар вакиллари ўз йўналишларида тадкиқ этсаларгина кўп нарса ойдинлашади.

Биз бошқа халқлардан ихоталаниб, маҳдудлашиб, замонавий алоқа ва мулоқот воситаларидан воз кечиб яшай олмаймиз. Ислом Каримов ҳаққоний таъкидлаганидек, “Жаҳон ахборот майдони то-бора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини факат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томон-лама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, хеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди” [2:114].

Шу сабабдан таълим-тарбия жараёни замонавий ахборот бо-зори очиқлиги, ахборот алмашиш имкониятлари чексизлигини ҳам-да оммавий маданиятнинг маънавий “колонизаторлик” функ-ция-сини ҳисобга олиб, мудом такомиллаштирилиб борилмоғи лозим.

### **Адабиётлар**

1. Веллер М. Кассандра. – М.: АСТ, 2007. – С. 229.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

### **РЕЗЮМЕ**

Тадқиқотда оммавий маданият хусусиятлари, инсон ҳаётига зиддиятли таъсири кўрсатилган. Юксак ва оммавий маданиятлар ўзаро таъсири жараёнида уларнинг нафақат диффузияси, шунингдек, интерференцияси ҳам юз бериши тўғрисида фикр олга сурилади.

### **РЕЗЮМЕ**

В исследовании показана специфика массовой культуры, её противоречивое влияние на человека. Выдвигается мысль о том, что в процессе взаимодействия высокой и массовой культуры происходит не только их диффузия, но и интерференция.

### **SUMMARY**

In study is shown specifics of the mass culture, her inconsistent influence upon person. The thought is brought forth about that in process of the interaction high and mass cultures occurs not only their diffusion, but also interference.

## **“АВЕСТО” ДА СОҒЛОМ БОЛА ТАРБИЯСИ УДУМЛАРИ**

**Бўриев О., Холов Р. (ҚарДУ)**

**Таянч тушунчалар:** Зардушт, зардуштийлик, “Авесто”, оила, ота, она, бола, бола тарбияси.

Ўтмиш тарих саҳифаларидан маълумки, зардуштийлик дини ижтимоий тараққиёт жараёнида инсоният ривожига ниҳоятда сал-моқли ижобий таъсир кўрсатиб, ўз даврида инсонларнинг фаравон яшашига даъват этган. Милоддан аввалги V-IV асрларда яшаган юнон олимлари асарларида илк бор Зардушт номи учрайди. Юнон-лар уни Зороастра, у асос солган динни эса зороастризм номи би-лан юритганлар.

Инсоннинг она табиат, Ер, оила ва аёл олдидаги бурчлари алоҳида таърифланади. Ўтмишдошларимиз азалдан оила мустаҳ-камлиги ва соғлом авлоднинг яралиши йўлида доимо эътиборли бўлишган. Оиласи, қавми обрўси мустаҳкамлиги, ғурури учун ку-рашган.

Зардустийлик динида оилапарварлик ва болажонлик ғоя-ларининг айнан бизнинг заминимизда шаклланганлиги диққатга сазовордир.

“Авесто”да оила мустаҳкамлиги ва тарбия масалаларига ниҳоятда катта эътибор қаратилган. Оилапарварлик ғоялари ёш авлод турмушининг баҳтили, бадавлат, хушчақчак, серфарзанд бўли-ши тўғрисида ҳам катта ғамхўрлик кўрсатилган. Мазкур ғоялар аждодлардан авлодларга айнан оила тарбияси орқали сингдирилган. Ёш ота-оналар бор кучи ва билимини фарзандларига тафаккур инъом этишдан иборат бўлган Яздонга илтижо қилиб, ўзларига ўқимишли ва ишбилармон фарзанд беришини сўрайдилар.

Асарда аждодларимизнинг болажонлик, серфарзандлик фа-зилатлари тангри Яздон (Фаришта) томонидан олқишиланади. Зар-душт Ахура Маздадан: “Серфарзанд хонадонига нима берасан?” деб сўраганида, у: “бундай одамларни ўз ҳимоямга оламан, ҳаётини фа-равон, ризқини мўл қиласман”, деб жавоб беради. Аждодларимиз-нинг болажонлиги бугунги кунда ҳам маънавий-ахлоқий асосларига эга бўлган муқаддас илоҳий ғояларга азалий яқинлигини кўрсатади.

Бу таълимотда болаларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эъти-бор берилган. “Тарбия ҳаётнинг энг муҳим таянчи ҳисобланиши лозим, ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш лозимки, у аввало яхши хулқ-одобли бўлсин, ўқишни, сўнгра ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилисин. Биз буни ҳатто олий Тангри Ахура Маздага яратган яхшилик ғоясига соғлом, ақл-хуши тетик фарзанд-ларга, жасур, доно, турли тилларни биладиган ўғил-қизларга, узоқ-ни кўра биладиган, юртни бало-қазолардан ҳимоя эта оладиган пок зийнат авлодларга олқишилар бўлсин!”

Зардустийлик дини пайдо бўлган вактларданоқ ибодатхона-лар қошида мактаблар ташкил этилиб, коҳинлар томонидан бола-ларнинг таълим-тарбия тизими ишлаб чиқилган. Уларнинг таълим-тарбия тизими диний ва ахлоқий тарбия, жисмоний тарбия, ўқиш ва ёзишга ўргатишдан иборат бўлган. Болаларга диний тарбия бериш асосан 7 ёшдан бошланган. Ўғил болалар шу ёшга тўлганда уларга оқ ипакдан тикилган “муқаддас қўйлак” (сидрапўш) кийдириш ма-росимини коҳинлар ота-оналар иштирокида ўтказишган. Ўғил болалар бу удумни бажариш пайтида коҳин устоз билан бир сафда Қуёшга қараб сажда қилиб туришган.

Коҳин устозга қўшилиб болалар билан муқаддас “Авесто”-даги эзгулик ва яхшилик маъбудасига мададкор кучларни улуғ-ловчи қасамёдларни тақрорлашган: “Мен зардустийлик динига содик бўлишга тантанали ваъда бераман, мен яхши фикрлар, яхши сўзлар, яхши ишларга ишонаман”. Бу маросимдан сўнг болаларга совғалар улашилган. Зардустийлик таълимотида илм-маърифат-нинг кучига, айниқса диққат билан эътибор беришган.

“Сидрапўшлик” удумига кўра Ахура Мазда фарзлари ҳамда Зардушт ўғитларидағи суннатларни тўла бажарадиган, ҳар жихат-дан пок, юксак ахлоқли, устоз фотихасини олган зардустийга оқ матодан қўйлак, чакмон кийгизиб, бошига салла ўраш, белига эса жун ипдан тўқилган белбоғни боғлаш одат тусига кирган. Эъти-қодли зардустий бутун умри давомида ушбу белбоғни боғлагб, сидрапўш кийиб юрган. Фақатгина ҳар бир ибодатдан олдин бел-богини ечиб боғлаган.

Таникли элшуюнос А.Ашировнинг фикрича, халқимиз ораси-даги тўн кийдириб, белбоғ боғлаш билан боғлик удумлар зардуш-тийликдаги “сидрапўшлик” маросимининг трансформацияга, яъни ўзгаришларга учраган шаклидир [2:8].

Аждодларимиз болаларнинг бенуқсон туғилишига ва чақа-лоқлигиданоқ жисмоний тарбиясига ҳамда уларнинг ақлан етук бў-лишига, ҳикматлар ўрганишига, яхшилик ва эзгулик хислатларини эгаллашларига ҳам жиддий эътибор беришган. Болажонларни ахло-қий, жисмоний

бакувват қилиб тарбиялаш, уларга меҳнатсеварлик, ишбилармөнлик, ватанпарварлик, ростгүйлик, саҳијлик фазилатла-рини шакллантиришда устувор вазифа сифатида қаралган.

Жисмоний ва меҳнатсеварлик тарбиясидан назарда тутилган асосий мақсад, ёшларни жанговарликка ва меҳнатсеварликка тай-ёрлашдан, жисмоний бакувват қилиб меҳнатда чиниқтиришдан иборат бўлган. Ўғил болалар кураш тушиш, отда чавандозлик қи-лиш, мол боқиши, улардан насл олиш, урчиши, тую, отларни парва-ришлаб бошқара олиш, уларни ўгрилардан муҳофаза қилиш учун элликдан зиёд ҳарбий қуролни ишлата билиш малакасини эгал-лашга мажбур бўлган. Улар яна чавандозлик ва ўттиз икки хил хунарни ўрганишлари лозим эди [3:104-105].

“Авесто”да қиз болалар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қа-ратилган. “Ўғил болаларга нисбатан қиз болаларга илму дониш ўргатишга жиддийроқ киришсинлар. Чунки улар ўзлари туғилган хонадонда ота рўзгорини тартибга солиб, унга зийнат бериб юрса-лар жуфти ҳалоли уйига боргач, келажак насл, яъни болалар тар-бияси, таълими билан машғул бўлмоқлари лозим бўлади”.

Қизлар учун жунни урчуқ билан йигириш, чархда мато тў-киш, либос тикишдан ташқари, ўғил болалар билан кураш тушиши, чавандозлик, қиличбозлик қилиши, қалқон тутиб ўзини ракибидан ҳимоя қилиши, отда ҳар хил ғовлардан сакраб ўтиши, сувда сузи-ши, узокқа югуриши, найза иргитиши, камондан ўқ отиши ва бошқа жисмоний ҳарбий малакаларни эгаллаши мажбурий бўлган. Ана шундан сўнг қизлар 15, ўғил болалар 16 ёшида оқсоқол бошчили-года жамоа олдида маҳсус синовдан (инициациядан) ўтказилган. Балоғат ёшига етган қизлар рўзгор юритишни ўрганиб, “кадбону” (кайвони), яъни уй бекаси, йигитлар эса “кадхудо”, яъни оила бош-лиги бўлиш, чўпон-чўлигини олиб от суриш, тую миниб юриш хукуқига эга бўлишган.

Таълим-тарбия тизими соҳасида диний-ахлоқий ва ҳарбий-жисмоний тарбияни амалга ошириш барча табақадаги кишиларнинг фарзандлари учун мажбурий бўлса-да, аммо ўқиши, ёзиши, давлатни бошқарув асосларини, жумладан, фикҳ илми (хукукшунослик), ҳар-бий хунар бўйича зодагонларнинг болаларига сарой ва ибодатхо-наларда, мактабларда тажрибали устозлар, коҳинлар ва машҳур лашкарбошилар пухта сабоқ беришган [3:105-106]. Бу йигит ва қиз-ларда ёшлигидан меҳнатсеварлик ва касб-хунар эгаллаш малакаси ҳамда кўникмаси шакллантирилган. Улар шу пайтдан бошлаб фаол яратувчанлик меҳнати билан жиддий шуғулланишга ҳам йўналтирилган.

Аждодларимизнинг азалдан ўз авлодини соғлом, комил, жа-миятга, ватанга фидокор, меҳнатсевар қилиб тарбиялаш чора-тад-бирларини амалга ошириш усувлари ҳозирги даврда ҳам ниҳоятда долзарбдир. “Авесто”даги теран, пурҳикмат фикрлар ва ғоялар ха-мон ўз долзарблигини йўқотмасдан халқимиз маънавиятини янада юксалтиришга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртбошимиз уқтирганидек: “Авесто” нинг туб маъно-моҳи-ятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган та-мойилни оладиган бўлсақ, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад иб-ратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлик мустаҳкам ҳаётй асосга эга экани айниқса эътиборлидир” [1:32].

Хуллас, 2014 йил “Соғлом бола йили”да ҳам ниҳоятда асқо-таётган аждодларимиз ноёб мероси зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”даги барқарор оиласидаги соғлом бола турмуш анъ-аналари ҳақидаги пурҳикмат фикрлар ва ғояларни янада чуқур ўрганиш уларни ёш авлодга янада теранроқ сингдириш ҳозирги мустақиллик даврида ниҳоятда долзарбдир.

## **Адабиётлар**

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Аширов А. “Авесто”дан мерос маросимлар. Тошкент: Фан, 2001. – 328 б.
3. Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. – Тошкент: Фан, 2001. – 216 б.

## **РЕЗЮМЕ**

Мақолада янги тарихий-этнографик маълумотлар асосида зардуштийлик-нинг муқаддас китоби “Авесто”да соглом бола тарбияси удумлари ёритилган.

## **РЕЗЮМЕ**

В данной статье на основе новых историко-этнографических материалов обычая и обряды воспитание здорового ребенка в священные книги “Авесто”.

## **SUMMARY**

In this article are based on the new historeal tradition of ethnografik materials customs and rituals of raising a heal thi child in the holy book “Avesto”.

## **ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ МАВЗУСИ ТАРИХШУНОСЛИГИ**

**Яхшибоев Н. (ҚарДУ)**

**Таянч тушунчалар:** маданият, тарих, тарихшунослик, мақола, монография, диссертация, цивилизация, мағкура.

Мустақиллик йилларида республикамизнинг ижтимоий-сиё-сий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларида улкан ютуқлар кўлга киритилди. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятияга тенг ҳукуқли аъзо сифатида қўшилиб, умуминсоний цивилизация тараққиётида ўзига хос ўрин эгаллай бошлади. Мустақиллик туфайли давлатимиз тарихини ҳаққоний ёритишга имкон туттилди. Халқ маданияти ва маънавиятининг ўқ илдизи ва асоси тарих экани тўғрисидаги ҳақи-қат қарор топди. Республикашим Президенти И.А.Каримов бу тўғ-рида куйидагиларни таъкидлаб ўтади: “Ҳар қайси халқ миллий қад-риятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира маса-ласи алоҳида аҳамият касб этади. Яъни тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, кувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади” [1:97].

Ўзбекистонда эришилаётган ютуклар, келажакда қўлга кири-тилиши лозим бўлган муваффикиятларнинг муҳим кафолатларидан бири ўтмиш тарихи, хусусан, собиқ Иттифоқ даври тузумини маф-куравий-сиёсий нуқтаи назардан “асосланган” файримиллий мада-ният ташкил этишини илмий асосда ечиб беришдан иборатдир. Бунда ижтимоий-гуманитар фан соҳаси олимларининг ўрни катта. “Гуманитар фанларни илгор марраларга олиб чиқиш ҳам муҳим йўналишлардандир. Яқин вақтларгача ижтимоий фанлар аслида сиёsat манфаатларига хизмат қилар эди. Бу эса илмий тадқиқотлар мавзусини белгилашга, бу тадқиқотларнинг доираси, характеристи ва йўналишларига, жамиятшунос олимларнинг дунёкараши ва методо-логия йўл-йўриклинига ўз тамғасини босди. Бугунги кунда вазият тубдан ўзгариб бормоқда” [2:88], дея таъкидлайди Республикализ Президенти И.А.Каримов.

Ўзбекистонда мустақиллик даврида тарих фанига бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайиб, уни ўрганиш ва ўқитишида янги-янги талаблар кўйилмоқда. Тарихни асл манбаларга таянган ҳолда тадқиқ этиш ва ўрганиш зарурияти келиб чиқди. Тарихшу-нослик фанига ҳар қачонгидан ҳам эътибор кучайтирилди. Давлат ва жамиятдаги ҳар бир соҳа тарихини мукаммал ўрганиш зарурияти келиб чиқмоқда. Хусусан, собиқ шўролар хукмонлиги йилларида маданиятнинг ахволи ва соҳа тарихини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар ҳамда уларнинг натижаларини ҳозирги замон талабларига мувофиқ таҳлил этиш долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Шўролар тузуми даври маданияти тарихшунослигида айрим ижобий силжишлар юз берган бўлса-да, олимлар кўпроқ масала-нинг сон кўрсаткичлари ва ташкилий жиҳатларгагина эътибор қа-ратдилар. Маданиятнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими шаклла-ниши давридаги ҳолатини таҳлил қилиш шу маънода муҳимдир.

Мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўлига ўтиши, мил-лий маданий меросни ўраганиш, унинг ижтимоий-ахлоқий жиҳат-ларидан фойдаланиш зарурати ҳамда маънавий-марифий соҳалар-даги туб ислоҳотларга давлат сиёsatининг устувор йўналиши сифа-тида муносабатда бўлиниши мавзуни ўрганиш долзарб масалалар-дан бири эканлигини белгилайди.

Ушбу масала бўйича бажарилган ишлар таҳлили шундан далолат берадики, бу соҳада анча ишлар бажарилган. Ўзбекистон маданияти тарихи тарихшунос, сиёsatшунос, файласуф, санъатшунос, этнограф ва бошқа тадқиқчилар томонидан ўрганилиб, нати-жалари монография ва рисола, илмий мақолалар шаклида нашр этилган, диссертация ишлари ҳимоя қилинган.

Бажарилган ишларни баён этиш услуби, назарий методоло-гиясидан келиб чиқиб, икки гурухга бўлиб ўрганиш мақсадга муво-фик. Биринчи гурухга собиқ шўролар тузуми даврида яратилган асарлар кирса, иккинчи гурухга мустақиллик йилларида яратилган асарлар киритилади. Биринчи гурухга киритилган адабиётларнинг аксарият қисми хукмон коммунистик партия мафкураси манфа-атлари асосида ёзилган. Партиянинг маданият соҳасидаги “наза-рия”ларини тарғиб этиш, совет маданияти, “маданий инқилоб” тўғ-рисидаги қарашлар, маънавий жабха устидан партиявий раҳбар-ликнинг ўрнатилиши каби масалалар ўша давр адабиётидан тўлиқ ўз аксини топган. Шунингдек, маданият соҳасида советлаштириш жараёнини кучайтириш, маданиятда миллийлик ва байналмилаллик нисбати, маданият ва мафкура масаласи, маънавий омилларга пар-тиявийлик, синфиийлик каби ғариилмий нуқтаи назар, расмий бу-юртманинг кириб келиши каби масалалар ўз аксини топган.

XX асрнинг 20-йилларида нашр этилган айрим асар, илмий мақола муаллифларининг барчаси ҳам совет хукмонлигининг ўр-натилишидан хурсанд эмас эдилар. Баъзи муаллифлар расмий ҳо-кимиятдан норозилик, хукуматнинг миллий маданиятга нисбатан адолатсиз ҳаракатига эътиrozлар билдирганини кўриш мумкин. Ўзбекистонда янги тузум даврида биринчилардан

Ш.Рахимий мил-лий маърифатчиликда “жадидлар даври”ни ажратиб кўрсатди ҳамда унинг ижобий жиҳатларини аниқлади [3:40].

Совет даври адабиётлари маданият соҳасидаги ривожланиш-нинг айрим жиҳатлари танқид остига олинган бўлса-да, аммо кон-цептуал-назарий асосда хукмон коммунистик яккаҳокимликнинг монопол мағкураси манфаатларига хизмат қилган.

Ўзбекистон маданияти тарихи масаласига багишланган иш-лар орасида Т.Н.Қори Ниёзов [4], К.Оқилов [5], С.Шермуҳаммедов [6], К.Бўронов, А.Валиев, А.Хушбеков, Ю.Алескеровларнинг асарлари қимматли материалларга бойлиги билан ажралиб туради. Уш-бу асарларнинг барчаси хукмон сиёсий-мағкуравий муҳит таъси-рида яратилганлиги билан характерланади. Бундай ҳолатларга қара-масдан юқорида зикр этилган асарларнинг қўпчилигига ҳозиргача муҳим аҳамиятга эга бўлган назарий хулоса, умумлашма фикрлар мавжуд. Уларда маданият, санъат, айниқса таълим тизимидағи со-вет даври ўзгаришлари таҳлил этилади. Ўзбекистонда совет хукмонлиги йилларида мусиқа маданияти тарихига доир қатор моно-графиялар яратилди [7, 8, 9].

Совет хукмонлиги йилларида маданий-маърифий муассса-салар коммунистик мағкуранинг асосий тарғибот маркази бўлгани боис уларга жиддий эътибор қаратилган. Маданий-маърифий муас-сасалар фаолиятини ўрганиш юзасидан ҳам қатор асарлар [10, 11] яратилган. Мазкур тадқиқотларнинг ижобий жиҳатларини эътироф этган ҳолда, улардаги қатор камчиликларни ҳам эътиборга олиш лозим. Асарларнинг катта қисми тарихий давр нуқтаи назаридан 1917 йилдан кейинги босқични ўз ичига олади ва ўзбек халқининг қадимий бой маданий меросига кам эътибор берилади.

Мустақиллик даврида фаолият юритган тарихчи олимлар ол-дига мураккаб вазифалар қўйилиб, улар Ўзбекистон тарихининг турли давларини янги назарий-методология асосида ўрганишга ва таҳлил этишга ҳаракат қилдилар [12, 13, 14, 15]. Мустақиллик та-лабларига жавоб бера оладиган, юксак илмий асосда ёзилган та-рихий асарлар ўтган асрнинг 90-йилларидан пайдо бўлди. Ушбу асарлар миллий истиқлол ғояси билан ҳамоҳанглиқда яратилган ва уларда совет даври маданиятининг салбий жиҳатлари архив ман-балари ва даврий матбуот материаллари ёрдамида атрофлича очиб берилгани билан қимматлидир. Ўзбекистон маданияти тарихи масалалари ҳимоя қилинган диссертация тадқиқотларида ҳам ўз аксини топди [16, 17, 18]. Ушбу диссертацияларда маданият тарихи маса-ласининг у ёки бу жиҳатлари хусусида фикрлар билдирилади.

Хуллас, маданият соҳаси тарихи тарихчи олимлар дикқат-марказида турган муҳим мавзулардан бири ҳисобланади. Маданият тарихига доир адабиётлар яратилган давр методологиясига муво-фик таҳлил этилган.

## Адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 88 б.
3. Рахимий Ш. Просвещение узбеков // Наука и просвещение, 1922. – №2. – 40 б.
4. Кары-Ниязов Т.Н. Очерки истории культуры советского Узбекистана. – М.: Наука, 1955. – 560 с.
5. Ақилов К. Развития социалистической культуры в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1977. – 183 с.
6. Шермуҳаммедов С. Некоторые вопросы теории и практики развития социалистической культуры. – Ташкент: Фан, 1980. – 174 с.
7. Йўлдашева С. Ўзбекистонда мусиқа тарбияси ва таълимнинг ривожланиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 272 б.
8. Музикальное искусство. – Ташкент: Искусство, 1982. – 204 с.

9. Ўзбек музикаси тарихи. – Тошкент, 1981.
10. Касымова А. История библиотечного дела в Узбекистане. – Ташкент: Ўқи-тувчи, 1981. – 173 с.
11. Карабаев У. Традиционные народное творчество проблемы возрождения и развития. – Ташкент: Фан, 1991. – 208 с.
12. Аъзамхўжаев С. Туркистон муҳторияти: мустақиллигимиз тарихидан саҳи-фалар. – Тошкент: Фан, 1996. – 243 б.
13. Маврулов А. Маънавий согломлашириш даври. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 195.
14. Мустақиллик ва маънавий тараққиёт. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 87 б.
15. Эргашева Ю. Культура Узбекистана: тенденции и проблемы развития. – Ташкент: Фан, 1997. – 210 с.
16. Базарбаев Р. История формирования научного центра Каракалпакистана (1925-1997 г.г): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Нукус, 1999. – 21 с.
17. Мустафаева Н. Основные направления и проблемы культуры Узбекистана в 20-30 г.г. XX века в историографии периода: Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. – Ташкент. 1999. – 21 с.
18. Хамидов Х. История духовной культуры Узбекистана: формирования и проблемы развития (на примере истории узбекского традиционного песенного исс-куства): Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 2000. – 52 с.

## **РЕЗЮМЕ**

Мақолада Ўзбекистон маданияти тарихшунослиги масаласи кўриб чи-қилган. Асосий эътибор Ўзбекистон маданияти тарихига бағишлиланган илмий ма-қола, рисола, монография ва бажарилган диссертация ишлари, уларнинг мазмун-моҳиятига қаратилган.

## **РЕЗЮМЕ**

В данной статье рассматривается история изучения культуры Узбекистана в хронологической последовательности, написанные статьи советского периода и в годы Независимости. Анализируются статьи, тезисы, монографии, защищенные диссертации, их содержание и значимость.

## **SUMMARY**

In this article, the problem of Historiography of the history of the culture of Uzbekistan is discussed and the main attention is paid to the articles, brochures and monographs, dissertation works and their meanings.

## ИҚТІСОДИЁТ

### КОРХОНА КАПИТАЛИНИ ЙЎНАЛТИРИШДА МЕНЕЖЕР ФАОЛИЯТИ

Маҳмудов С. (ҚарМИИ)

**Таянч тушунчалар:** корхона, иқтисодий самара, менежер, иқти-содиёт субъектлари, замонавий иқтисодиёт, қадрлилик.

Корхонанинг иқтисодий самара билан фаолият юритиши на-факат шу корхонанинг, балки корхона жойлашган иқтисодий худуд, қолаверса, давлат манфаатларини ўзида акс эттиради. Иқтисодий самарага эришиш корхона харажати, даромади, меҳнат унумдор-лиги ва ходимлар малакаси каби кўплаб омиллар қаторида капи-тални тўғри йўналтириш билан ҳам боғлиқдир.

Адам Смит фикрига кўра, капитал тўрт хил йўллар билан: ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашёни етиштириш, бу хом-ашёни қайта ишлаш, хомашё ёки тайёр маҳсулотни ортиқча бўлган жойдан улар етишмайдиган жойга ташиш ва ниҳоят, истеъмол-чилар эҳтиёжига кўра, маҳсулотларни кичик порцияларга бўлиш мақсадларида сарфланиши мумкин [1]. Ушбу жараёнларнинг кетма-кет амалга ошишида иқтисодиётнинг турли субъектлари иштирок этади. Жараёнлар кетма-кетлигининг биринчиси бевосита ер оми-лига капиталларини сарфловчи иқтисодиёт субъектлари, иккинчиси ишлаб чиқариш корхоналари, учинчиси улгуржи савдогарлар ва тўртинчиси чакана савдогарлар зиммасига тушади. Адам Смит ка-питални бу тўрт хил йўлдан бошқача сарфлашни тасаввур қилиш мумкин эмас, деб таъкидлайди [1]. Ҳозирги иқтисодий жараёнларни кузатадиган бўлсақ, бу фикрнинг замонавий иқтисодиётга мос кел-маслигига амин бўламиз. Чунки фан ва техниканинг ривожланиши иқтисодиётнинг хомашёга боғлик бўлмаган тармоқларнинг вужуд-га келишига замин яратди. Бунга биргина компьютер дастурларини ишлаб чиқариш соҳасида капитал сарфланишини мисол қилиб олиш кифоя.

Жамият эҳтиёжига кўра, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва шу билан бир қаторда иқтисодий самара билан фаолият юритиш корхона менежеридан чуқур иқтисодий билим ва кўнималарга эга бўлишни талаб этади. Чунки корхонанинг баркарор фаолият юри-тишида жамият эҳтиёжини қондириш эмас, балки даромад билан ишлаш муҳим, бу эса ҳозирги кунда кўплаб ривожланган давлатлар томонидан тан олинган бозор иқтисодиётининг оқсоқ томонидир. Лекин бу муаммони муайян корхона мисолида кўриб чиқадиган бўлсақ, корхона менежерининг оқилона сиёsat юритиши ушбу ма-саланинг ечими бўлиб хизмат қиласи. Қуйида корхонанинг барқа-рор равишда ишлаши учун менежер капитални йўналтиришда эъти-борга олиши керак бўлган холатлар хусусида фикр юритамиз.

Ишлаб чиқариш корхонасининг капитали корхона фаолият турига кўра ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигини таъминлаш, янада кўпроқ даромад олиш мақсадида сарфланади. Менежер бу харажатлар тўғрисида фикр юритар экан, у зарур бўлган ишлаб чи-кариш воситалари миқдорини аниқлаб олади. Аммо бундай холатда харажатлар туфайли юзага келган ва улар билан узвий боғлик бўлган исроф тушунчаси яшириниб қолади. Харажатларнинг тарки-бий қисми бўлган ишлаб чиқариш воситалари тушунчаси аслида кўп тармоқли фойдаланишга мўлжалланган ишлаб чиқариш восита-ларини ифодалайди. Шундай экан, улар бутун бир йўналиш бўйича фойда келтиришни таъминлаб беради. Ишлаб чиқариш воситалари-нинг факат бир йўналишда истифодаси барча бошқа йўналиш-лардаги йўқотишларни келтириб чиқаради. Ишлаб чиқариш хара-жатлари маълум бир маҳсулот учун зарур бўлган ва шу туфайли бошқа маҳсулотлар учун истисно қилинган ишлаб чиқариш восита-ларини ўзида акс эттиради. Шу нуқтаи назардан қараганда, менежер қарор қабул қилишда ҳар бир муқобил танловларни иқтисодий жиҳатдан тақкослаши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу ҳолатни фермер хўжалиги мисолида таҳлил қилиб кўрай-лик. Ихтиёридаги ердан 100 т буғдой ёки 200 т арпа ҳосили олиш имкониятига эга бўлган фермер хўжалиги, агар буғдой экишини афзал кўрса, 200 т арпадан келадиган даромад муқобил харажат сифатида ҳисобга олиниши лозим. Акс ҳолда 100 т буғдойнинг даромади муқобил харажат ҳисобланади. Тўғри танловни амалга ошириш учун бу икки турни таққослаш лозим. Лекин ҳар доим ҳам танлов иккита обьект ўртасида амалга оширилавермайди. Иккита-дан кўп танловлардан воз кечишга тўғри келган вазиятни трекотаж цехи мисолида кўриб чиқайлик. Цех фақат бир хил турдаги маҳ-сулот, айтайлик ёткҳоналар учун чойшаблар ишлаб чиқаради деб фараз қиласиган бўлсак, бу ҳолатда у аҳоли учун кийим-кечак маҳ-сулотлари; сочиқлар ва салфеткалар; завод ишчилари учун хизмат кийимлари ишлаб чиқариш каби кўплаб муқобил танловлардан воз кечётган бўлади. Бундай ҳолда муқобил харажатлар миқдори бар-ча воз кечилган даромадлар йиғиндиши шаклида эмас, улар ичиди бошқаларига нисбатан қиймати баландроқ муқобил танловнинг фойдалилик даражасига кўра аниқланади. Демак, муқобил харажат-ларни ҳисобга олиш ва муқобил танловларни қиёслаш менежернинг қарор қабул қилиши учун амалга ошириши керак бўлган зарурий вазифалардандир.

Ҳар қандай корхона биринчи навбатда ишлаб чиқариш омилларини бирлаштирувчи жойни ўзида намоён этади. Бу омиллар бирикиб кооперацияни вужудга келтиради ва ишлаб чиқариш жара-ёнини таъминлайди. Ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг ихтисос-лашуви ва ишлаб чиқариш кооперацияси жамиятнинг ишлаб чиқа-риш кучларини тавсифлагани учун корхона ишлаб чиқариш кучла-рининг бир бўлгаги деб қараш мумкин. Корхонанинг баркарор суръ-атларда фаолият юритиши кўп жиҳатдан унинг ишлаб чиқариш омилларига боғлиқдир. Бу омилларнинг якуний қадрлилик дара-жасини ҳисобга олиб фойдаланиш менежернинг асосий вазифалари қаторига киритилиши лозим. Якуний қадрлилик атамаси австрия-лик олим Фридрих фон Визер томонидан фанга киритилган [2].

Атаманинг мазмунини ёритиб бериш учун анъанавий мисол келтирамиз. Робинзоннинг захирасида беш қоп буғдой бўлиб, у биринчи қопдан очлиқдан ҳалок бўлмаслик, иккинчисидан соғли-ғини сақлаб туриш, учинчисидан паррандаларни боқиши, тўртинчи-сидан спиртли ичимликлар тайёрлаш ва бешинчи қопдан севимли тўтиқушини озиқлантириш мақсадларида фойдаланади. Кўриниб турибдики, Робинзон учун ҳар бир кейинги копнинг қадрлилик даражаси пасайиб бормоқда. Яъни ҳар бир қўшилган неъматнинг қадрлилик даражаси пасайиб боради. Маржиналистлар назариясига биноан, энг сўнгги талабни қондирувчи неъматнинг қадрлилик даражаси қолган неъматларнинг қадрлилигини белгилаб беради. Бу якуний бирлик, ўз навбатида, қолган бирликларнинг қийматини ҳам белгилайди. Шу билан бир қаторда, якуний қадрлилик неъматлар-нинг миқдори ва истеъмолчиларнинг ушбу неъматга бўлган талаб интенсивлигига ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун неъматларнинг қиймати уларнинг қадрлилик даражаси ва камёблиги билан узвий равиша боғлиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий мақ-сади фойда олиш бўлганлиги сабабли фойдани максималлаштириш менежернинг олдида турган устувор вазифа ҳисобланади. Корхона ракобатдош бозорда маҳсулот баҳосини белгилай олмаслиги туфай-ли у даромадга маҳсулот ҳажмини ошириш орқали таъсир ўткази-ши мумкин. Маҳсулот ҳажмининг ошиши ўзгарувчи харажатлар-нинг камайишига олиб келади. Ўзгарувчи харажатларга хомашё, ёрдамчи материаллар, энергия, асосий ишловчиларнинг иш ҳақига сарф қилинувчи харажатлар киради. Одатда, бу харажатлар корхонанинг айланма фондини шакллантирувчи харажатлардан ташкил топади. Доимий харажатлар эса ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқ бўлмайди. Унга эскириш (амортизация) ажратмалари, ижара ҳақи, фоиз тўловлари, хизмат кўрсатувчи ва маъмурий персонал-нинг қатъий белгиланган иш ҳақи ва ҳоказолар мисол бўла олади. Доимий ва ўзгарувчи харажатлар биргаликда ялпи ёки умумий харажатларни ҳосил қиласи.

Ялпи даромад ялпи харажатлардан кўп бўлганда корхона фойда билан, акс ҳолда эса зарар билан фаолият юритади. Максимал фойдага икки ҳолатда: ялпи даромад умумий харажатлардан

мак-симал даражада ошиб кетганда ва якуний даромад якуний харажат-ларга тенг бўлганда эришилади.

Демак, корхонанинг самарали фаолият олиб бориши, авва-ламбор, менежер қарорларининг накадар пухта ўйланганига боғлиқ. Шундай экан, менежер нафақат бошқарув санъатининг моҳир иж-рочиси, балки замонавий иқтисодий билимларни чукур эгаллаган бўлиши керак.

### **Адабиётлар**

1. Смит Адам. Исследование о природе и причинах богатства народов. Книга II. Глава 5. // О различных помещениях капиталов. – [www.finteoria.ru/inform-a6.html](http://www.finteoria.ru/inform-a6.html).
2. Фридрих фон Визер. Теория общественного хозяйства. – [www.liber-tarium.ru](http://www.liber-tarium.ru).

### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада менежернинг корхона капиталини йўналтиришда тўғри тан-ловни амалга оширишининг ўрни, инвестицион фаолиятни бошқариш жараёнида корхона самарадорлигига таъсир ўтказувчи иқтисодиёт конуниятлари таҳлил қилинган ва уларнинг аҳамияти ёритилган.

### **РЕЗЮМЕ**

В статье рассмотрен вопрос о правильном выборе менеджера по назначению инвестиций компании. В нем говорится о значимости экономических закономерностей в процессе управления, а также проанализирован ряд экономических закономерностей, влияющих на производительность компаний, и они анализируются.

### **SUMMARY**

The article is about manager's right choice on destination of the company's investment. It states the significance of economic regularities in the process of management. There are described a number of economic regularities influencing to the productivity of the company and they are analyzed.

## “ШАЖАРАИ ТУРК”ДА БЕРИЛГАН МАНСАБ НОМЛАРИ ҲАҚИДА

Жабборов Э. (КарДУ)

**Таянч тушунчалар:** мансаб, мартаба, шаҳар ҳокими, вилоят ҳокими, вазир, ноиб, сипоҳсолар, баковул, туман ақоси, ҳазара, сад, даҳча.

Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарида мўғул хоқони Кубилай Қоон салтанатининг бошқариш тизими тўғрисида фикр юритилар экан, турли тоифадаги мансаб номлари зикр эти-лади. Бу номларнинг асосий қисми мўғулча ва хитойча бўлиб, улар туркий тиллардаги номлар билан қиёсий ўрганиш учун муҳим ма-териал вазифасини ўттай олади. Қуйида олим томонидан зикр этил-ган айрим мансаб номларининг лингвистик хусусиятлари ҳақида сўз юритишга харакат қиласиз.

“Шажараи турк”да келтирилишича, Кубилай Қоон Тўлихон-нинг тўртинчи ўғли бўлган. Мангу Қоон вафотидан сўнг хонлик мансабига ўтирган. Унинг даври воқеалари баёнида Хонбалиқ шаҳ-ри ободончилиги хусусида сўз юритилиб, вилоят ҳокимлари мартаба-бамансаби тўққизта эканлиги, улар бир-биридан номланишда ҳам, мансаб жиҳатдан ҳам фарқланиши ва уларнинг ҳар бири алоҳида атамалар билан ифодаланиши келтирилади. Бу тўққиз мартаба номлари хитойча: *кинг*, *зу*, *фу*, *жсу*, *кун*, *ҳин*, *чин*, *сун*. Мартабалар юқо-ридан пастга қараб даражаланади. Олимнинг ўзи бу хусусда кўйи-дагиларни ёзди: “... Аввалги мартабани *кинг* дерлар, иккиланчи мартабани *зу* дерлар. Бу аввалги мартабадин паст бўлур. Учланчи мартабани *фу* дерлар. Тўртланчи мартабани *жсу* дерлар. Бешланчи мартабани *бун* дерлар. Олтиланчи мартабани *кун* дерлар. Еттиланчи мартабани *ҳин* дерлар. Саккизланчи мартабани *чин* дерлар. Тўқ-қизланчи мартабани *сун* дерлар. Маълум бўлсинким бу шаҳарлар-нинг ва ҳокимларнинг мартабаси бир-биридан паст бўлур” [1:90].

“Шажараи турк”да зикр этилган бу мансаб номларининг ай-римлари юонон ва эрон тилларида бошқа маънени ифодалashi ҳам муаллиф эътиборидан четда қолмаган. Демак, тилшуносликдаги шаклдошлиқ ҳодисаси Абулғозий томонидан изоҳланганини кўра-миз. Хитой тилида биринчи мартаба номини ифодалаган *кинг* ата-маси юонон ва эрон тилларида мамлакат маъносини билдирган. “...Аммо Румтек ва Эронтек мамлакатни *кинг* дерлар” [1:90], дея ёзди олим.

Хитой тилида саккизинчи мартаба номини билдирувчи *чин* атамаси юонон ва эрон тилларида қасоба номини, тўққизинчи мар-табани ифодаловчи *сун* атамаси эса бу тилларда кент маъносида қўлланилгани айтилади. “... Қасобачаларга *чин* дерлар. Кентларга *сун* дерлар” [1:90], дея ёзди Абулғозий.

Абулғозийнинг ушбу асарида вазир, ноиб, сипоҳсолар ва бошқа мансабларнинг хитойча номлари хусусида ҳам эътиборга молик фикрлар баён этилган. Асарда вазир ва ноиб атамалари ўрнида *чингсонг* атамаси қўлланилган: “Таки ҳар умароким вазирлик ва ноибликга лойик бўлса, анга *чингсонг* дерлар” [1:91]. Туркий тилларга форс-тоҷик тилидан ўзлашган ва “бош қўмандон; қўшин

етакчиси, лашкарбоши” [2:519] маъноларини ифода этувчи сипоҳ-солар атамаси хитой тилида *тойфу* деб номланиши таъкидланади.

Бундан ташқари икки минг, уч минг кишига бошчилик қи-лувчи шахснинг мансаби *такии* номи билан юритилиши хусусида маълумот келтирилади. Бу эса эски ўзбек адабий тилида қўлланиш-да бўлган, минг ва ундан ортиқ кишига бошчилик қилувчи минг-боши атамасига тўғри келади.

Мўғуллар вазир лавозимига тожик ёки уйғур миллатига ман-суб кишиларни қўйган бўлсалар, уларни *кинжон* атамаси билан номлаганлар. Бу мартабадан кичикроқ бўлган мансаб номи эса *юча-нак* деб юритилган. Ундан мартабаси кичик умаро зучанак, ундан кичик бўлган мансаб номлари даражама-даражада пастлашган бўлиб: *ҳамчанак, самий, канжун, қанжу* сингари атамалар билан ном-ланган [1:91].

Ўша даврда мўғул хоқонлари ўз ўрнига олтита ноиб ҳам қўй-ганки, бу ноибларнинг мансаб-мартабаси бир-биридан даражада жи-ҳатидан фарқланган, улар ҳам алоҳида атамалар билан номланиб келинган. Бу олти ноиб ҳар куни девонхонада ўтириб шикоят билан келганларнинг арзларини эшлишишган. Даъвогар ва гуноҳкорларни сўроқ қилишган. Даъвогар ва гуноҳкорлар арзи сўраладиган ер хитой тилида *лин* деб аталган.

Линга келган ёки келтирилган киши гуноҳкор бўлса, уни дастлаб биринчи даражадаги ноиб қабул қилган. Ноиб унинг гуноҳ-ларини сўраган ва сўроқ натижаларини қоғозга битиб бу хатни гу-ноҳкор билан бирга иккинчи ноибга юборган. Иккинчи ноибнинг ери *ўса* деб аталган. Иккинчи ноиб ҳам гуноҳкорнинг гуноҳларини сўраб, уларни қоғозга тушириб, гуноҳкор билан бирга учинчи но-ибга юборган. Учинчи ноибнинг мансаб-мартабаси иккинчи ноиб-нинг мансаб-мартабасидан баланд бўлиб, унинг даъво сўрайдиган ери *халсун* деб юритилган. Бу ноиб ҳам гуноҳкорни сўроқ қилиб, сўроқ натижаларини дафтарга ёзиб, тўртинчи ноибга юборган. Тўртинчи ноибнинг даъво сўрайдиган ери *тунжун* деб аталган. У ҳам гуноҳкорни сўраб, дафтарга ёзиб, бешинчи ноибга юборган. Унинг даъво сўрайдиган ери *руштой* деб юритилган. Лашкарларнинг иши шу ноибга қараган. Бешинчи ноиб ҳам гуноҳкорнинг яхши-ёмонини сўраб, дафтарига ёзиб, олтинчи ноибга юборган. Олтинчи ноибнинг мансаби энг юқори бўлиб, элчилар, савдогарлар, ёрлик ёзиш ва муҳр босиш ишлари унга қараган. Бу ноиб ҳам гуноҳкорнинг яхши ва ёмонини сўраб, воқеа натижаларини дафтарга ёзиб, еттинчи девон-хонага юборган. Еттинчи девонхона *шинак* деб номланган ва бу девонхона олтита девондан олий даражалиги билан фарқ қилган, унинг ноиби бошқа ноиблардан улуғ саналган. Бу девонхонада ҳам гуноҳкорнинг гуноҳлари сўралган.

Абулғозийнинг ёзиича, шинак деб номланган девонхона ҳамма шаҳарларда бўлмаган, фақат йирик шаҳарлардагина шинак-лар фаолият юритган: “...Маълум бўлсинким, *шинак* ҳар шаҳарда бўлмас. Улуғ шаҳрларда бўлур”, дея ёзади муаллиф. Ҳар бир ши-накда тўрт нафар ноиб хизмат қилган ва улар *chanaksanq* деб юри-тилган [1:91].

Абулғозий Қубилай Коон ўн иккита шаҳарда шинак қилдир-ганини баён қиласи: *Чанакча* (мўғул тилида Хонбалиқ), *Чурча, Кўкат (Кўки)* ва *Бойкўбка* (иккаласи учинчи шинак сифатида қайд этилган), *Тамкинак, Бинакху, Чанаксанг, Фужу, Лавкинфу, Кунгли, Ночи, Кинхонқиф, Камжу*. Хитой тили атамаси саналган *шинак* ўз-бек тилида қўлланишда бўлган девонхона маъносига тўғри келади. Асарда шинакларнинг манзил-мақоми хусусида куйидагилар ёзил-ган: “...Ҳар шинакнинг улуғлиги бир кент чоқлик бўлур. Мунинг атрофига чаҳор бурч девор солиб ичинда хужралар ва саройлар ва манзил ва яхши ерлар солиб девон анда ўлтуруб даъвогарнинг ва гуноҳкорнинг даъвосина ва гуноҳина сўрар” [1:91].

Аасарда қадимги мүғул давлатида уйғур уруғидан бўлган мансабдорларнинг мансабмартабаси номлари ҳам берилган бўлиб, уларнинг маънолари кенг изоҳланган. Масалан, қинжат атамаси “бакавул, хон дастурхончиси”, “исмларга қўшилиб лақаб номини” ҳам англатган. Бу хусусда олим қуидагиларни ёзди: “Букадай Қинжат теганини чақирта юборди. Ул кишининг оти Букадай эрди. Ўнгхоннинг баковули. Мўғул баковулни қинжат дер” [1:52].

Мўғуллар ўн уйғур уруғидан сайлаб қўйилган эл бошлигини эл-элитар номи билан аташган. Бу атама айни пайтда тўра маъно-сини ҳам англатган. *Куларкин* атамаси эса “тўққиз уйғур уруғидан сайлаб қўйилган эл бошлиги; тўра” маъносини ифодалаган. Бу икки мансаб номи аасарда қуидагича изоҳланган: “Таки ўн уйғур уру-қиндан Мангутой отлиқ кишини тўра кўтариб, эл-элитар лақаб кўй-дилар. Тўққиз уйғур Ўзқандар уруқиндин бир кишини тўра кўтариб *Куларкин* лақаб қўйдилар. Бу иккисининг ўғлонлари юз йилғача тўралиқ қилдилар” [1:32]. Уйғурлардан ҳарбий лавозимда ўтирган шахсларга нисбатан ҳам алоҳида атамалар қўлланилганини ку-затамиз. Масалан, *айдиқут* (*идиқут*) атамаси “эл бошлиги, тўра” маъноларида қўлланилган. Бу ҳақда аасардан қуидагиларни ўқий-миз: “Андин сўнг ҳар ким тўра бўлса, анга Айдиқут (Идиқут) теди-лар. Айдининг маъноси барча билурсиз, юборди темак бўлур. Ай-турларким йибни “Эй, юбор!” теган бўлур. Сўғир эди, яъни сутини сақламади юборди” [1:32].

“Ўн минг кишилик қўшин бошлиғи, туманбоши” мансабига ўтирган шахслар *туман ақаси*, “минг кишилик қўшин бошлиғи, мингбоши” мансабида бўлган шахс ҳазара, “юз кишилик жангчилар бошлиғи, юзбоши” мансабида бўлганлар *сад*, “ўн кишилик жангчи-лар бошлиғи, ўнбоши” мансабидагилар даҳча номи билан аталган. Абулғозий бу атамаларни шундай изоҳлайди: “Чингизхон ўн минг кишини бир кишига топшурди. Тақи анга *туман ақаси* от қўйди ва минг кишини бир кишига топшириб ҳазара от қўйди. Юз кишини бир кишига топшируб *сад* от қўйди. Ўн кишини бир кишига топши-руб даҳча от қўйди” [1:80].

“Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да *дархон, мархон* атама-лари мўғул тилидан ўзлашган сўз сифатида “темирчи; озод киши” маъноларида қўллангани кўрсатилади ва ўзбек тилида тарихий сўз сифатида “Соликдан ва ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилин-ган; имтиёзли, дахлизиз (қабила, уруғ, зот ёки мансабдор)” маъно-ларини ифодалashi кўрсатилади [3:569]. Абулғозий асарида эса атама “соликлардан озод қилинган шахс” маъносида қўлланган.

Булардан ташқари, Абулғозий асарида шахсларнинг яхши хусусиятлари ҳамда хон саройида тутган мавқеи ва бошқа ҳолатлар эътиборга олиниб номланган бир қатор атамаларга ҳам дуч кела-миз. Улардан қорачи атамаси ҳақида тўхталамиз. Қорачи барчага баробар, холис одам маъносини билдиради: “Ул иккисининг (най-ман ва уйғур элининг) Ёдгорхон ўғлонларина қорачиман темакли-гининг маъноси ул турур ким, яъни Қарачи яхшини ва ямонни, келурини ва кетарни, эмгаклини ва эмгаксизни ҳеч кишига тараф тутмай кўргил темак бўлур” [1:11].

Қарачи атамаси “Девону луғотут турк” ва “Қадимги туркий луғат”да ҳам зикр этилган бўлиб, ушбу луғатлардаги қорачи сўзи англатган маънолар Абдулғозийхон изоҳлаган сўз маъносига мос эмас, тамоман бошқа маънода қўлланган. Махмуд Кошғарий луга-тида қарачы “эшикларни айлануб юрадиган гадой” [4:416] маъно-сини билдириши кўрсатилган бўлса, “Қадимги туркий луғат”да қарачы “наший, попрашайка” [5:424] тарзида изоҳланган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Абулғозий Баҳодирхон-нинг “Шажараи турк” асарида қадимги мўғул давлатининг сиёсий тузилмаси, яъни раҳбарлик мақомида бўлган кўплаб мўғул, уйғур ва бошқа миллат вакилларининг мансаб-мартаабаси, улар ишлайдиган жой номи, уларнинг луғавий маъноси, айримларининг этимоло-гияси хусусида илмий аҳамиятга молик маълумотлар келтирилган-ки, бу лисоний маълумотлар ўша давр тарихий, лисоний, адабий манбаларида берилган шундай номлар билан киёсий ўрганиш учун муҳим манба вазифасини ўтайди. Бундан

ташқари, Абулғозий Баҳо-дирхон берган маълумотлар соҳа атамалари этимологиясини тадқиқ этиш учун муҳим ўрин тутади.

### Адабиётлар

1. Абулғозий. Шажараи турк. –Тошкент: Чўлпон, 1992. – 192 б.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 3-жилд. 2007. – 686 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 1-жилд. 2006. – 680 б.
4. Кошғарий М. Девону луготит турк. Уч томли. –Тошкент: Фан. 1-том, 1963. - 500 б.
5. Древнетюркский словарь. - Л.: Наука, 1969. – 676 с.

### РЕЗЮМЕ

Мақолада Абулғозийнинг “Шажараи турк” асарида берилган мансаб номлари бошқа манбалардаги шунга ўхшаш номлар билан қиёсий ўрганилган. Асарда келтирилган маълумотларнинг соҳага оид сўз ва атамаларни ўрганишдаги илмий аҳамияти хусусида мулоҳазалар билдирилган.

### РЕЗЮМЕ

В статье изучаются названия должностей, встречающиеся в произведении Абулгази “Родословное древо тюрок” в сравнительном аспекте с такими же единицами, данными в других источниках. А также обсуждается вопрос о научном значении материалов названного произведения при изучении слов и терминов, касающихся данной сферы.

### SUMMARY

In this article is researched the names of posts, which meet in the works of Abdulgozy “Generation of ancient turks” and it has been studied in comparable aspects the same names from other sources. Also it has been discussed the questiones about scientific meaning of marerials of above mentioned work on studying words and terms concerning to that sphere.

## “ТАБИАТ” СЕМАНТИК МАЙДОНИДА ҚЎЛЛАНУВЧИ ФЕЪЛЛАРНИНГ ИДЕОГРАФИК ТАВСИФИ

Хамраева Ё.Н. (КарДУ)

**Таянч тушунчалар:** идеография, семантик майдон, табиат, бор-лиқ, органик олам, ноорганик олам, феъл, ҳаракат феъллари, ҳолат феъл-лари, макромайдон, микромайдон.

Идеографияга бағишлиланган аксарият тадқиқотларда “Таби-ат” макромайдони “Борлик” тушунчаси қамровидаги бирламчи ту-шунча майдони сифатида талқин қилинади. Мазкур макромайдон “Органик олам” ва “Ноорганик олам” каби семантик майдонларни ўз ичига олади. Ушбу мақолада таҳлил қилинаётган ҳаракат ва ҳолат ифодаловчи сўзлар юқоридаги тушунча майдонларининг ҳар иккаласида бирдек учрайди. Зеро ҳаракатланиш хусусияти жонли

мавжудотларгагина мансуб бўлса, ҳолат тушунчаси органик ва но-органик жисмларнинг барчаси учун хос.

Мутахассисларнинг фикрича, феъл сўз туркуми грамматик категория сифатида ҳам, лексикографик нуқтаи назардан олиб қа-ралганда ҳам бошқа сўз туркумлари орасида энг мураккаби сана-лади. “Лугатларда феълларнинг берилиши ҳақида бир қанча тадки-кот ишлари мавжуд бўлишига қарамасдан, бу ниҳоятда машаққатли ва қийин ишлардан биридир. Шу маънода лугатларда феълларнинг берилиши ва ишланиши масаласи бошқа сўз туркумларига нисба-тан мушкулроқ кечади”, - дея эътироф этади Ҳ.Юсупхўжаева [1:10].

Гарчи ҳаракат ва ҳолат феъллари дунё тилшунослигида Х.Бринкманн, И.Эрбен, П.Гребе, Г.Хельбег; рус тилшунослигида А.М.Пешковский, В.А.Богородицкий, Н.И.Грег, А.Х.Востоков, А.А.Шахматов, Ф.П.Филин; туркий тилшунослиқда Н.К.Дмитриев, Э.Р.Тенишев, Ф.Вецилова, А.А.Цалкаламанидзе, Ж.Шабанов каби олимлар томонидан кенг тадқиқ этилган бўлса-да, ҳали уларнинг кўплаб хусусиятлари, хусусан, тушунча майдони билан боғлиқ жи-ҳатлари, феълларнинг идеографик лугатларда берилиши бўйича жиддий илмий изланишлар олиб борилмаган. Демак, ўзбек тилшу-нослигида феълларнинг ҳали очилмаган кирралари жуда кўп. Жумладан, уларнинг семантик тармоқланиши, маълум бир лексик-семантик гурухларга бирлашиши ҳақида ҳам ягона бир фикрга ке-линмаган. Мисол учун *сезги* билан боғлиқ феълларни олиб кўрай-лик. “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси” (Морфология) кито-бida сезги феъллари тўртта кўринишига бўлиб берилган:

- кўриш сезгиси феъллари: *кўрмоқ, боқмоқ, тикилмоқ;*
- эшитиш сезгиси феъллари: *тингламоқ, эшиитмоқ, қулоқ сол-моқ;*
- таъм-маза сезгиси билан боғлиқ феъллар: *ичмоқ, емоқ, чай-намоқ;*
- ҳид билиш билан боғлиқ сезги феъллари: *ҳидламоқ, иска-моқ* [2:61].

Ушбу феъллар бўйича номзодлик ишини бажарган Т.Мусаев уларнинг бешинчи тури – сийаш билан боғлиқ феълларни ҳам ажратган: *пайнасламоқ, сийнаб кўрмоқ, тусмолламоқ* [3:6-8] каби.

Феъл семантикаси ва унинг валентлиги бўйича амалга оши-рилган ишлар орасида И.Кўчқортоев, Р.Расулов ва С.Мухамедова-ларнинг олиб борган тадқиқотлари мақтовга лойик. И.Кўчқортоев хабар англатиш, ундаш, баҳолаш, талафуз даражасига кўра нутқ феълларини етти маъно гурухига ажратади ва уларнинг ҳар бирига етарлича баҳо беради [4:9-119].

Р.Расулов эса ҳолат феълларини ҳаракатнинг давомийлиги, натижаси, ҳолати, ижро тарзини, шунингдек, малака, образли, био-логик, физиологик ва психик ҳолатни ифодалашига кўра тўққиз се-мантиқ гурухга ажратади. Олим ўз тадқиқотларида ўзбек тили лек-сик таркибида мавжуд ҳолат феълларининг барчасини қамраб олиш-га ҳаракат қилган [5:7-184].

Бу борада олиб борилган ишлардан яна бири С.Мухамедова-нинг тадқиқоти саналади. У ўзбек тилида ишлатиладиган ҳаракат феъллари бўйича аввал номзодлик, сўнгра докторлик ишини ба-жарди [6, 7]. Унинг номзодлик диссертациясида *бормоқ, келмоқ, уч-моқ, чопмоқ* каби йўналма ҳаракат феълларининг кесим, тўлдирув-чи, аниқловчи, ҳол вазифаларида келиши, уларнинг агенс, пациянс, локалис валентликларини очиб берган бўлса, докторлик диссертациясида бу фикрни ривожлантириб, ҳаракат феълларининг семантикаси ва валентлигига (парадигматик ва синтагматик жиҳатларига) асосий эътиборни қаратган. Бунда феълларнинг ички қурилишига анча кенг кириб борилган, компонент (семик) таҳлил усулидан фой-даланиб, ҳаракат феълларининг маъновий жиҳатдан тармоқланиб кетишига етарлича диққат қаратилган. Система ичидаги система

та-мойили бўйича уларнинг маъновий шохобчаланишлари изоҳлаб бе-рилган. Масалан, горизонтал ҳаракат феъллари дастлаб учга бў-лингган (аниқ, мавхум ва ўзгартириш маънолари асосида). Сўнгра гурухларнинг ҳар бири иккитадан маъновий гурухга, ўз навбатида 1-гурухнинг 1-йўналиши тўртта гурухга ажратилган. Ҳар бир ажра-тилиш тагида асос ва далил бор.

И.Кўчқортоев томонидан нутқ феълларининг еттига, Р.Расулов томонидан ҳолат феълларининг тўққизта, С.Муҳамедова томо-нидан ҳаракат феълларининг ўнлаб мазмуний бўлакларга ажратили-шини маъқуллаймиз. Аммо бу феъл сўз туркуми бўйича қилина-диган ишлар ниҳоясига етди дегани эмас, албатта. Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда ўйлаймизки, феъл семантикаси бўйича бажариладиган ишлар ҳали бизнинг изланишларимиздан кейин ҳам давом этади ва келгусида феъл туркуми борасида фанга жуда кўп янгиликлар олиб кирилади. Шулардан бирини феъл сўз туркумiga идеографик нұктаи назардан қарашиб ташкил қиласди.

Бизнингча, ўзбек тили лексикасидаги барча феъл лексема-ларни дастлабки бўлинишдаёқ ҳаракат, ҳолат, фаолият, муносабат каби тўртта маъновий гурухга ажратган маъкул. Куйидаги мисол-ларга дикқат қилинг:

**“ИШЛАМОҚ”** 1 Иш билан машғул бўлмоқ; меҳнат қилмоқ. *Далада ишляяти. Богда ишляяти.* 2 Бирор лавозимда фаолият кўрсатмоқ, хизмат қилмоқ. *Директор бўлиб ишламоқ. Универси-тетда ишламоқ...*” [8:256]. Бунда 1-маънодаги “ишламоқ” феъли “белгиланган, яъни “қисқа муддат ичида”, “бажарилган”, “амалга оширилган”, “ҳаракат” семаларига эга. Шунинг учун биринчи маънодаги мисоллар яқин муддатни ифодаловчи лексик бирликлар би-лан синтагматик муносабатга кириша олади. Масалан: *Ўтган куни далада ишладим. Кеча богда ишладим.* Бироқ 2-маъно остида бе-рилган жумлаларни мазкур сўзлар билан биргаликда кўллаш мум-кин эмас. Чунки “ишламоқ” сўзининг иккинчи маъноси узоқ муддат давом этадиган жараённи ифодалайди ва бунда “мунтазамлик” се-маси алоҳида қийматта эга бўлади. Демак, “ишламоқ” феъли биринчи маъноси билан “ҳаракат” семантик майдонидан, иккинчи маъноси билан эса “фаолият” семантик майдонидан ўрин олади.

Энди қуйидагиларга эътиборимизни қаратамиз: “Нафратлан-моқ – “ғазаб билан жирканган, нафрат қилган”, “ҳолатда”, “бўл-моқ”: Бирорларнинг қабрини оёқ ости қилганлардан энди нафратла-намиз (О.Матжон)... Қайгуланмоқ – “ғам-алам чеккан, жуда қайғур-ган”, “ҳолатда”, “бўлмоқ”: Кўқонга боргач, биринчи ишим ўғлингизни қутқазиш бўлсин, жойсиз қайгуланмангиз, хоним (А.Қодирий)” [5:146; 152].

Р.Расулов юқоридаги ҳар иккала феълни ҳам салбий муно-сабат ифодаловчи психик ҳолат феъллари гурухига киритади. Аммо дикқат билан текширилса, “нафратланмоқ” феълида “кимгадир ёки нимагадир нисбатан”, “нафрат”, “ҳиссини”, “туймоқ” семалари мав-жудлигига амин бўламиз. Кейинги сўзда эса “қайғу”, “ҳиссини”, “туймоқ” семалари мавжуд бўлса-да, бу сўз “кимгадир ёки нима-гадир нисбатан” семаларидан холи. Демак, *нафратланмоқ* феъли “муносабат” семантик майдонидан, *қайгуланмоқ* феъли эса “рухий ҳолат” семантик майдонидан ўрин олиши керак.

Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, биргина ҳолат феълла-рининг биологик, физиологик, психик ҳолатларни ифодаловчи феъллар деб ажратилиши маълум бир маънода математик (*айирмоқ*, *қўшимоқ*, *кўпайтироқ*, *бўлмоқ*, *ҳосил бўлмоқ*), химик (*бирикмоқ*, *садир бўлмоқ*, *боғланмоқ*), географик (*жойлашмоқ*, *чўқмоқ*, *бот-моқ*), таълимий (*ўқитмоқ*, *ёдламоқ*, *эсламоқ*) ва ҳ.к. фан ва йўна-лишлар билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сон-саноқсиз тушунча майдонларини ҳосил қилиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, борлиқдаги муайян муносабатларнинг инсонлар онгидага маълум маъновий категориялар кўринишида акс этиши барча семантик майдонларнинг асосини ташкил

этади. Де-мак, идеографик лугатда ҳаракат ва ҳолат феълларини улар мансуб бўлган майдонлар ичida изоҳлаш ҳар томонлама маъқул. Сабаби бундай лугат ёрдамида нарса-ходисалар ўртасидаги алоқадорлик-ларни осон илғаш, уларни бир бутун ҳолатда тасаввур қилиш ва бўлакларга ажратиш малакасини тезда ўзлаштириб олиш мумкин. Бизнингча, феъл лексемаларни идеографик талқин қилишда бош-қача йўлдан бориш мақсадгага мувофиқ, яъни уларни нисбатлаш мумкин бўлган тушунча майдонлари ичida изоҳлаш лозим. Маса-лан, манбаларда биологик жараёнларни ва ҳолатларни ифодаловчи феъллар ҳакида гап бор, аммо уларни энг камида дастлаб иккита катта гурух (1. Ботаник жараёнларни ва ҳолатларни ифодаловчи феъллар; 2. Анатомик жараёнларни ва ҳолатларни ифодаловчи феъл-лар)га ажратиш, сўнгра, ўз навбатида, яна семантик майдончаларга бўлиб-бўлиб қуйига томон тушиб борилиши ҳакида илмий фаразлар айтилмаган. Шуни ҳам эътироф этиш жоизки, тилимизда мазкур гурухларнинг ҳар иккаласи учун умумий бўлган феъллар ҳам учрайди.

Солиштилинг: 1. *Дараҳтлар текис ўсди*; Укамнинг бўйи бу йил анча ўсди. Ҳар иккала ҳолатда “ўсмоқ” феъли асосида “бўй” семаси ётиби. Демак, бу қаторда умуман тирик организмлар (ўсим-ликлар, инсон ва ҳайвонлар)нинг барчасига бирдек тегишли бўлган ҳаракат ва ҳолат ифодаловчи сўзлар гурухини ҳам ажратиш мумкин бўлади. Шунингдек, анатомик жараёнларни ифодаловчи феъллар орасида ҳам “Инсон” семантик майдонига, ҳам “Ҳайвон” мазмуний майдонига тегишли тушунчаларни ифодаловчи феъллар мавжуд. Шу боис А.Собиров бундай феълларни қуидаги гурухларга ажратган:

“1. Тирик организмларнинг барчаси учун умумий бўлган лек-семаларнинг мавзу тўдалари (оралиқдаги медиомайдон): *югурмоқ, чопмоқ, озиқланмоқ, ўсмоқ, озмоқ, семирмоқ...*”

2. Инсонга хос ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи лексик бир-ликларнинг мавзу тўдалари: *гапирмоқ, ўйламоқ, тушунтиरмоқ, уқ-тирмоқ...*

3. Ҳайвонларга хос ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи лексик бирликларнинг мавзу тўдалари:  
а) хонаки ҳайвонларга хос ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи лексемалар: *қўзиламоқ, маърамоқ, кишина-моқ...*; б) ёввойи ҳайвонларга хос ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи лексемалар: *ташланмоқ, панжас урмоқ, гажимоқ, кемирмоқ, изги-моқ...*” [8:117-118].

Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, учинчи гурухга мансуб сўзларнинг айримлари кўчма маънода инсонга хос бўлган тушунча майдонининг чегара қисмига ўтиши мумкин. Идеографик лугатда юқоридаги иккинчи гурухдаги сўзларни ҳам, учинчи гурухга ман-суб сўзларни ҳам яна ўнлаб лексик-семантик гурухлар ва синфларга ажратиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, идеографиянинг асосини ономасиология ташкил қилади. Шу боис ҳам идеографик лугат мақоласида феъл лексемалар тилшуносликда уларга ҳамиша қарама-қарши қўйи-лувчи ва матн таркибида улар билан бевосита маъновий алоқага киришувчи от лексемалар билан баробар мавқеда бўлади.

Масалан:

## 1. ТАБИАТ

### 1.1. НООРГАНИК ОЛАМ.

#### 1.1.1. Осмон ва коинот жисмлари:

*Осмон<sub>1</sub>, космос<sub>2</sub>, қуёш<sub>3</sub>, ой<sub>4</sub>, юлдуз<sub>5</sub>, комета<sub>6</sub>, сунъий йўлдоши<sub>7</sub>*

<sup>1</sup> Бўзармок 2 <sup>1</sup> Оқармок 4 <sup>1</sup> Кўкармок 1 <sup>1</sup> Коронғилашмоқ 1 <sup>2,5</sup> Учмоқ 13 <sup>3,4</sup> Чиқмоқ 32 <sup>3,4</sup> Кўтарилимоқ <sup>3</sup> Ботмоқ 9	<sup>3</sup> Қиздирмок 1 <sup>3</sup> Ёритмоқ 1 <sup>3</sup> Чаракламоқ 1 <sup>3</sup> Нур сочмоқ <sup>3</sup> Оғмоқ 8 <sup>3</sup> Порламоқ 1 <sup>3,4</sup> Силжимоқ 3 <sup>3,4</sup> Тутилмоқ 1	<sup>4</sup> Юрмок 3 <sup>4,7</sup> Айланмоқ 1 <sup>4,5</sup> Кўринмок <sup>5</sup> Милтирамоқ 1 <sup>5</sup> Жимириламоқ 2 <sup>6</sup> Яқинлашмоқ 1 <sup>7</sup> Учирмок
--	---	--

Бунда:  $\square_1$  – сўздан кейин пастдан қўйилган бундай рақам мазманий майдондаги ассоциациянинг тартиб рақами билдиради;  $^1\square$  – сўздан олдин юқоридан қўйилган бундай рақам феълнинг юқоридаги ассоциациялардан қайси бирига тегишилигини қўрсатади; Феъллардан кейин қўйилган 1 ёки 2, 3 каби рақамлар мазкур сўз маъносининг изоҳли лугат-даги тартибига ишора қиласди.

Юқорида келтирилганлардан маълум бўладики, идеографик лугат мақоласида сўзларнинг изоҳи берилмайди, балки лугатдан фойдаланувчи умумий тушунчалардан хусусий тушунчаларга “ки-риб” борар экан, борликдаги нарса-ҳодисалар тўғрисида ўз хуло-сасини чиқариб, тушунчаларга ўз таърифи, изоҳини бериш имко-ниятига эга бўлади. Демак, идеографик лугат изоҳсиз изоҳ чиқариш тамойилига асосланган ҳолда тузилади.

“Табиат” макромайдони қамровидаги барча тушунчалар би-лан боғлиқ мақолаларни юқоридаги кўринишда ҳосил қилиш мум-кин. Жумладан, “Сув ресурслари” семантик майдони: *арик*, *жилга*, *ирмоқ*, *кўл*, *булоқ*, *қудуқ*, *сой*, *дарё*, *тўғон*, *денгиз*, *океан*, *шаршара*, *оқим*, *бассейн*, *канал*, *сув омбори*, *музлик*, *тўлқин*, *артезиан*, *фав-вора* каби отлар билан ассоциатив ҳамда синтагматик муносабат ҳосил қилувчи: *сугормоқ*, *жилдирамоқ*, *шилдирамоқ*, *оқмоқ*, *лойқа-ланмоқ*, *қўйилмоқ*, *сачрамоқ*, *мавжланмоқ*, *тишиқирмоқ*, *шовулламоқ*, *тўлқинланмоқ*, *тезлашимоқ*, *секинлашмоқ*, *сизмоқ*, *сузмоқ*, *ботмоқ*, *чўкмоқ*, *ҳотитмоқ*, *чўмилмоқ* каби юзлаб феълларни ўз ичига олади. Ушбу феълларнинг барчаси “сув” семаси остида битта мазманий майдонга жамланмоқда, аммо “*жилга*”, “*ирмоқ*”, “*дарё*”, “*сой*” ту-шунчалари *оқмоқ* лексемаси билан, “*кўл*”, “*денгиз*”, “*океан*” ту-шунчалари эса *турмоқ* лексемаси билан синтагматик алоқага киришиб, алоҳида гурухларни ташкил қиласди. Биринчи гурух оқин сувларни, иккинчи гурух турғун сувларни ўз ичига олади ва шу билан ўзаро фарқланади. Бу нарса катта мазманий майдонларнинг ўз ичида кичикроқ маъновий гурухларга бўлинib кетишига яққол далиллар. Шу тариқа *қирғоқ*, *тоз*, *сувчи*, *дала*, *экин*, *сувсамоқ*, *тез*, *секин*, *оз*, *кўп*, *кенг*, *бепоён*, *совуқ*, *иссиқ*, *илиқ*, *сунъий*, *табиий*, *балиқ*, *акула*, *дельфин*, *кит*, *кема*, *қайиқ*, *тутмоқ*, *қармоқ*, *тўр* каби лексик бирликлар бир ерга тўпланиб, “Сув ресурслари” мазманий майдонининг тўлиқ лексик заҳирасини ҳосил қиласди [8:10-13].

“Сув ресурслари” билан бир поғонага қўйилувчи “Табиат ҳодисалари” мазманий майдонининг қамрови нисбатан кенгроқ. Масалан: **Табиат ҳодисалари:** *қор<sup>74</sup>*, *ёмғир<sup>75</sup>*, *дўл<sup>76</sup>*, *шамол<sup>77</sup>*, *чак-моқ<sup>78</sup>*, *момақалдироқ<sup>79</sup>*, *бўрон<sup>80</sup>*, *довул<sup>81</sup>*, *сел<sup>82</sup>*, *жала<sup>83</sup>*, *шабада<sup>84</sup>*, *зилзила<sup>85</sup>*, *ер<sup>86</sup>*, *иссиқ<sup>87</sup>*, *совуқ<sup>88</sup>*, *қурғоқчилик<sup>89</sup>*, *шуудринг<sup>90</sup>*, *қироғ<sup>91</sup>*, *тошқин<sup>92</sup>*

<sup>74</sup> Учқунламоқ <sup>74,75,76</sup> Ёғмоқ 1 <sup>74</sup> Тушмок 1 <sup>74</sup> Қалинлашмоқ <sup>74</sup> Эримоқ <sup>74</sup> Қопламоқ <sup>74</sup> Гупилламоқ 3	<sup>74,75,77,80,83</sup> Сусаймок <sup>75</sup> Томчилемоқ <sup>75</sup> Саваламоқ 3 <sup>75,82</sup> Оқмоқ 1, 4 <sup>75,82,83</sup> Хўл бўлмоқ <sup>75,82,83</sup> Шалаббо бўлмоқ <sup>75,81,92</sup> Ивимоқ	<sup>77,80,85,92</sup> Ағдармок 1 <sup>77,80,81,89,92</sup> Бошланмоқ <sup>77,81,82,83</sup> Тезлашмоқ 2 <sup>77,79,80,81</sup> Тинчимоқ <sup>77,79,80,81</sup> Жимимоқ 1 <sup>78</sup> Урмоқ 6 <sup>78</sup> Чақмоқ 1
--	--	--

74, <sup>91</sup> <sub>75</sub> Босмок 15 74, <sup>75,</sup> <sub>76</sub> Жадаллашмок 74, <sup>75,</sup> <sub>76</sub> Забтига олмок 74, <sup>75,</sup> <sub>76</sub> Ташламок 74, <sup>75,</sup> <sub>76</sub> , <sup>77,</sup> <sub>83</sub> Тинмок 3 74, <sup>75,</sup> <sub>77</sub> , <sup>80,</sup> <sub>81,</sub> <sup>83</sup> Секинлашмок 74, <sup>75,</sup> <sub>76</sub> Сириаклашмок 74, <sup>75,</sup> <sub>77</sub> , <sup>80,</sup> <sub>83</sub> Пасаймоқ 2 74, <sup>75,</sup> <sub>77</sub> , <sup>80,</sup> <sub>83</sub> Кучсизланмок	75, <sup>83</sup> Кўймок 77Увилламок 77Учирмок 77Шитирламок 77, <sup>81,</sup> <sub>82,</sub> <sup>83</sup> Зўраймоқ 1 77, <sup>78,</sup> <sub>81,</sub> <sup>82,</sup> <sub>92</sub> Йўлиқмоқ 1 77, <sup>81,</sup> <sub>82,</sub> <sup>83</sup> Кучаймоқ 1 77, <sup>80,</sup> <sub>81,</sub> <sup>92</sup> Кўтарилемоқ 4	79,80, <sup>81,</sup> <sub>82,</sub> <sup>85,</sup> <sub>92</sub> Талафот кўрмок 80, <sup>81,</sup> <sub>82,</sub> <sup>83</sup> Дуч келмок 82Тошмоқ 1 82Олмоқ 10 84Эсмоқ 85, <sup>89,</sup> <sub>92</sub> Содир бўлмок 86Қимирламок 90, <sup>91</sup> Тушмоқ 1
---	--	--

“Органик олам” парадигмаси тенг қийматли зиддият асосида “Ноорганик олам” парадигмаси билан бир қаторга қўйилади. Бунда дастлабки ўринда ўсимликлар эътиборга олиниши ва ушбу тушун-чага алоқадор феъллар “Ўсимликлар дунёси” деган умумий ном ос-тида “Ёввойи ўтлар”, “Маданий гуллар”, “Ошкўклар”, “Бошоқли ўсимликлар. Дуккаклилар”, “Дараҳтлар”, “Буталар” каби мазмуний майдонлардан қидирилиши лозим. Эслатиб ўтмоқчимиз, А.Курбо-нов “Бошоқли ўсимликлар. Дуккаклилар” соҳасига оид терминлар-ни тўплаб номзодлик ишини бажарар экан, уларнинг кўлами кенг ва ўзбек тилида фаол эканлигини таъкидлаб ўтган. М.Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асарида ушбу мавзу доирасида 200 га яқин атаманинг мавжудлигини айтиб, *шудгорламоқ, яғаналамоқ, ҳайдо-моқ, сугормоқ, бараналамоқ, ишилов бермоқ, ўғитламоқ, юмишатмоқ* каби феъл атамаларни ҳам келтиради [10]. Бу нарса ушбу мазмуний майдоннинг кенг ва ўзбек тилининг лугат таркибида ўзига хос ўрин-га эгалигини кўрсатиб турибди.

“Ўсимликлар дунёси” мазмуний майдонидан кейинги поғо-нада “Хайвонот олами” семантик майдонини жойлаштириш мақ-садга мувофиқ, бинобарин бу майдон “Ёввойи ҳайвонлар”, “Уй ҳай-вонлари”, “Сув ҳайвонлари”, “Ёввойи қушлар”, “Йиртқич қушлар”, “Уй паррандалари”, “Ҳашаротлар”, “Судралувчилар” каби семан-тик системаларни ўз ичига олади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўзбек тилининг феъл идеографик лугатини тузиш учун, энг аввало, тил лексикасидаги се-мантик майдонларнинг микдорини аниқлаш ва уларда кўлланувчи феъллар кўламини белгилаш зарур. Феъл сўз туркуми ўзбек тилида энг катта ва мураккаб парадигма бўлиб, феъл тизимидағи ички муносабатлар ҳам кўп қирралидир. Шу боис уларни изчил ўрганиш мухим саналади, чунки феъллардаги турли парадигматик муноса-батларни факат идеографик лугатлар ёрдамидагина юзага чиқариш мумкин.

### Адабиётлар

1. Юсупхўжаева X. Ўзбек тили изоҳли лугатида феълларнинг ишланиши. – Тошкент: Фан, 1988. – 107 б.
2. Нурмонов А., Шахобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тили-нинг назарий грамматикаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 164 б.
3. Мусаев Т. Глаголы ощущения в узбекском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1992. – 17 с.
4. Кўчкортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги (ўзбек тилидаги нутқ феъл-лари материали асосида) – Тошкент: Фан, 1977. – 168 б.
5. Расулов Р. Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2001. – 172 б.
6. Муҳамедова С. Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги: Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 1999. – 22 б.
7. Муҳамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари: Филол. фан. докт... дис. автореф. – Тошкент, 2007. – 48 б.
8. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Беш жилдли. – Тошкент: Ўз миллий энцикло-педияси Давлат илмий нашриёти. 2-жилд, 2006. – 672 б.
9. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент: Маънавият, 2004. – 160 б.

10. Собиров А. Она тили дарсларида идеографик луғатдан фойдаланиш // Тил ва адабиёт таълими, 2003. –№ 4. – 10-13 б.
10. Курбанов А. Термины зерновых культур и зернового хозяйства узбекского языка: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975. – 32 с.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек ва жаҳон тилшунослигига феъл семантикаси бўйича қи-лингган тадқиқотларга муносабат билдирилган ва “Табиат” семантик майдонида қўлланувчи феълларнинг идеографик тавсифи келтирилган. Бунда “система ичи-да система” тамойилига кўра, харакат ва ҳолат феълларига тавсиф беришда улар мансуб бўлган мазмуний майдонлар эътиборга олинган.

## РЕЗЮМЕ

В статье изложено мнение по отношению к исследованиям, проведенным по семантике глагола в узбекском, а также мировом языкоznании, и приведена идеографическая характеристика глаголов, используемых в семантическом поле “Природа”. На основе принципа “система в системе” при описании гла-голов действия и состояния здесь учитываются семантические поля, к которым они принадлежат.

## SUMMARY

In this article is proved the investigation of semantics of the verb in Uzbek and world linguistics proved ideographic characteristics of the verb using in semantic field of “Nature”. On the base of principles “system in the system” describing verbs of action and condition are considered on semantic field which they belong to.

## ИНГЛИЗЧА ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР СЕМАНТИКАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ХУСУСИДА

**Байматова Б. (ҚарДУ)**

**Таянч тушунчалар:** ўзбек тили лексикаси, ички манба, ташки манба, маъно кенгайиши, маъно торайиши, инглизча ўзлашмалар.

Маълумки, дунёда 5000 дан ортиқ тил мавжуд бўлиб, улар-нинг сони манбаларда турлича кўрсатилади. Буларнинг аниқ сони-ни белгилаш жуда мураккаб, чунки тиллар ўртасидаги ва бир тил-нинг диалектлари орасидаги фарқлар ниҳоятда шартлидир [1:704].

Хозирги пайтда ўз устивор сиёсатига эга бўлган ҳар бир дав-латнинг глобал масалалари қаторидан тил масаласи ҳам ўрин олган дейиш мумкин. Зероки, жаҳонда айни пайтда 1400 тилнинг йўқолиб кетиш хавфи мавжудлиги таъкидланмоқда. Мутахассислар томони-дан дунё тилларидан фақат 40 тасининг оғзаки ва ёзма жиҳатдан мукаммал шаклланиб бўлгани қайд этилади. Ўша 40 тилнинг ора-сида ўзбек тилининг ҳам муносаб ўрин олгани қувонарли ҳолдир [2:15]. Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, шунингдек, 1995 йил 21 декабрда “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши каби тил масалаларига боғлик хукумат қарор-ларининг ўз вақтида қабул қилиниши мамлакатимизда узокни кўзлан-ган давлат сиёсати олиб борилаётганининг далилидир.

Ўзбек тили ривожланган тиллар қаторига кирад экан, унинг лексикаси ички ва ташки манбалар хисобига кундан кун бойиб бор-моқда. Хусусан, ҳозирги пайтда тилимизнинг ташки манба асосида бойиши фаоллашганини таъкидлаш жоиз.

Ўзбек тилига ўзлашган ва ўзлашиш жараёни сезиларли давом этаётган ўзлашмалар хусусида фикр юритганда, улар сирасидан инг-лизча ўзлашмаларни илмий жиҳатдан ўрганиш асосли дейиш мумкин. Зероки, ҳозирги пайтда бутун дунё мулоқот тили сифатида тан оли-наётган инглиз тилининг бошқа тилларга таъсир даражаси сезилар-лидир. “XX аср лотини” номи билан юритилаётган бу тил нафакат ўзбек тили, балки дунёдаги кўплаб тилларга сўз бериб, уларнинг лексикасини бойитаётгани кўпчиликка маълум. Шунга кўра, қуйида тилимиздаги инглизча ўзлашма сўзларнинг семантикасига доир ўзга-ришлар хусусида фикр юритамиз.

Тилимиздаги ўзлашма сўзлар семантикаси ўрганилса, лексик маъно тараққиётининг натижаси сифатида икки хил ҳолат – лексик маъно ҳажмининг кенгайиши ёки торайиши кузатилади. Маъно кенгайиши маълум бир сўзлар учун тарихий тараққиёт жараёни бўлиб, лексик маънонинг аввалгисига нисбатан кенгроқ воқеликни билдиришига нисбатан ишлатилади.

Инглизча ўзлашма хисобланган **дизайн** лексемаси 2 томли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”дан ўрин олмаган. Тилимизга ўзлашиш тарихи узоқ бўлмаган бу лексема, аввало, чизмачилик, тасви-рий санъат, архитектура соҳалари атамаси сифатидагина ишлатила бошлаган эди. Лексеманинг қомусдаги мақоласи қуйидагича: “**Ди-зайн** [инглизча *design* – лойиҳа, чизма, расм] – нарсалар мухити-нинг эстетик ва функционал сифатларини шакллантириш мақсади-га қаратилган лойиҳалаш фаолияти турларини ифодаловчи термин. Дизайн 20-аср бошларида юзага келиб, 30-йилларда маҳсус фаолият тури сифатида Фарбий Европа ва АҚШда шаклланди. 80-йиллар 2-ярмидан дизайннинг фаолият доираси кенгайди” [1:293-294].

Унга берилган изоҳдан маълум бўладики, лексеманинг хо-зирда кенг планда ишлатилиши аниқ маънонинг мавхум маънога ўтиши билан фарқланади. Яъни чизмачилик, тасвирий санъат, архи-текнотура соҳалари атамаси тушунчасидан ташқари бадиий фаолият тури – эстетик хусусиятларга эга бўлган нарсалар, саноат буюмла-рини лойиҳалаш, жойлаштириш, жиҳозлаш; бадиий жиҳатдан лойи-ҳалаш, ташкил қилиш каби умумий маъноларда ишлатилмоқда [3:608]. Шунга асосланиб, бу лексемани сўз маъносининг кенга-йиши ҳодисасига учраган тил бирлиги сифатида айтиб ўтиш мум-кин. Бундан ташқари, лексемага бевосита алоқадор хисобланган **дизайнер** лексемаси ҳам ҳозирги кунда кўп маънолилик касб этаётган сўзлар сирасига киради.

**Рейтинг** лексемаси ҳам 2 томли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га киритилмаган. Кейинги йилларда эса рейтинг [инглизча *raiting* – баҳо, даражса] баҳо беришнинг балл системасига асослан-ган турини ифодаловчи тушунча сифатида луғатлардан жой олди. Бу лексеманинг тилимиздаги истеъмол доираси фаоллашуви натижасида таълим тизимидағи атамадан спорт, маданият ва бошқа со-ҳаларда эришилган ютуқлар натижасини белгиловчи меъёр тушун-часини билдирувчи лексема сифатидаги маънолари кенгайди. Буни янги нашрдаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” мисолида кўри-шимиз мумкин. Унда **рейтинг** лексемаси қуйидагича изоҳланган: “**1** Ўқувчилар ва талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолаш усули ва тизими. **Олий таълим тизимида бакалаврлик ва магистрлик бос-қичларидағи таълим тобора такомиллашмоқда, талabalар били-мини баҳолашнинг рейтинг усули кенг жорий этилмоқда. **2** спорт. Спортнинг баъзи турларида (масалан, шахматда) эришилган ютуқ-ларнинг самарадорлиги ва нуфузини баҳолашда рақамлар билан ифодаланадиган шахсий кўрсаткич. **Халқаро футбол федерацияси (ФИФА)** миллий терма жамоалар учун август ойи рейтинг жадд-валини эълон қилди. **3** Сиёсат, маданият ва бошқа соҳалардаги та-никили арбобларнинг жамоатчилик фикрини ўрганиш йўли билан аниқланадиган машхурлик даражаси. *Машгулот олиб борадиган ўқитувчиларнинг илмий даражаси, рейтинги, иш стажига қараб, қўшишмча ҳақ тўлаши жорий этилди*” [4:373].**

Кўринадики, маълум йиллар илгари моносемантик хусуси-ятга эга бўлган **рейтинг** сўзи тилимизга ўринлашиб, фаол сўз сифа-тидаги қўлланиши натижасида ҳозирда полисемантик сўз сифатида шаклланган.

**Бункер** лексемаси 2 томли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”-да комбайн, пахта териш машинаси ва шу кабиларнинг йигилган нарса тўпланадиган қисми маъносида берилган. *Пахта териши ма-шинасининг бункерлари* [5:149]. Янги нашрдаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”дан эса бу сўзниг маъно жиҳатдан кенгайганини кузатиш мумкин. “**Бункер** [инглизча *bunker* – кўмир солинадиган қути] 1 Комбайн, пахта териш машинаси ва шу кабиларнинг йигил-ган нарса келиб тушадиган, тўпланадиган қисми. Сўриб олинган пахта машинадаги бочкасимон бункерга келиб тушяпти. Бу йил Эргашев ўз бункеридан 100 тонна “оқ олтин” териб тўқди. 2 Кум, шағал, цемент, дон, кўмир ва шу каби нарсаларни қисқа муддат сақлаш ёки ташишга мўлжалланган идиш. 3 Мудофаа учун мўлжал-ланган ер ости иншооти. Улар бункерни қамал қилиб, тобора яқинлашиб борарди” [6:374].

Кўринадики, **бункер** лексемасининг қум, шағал, цемент, дон, кўмир ва шу каби нарсаларни қисқа муддат сақлаш ёки ташишга мўлжалланган идиш сифатидаги 2-маъноси ва мудофаа учун мўл-жалланган ер ости иншооти сифатидаги 3-маънолари ҳосила маънолар каторига киради.

Тилнинг лексик таркиби жамиятнинг сиёсий, маданий ва маънавий ҳаёти билан боғлиқ равишда такомиллашиб боради. Жум-ладан, луғатлар ҳам жамиятдаги сиёсий-маънавий қарашларга мос ҳолда яратилади. Янги нашрдаги “Ўзбек тилининг изоҳли луға-ти”да **бизнес** лексемаси “[инглизча *business* – иши, машгулом] даро-мад келтирадиган, фойда олиш мақсадлари кўзланган ва қонунларга хилоф бўлмаган ҳар қандай ташкилий, хўжалик фаолияти; тижорат; ишбилармонлик” [5:392] (*Бизнес, хўжалик юритиши қўламига қа-раб, йирик, ўрта ва кичик турларга бўлинади.*) маъносида берилган бўлса, эски нашрда эса капиталистик мамлакатларда: шахсий бой-лик, фойда орттиришга қаратилган иш [5:392] (масалан, чайқовчи-лик, коммерция, катта даромад келтирадиган корхона ва ш.к.) маъносида келтирилган.

Эски нашрдаги луғатда **фермер** лексемасининг капиталистик мамлакатларда: фермани ижарага олувчи ва киши ёки ферма эгаси қўринишидаги маъноси кўрсатилган. Янги нашрда эса **фермер** лек-семаси “[инглизча *farmer* – фермер] ўзига қарашли ёки ижарага узок муддатга олинган ерда зироат, чорва, парранда маҳсулотларини етишириш билан шуғулланувчи майда ёки ўртacha қишлоқ хўжা-лик корхонаси эгаси” қўринишида изоҳланган. Умуман олганда, **бизнес, фермер, савдоғар** каби лексемаларнинг луғатларда турлича изоҳланиши уларнинг тузумга нисбатан янги ифода олиши билан боғлиқ масаладир.

Айрим сўзларни ўзлаштиришда мутахассислар сўзлар имло-сининг дифференциаллаш принципи билан сўз маъносини фарқ-лашга ҳаракат қилганлар. Эски нашрдаги луғатда **колледж** инглиз-ча сўз сифатида Англия ва Америкадаги олий ва ўрта ўқув юрти маъносида, **коллеж** эса французча сўз сифатида Франция, Бельгия ва Швейцариядаги ўрта ўқув юрти қўринишида изоҳланган. Янги нашрдаги луғатда **коллаж** [ингл., фр. *college* – ўртоқ, биродар; ўқув юрти] лексемаси уч маънода: “1 Буюк Британия, АҚШ ва бошқа баъзи мамлакатларда: ўртадан олийгача бўлган турли хил ўқув юртлари. 2 Франция, Бельгия, Швейцария ва бошқа баъзи мамлакатларда: ўрта ва тўлиқиз ўрта ўқув юрти. 3 Ўзбекистонда: ўрта маҳсус касб-хунар ўқув юрти” [6:389] қўлланилиши кўрсатилган.

Кўринадики, бу сўзниг маънолари изоҳли луғатнинг кейин-ги нашрида тўлдирилган ҳолатда берилган. Шуни ҳам алоҳида таъ-кидлаш жоизки, эски нашрдаги изоҳли луғатда келтирилган инг-лизча **колледж** сўзи имлоси янги нашрдаги луғатга киритилмаган. Хулоса чиқариш мумкинки, **коллеж** лексемаси турли давлатларда турлича ўқув шакли сифатида қабул қилинган бўлса-да, ягона им-лога эга бўлган **коллаж** қўринишидаги кўп маъноли сўз сифатида ифодаланиши лозим.

Эски нашрдаги изоҳли луғатда берилган кўпгина сўзлар янги изоҳни талаб этганидек, янги нашрдаги луғатда берилган айрим сўзлар ҳам қайта изоҳни талаб этади. Бунга мисол сифатида

**компьютер** лексемасининг изоҳли луғатдаги маъносига эътибор қара-тамиз: “Мураккаб қурилмага эга бўлган электрон ҳисоблаш машинаси” [6:397]. Бу содда таъриф замонавий компьютер сўзига нис-батан анча нотўлик бўлиб, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” [7:687] да берилган изоҳ уни тўлдиради, дейиш мумкин. Компьютер сўзига бериладиган изоҳ “Мураккаб қурилмага эга бўлган электрон ҳисоблаш машинаси” кўринишида эмас, балки “Матн ва турли тасвир кўринишидаги ахборотларни мониторда акс эттира оладиган, бошқариш, процессор, хотира ва киритиш-чиқариш қурилмалари-дан иборат, олдиндан берилган дастур бўйича ишлайдиган автомата-тик қурилма” сифатида кенгроқ изоҳланиши максадга мувофиқ саналади.

Изоҳли луғатнинг эски ва янги нашрларидаги сўзлар ва улар-нинг изоҳи қиёсан ўрганилганда мамлакатимизда сиёсий тузумнинг ўзгариши, янги-янги тушунчаларнинг тилимизга кириб келиши ва номланиши, шўро замонида фаол бўлган кўплаб сўзларга янги маъно юкланиши, айрим сўзларнинг бошқа ифодаларга ўрин бўша-тиб бериши, диний-маънавий қадриятларимизни ифодаловчи ту-шунчаларга холисона изоҳ берилиши, кўплаб сўз ва истилоҳлар-нинг қайта “тирилиши” каби ҳолатлар улар ўртасидаги тафовут-ларга сабаб бўлган дейиш мумкин. Гарчи луғат тузиш, сўзларга изоҳ бериш каби вазифалар аслида соф филологик, яъни сиёсатдан холи иш ҳисобланса-да, айрим сўзлар мавжуд тузумнинг сиёсатига мос равища янгича ифодага эга бўлиб боради.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ўзбек тили лексикасидан ўрин олган инглизча ўзлашма сўзлар семантикасидаги ўзгаришлар сези-ларли даражада бўлиб, улар полисемантик хусусиятга эга бўлишдан ташқари, сўз маъносининг кенгайиши, ўзбекча сўз ясалишида фаол қатнашиши каби тил ҳодисаларида етакчи мавқе эгаллайди.

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12 томли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 3-т., 2002. –704 б.
2. Раҳимов Б. Дунёда нечта тил бор? / Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2011. - № 11. – Б. 120.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 1-жилд, 2006. – 680 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 3-жилд, 2007. – 686 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли – М.: Русский язык. 1-т, 1981. – 632 б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2-жилд, 2006. – 672 б.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 томли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 4-т., 2002. –704 б.

### **РЕЗЮМЕ**

Мақола ўзбек тили лексикасидаги инглизча ўзлашма сўзларнинг семантикаларидаги ўзгаришларга қаратилган.

### **РЕЗЮМЕ**

Статья посвящена семантическим изменениям, английских заимствованных слов в лексике узбекского языка.

## SUMMARY

The article is dedicated the semantic change of English unoriginal words in lexicon of the Uzbek language.

# ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ЭПИК ШЕҮРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Очилов Н. (ҚарДУ)

**Таянч түшүнчалар:** халқ поэзияси, шеърий шакл, эпик шеър, лирик шеър, эпик ижро, банд, ҳижса, вазн, қофия.

Халқ поэзияси номи билан аталувчи шеърий шакллар ўзи-нинг қадимий тузилишига кўра ажralиб туради. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг таркибий қисми ҳисобланган қўшик ва достонларнинг шеърий тузилиши, ритмик хусусиятлари халқ поэзиясини ташкил этади. Халқ поэзияси “...жанрларининг вазифаси, мавзу доираси, мазмунни, поэтик тузилиши, ижро ўрни ва усули, ижрочиси ва иж-рода анъанавийлик ҳамда индувидуаллик каби кўплаб хусусият-ларга қараб ранг-баранг шакл ва кўринишларни касб этади” [1:8].

Халқ поэзияси шеърий шаклларга нисбатан умумий тушун-чани англатса-да, ифода мазмунни, воқеликни тасвирлаш усулига кўра лирик ва эпик кўринишларга бўлинади. Улар оҳангдорлик ва мусиқийликни юзага келтирувчи ритм, қофия ва банд тузилиши нуқтаи назаридан умумийлик касб этса-да, воқеалар баёнининг тас-вирланишига кўра фарқланади. Лирик ифодада тасвир жараёни иж-рочи “мени”, унинг дунёқараши, ички ҳиссиёти, руҳий кечинмала-ри, орзу-умидлари индивидуал хусусиятга эга бўлиб, эпик ижрода бу ҳолат воқеабандлик асосида, яъни бахши импровизациясининг имкониятлари билан белгиланади. Шундай экан, эпик баённи юзага келтирувчи эпик тузилма лирик тузилмага нисбатан кенг. Иккинчи-дан, лирик тузилма қисқа шеърий шаклда ифодаланса, эпик тузилма узун шеърий шаклларда тасвирланади. Бундай ҳолатни халқ дос-тонларидаги насрий парчаларни юзага келтирувчи воситалар ёрда-м�다 кўриб чиқамиз.

Маълумки, халқ достонлари ижро этилиш ўрнига кўра син-кретик (қоришиқ) шаклга эга. Куй, ижро ва сўз биргаликда ижро-нинг умумий кўринишини белгилайди. Эпик ижронинг композици-он тузилишини ўзаро алмашиб турадиган насрий ва назмий матн-лар ташкил этади. Бундай умумий қолип ўзбек халқ достонлари учун хос. Олимларнинг таъкидлашича, ўзбек халқ достонлари 7, 8, 11 ҳижоли бўлиб, 7, 8 ҳижса, асосан, воқеаларнинг жадал ривожла-нишида кўпроқ кўлланса, қаҳрамонларнинг отда сафари, жанг ман-заралари, хабар ва чақириқлар қисқа вазнда берилади. Қаҳрамонлар монологи, таъриф-тавсифлар, ҳаракатнинг тинч, осойишталигини ифодаловчи мисралар 11 ҳижоли шаклда ифодалangan [2:256].

Кўриниб турибдики, халқ достонларига хос шеърий тузилма фақатгина оҳангдорликни ошириш эмас, балки воқеаларнинг ижро-чи томонидан ижро этилишида ҳам муҳим ўрин тутади. Бундай хусусиятларни жанубий Ўзбекистон достончилик мактаби бахши-лари репертуаридан ёзib олинган достонлар мисолида кўриб чиқа-миз. Умир шоир репертуаридаги “Алпомиш” достонида Алпомиш қалмоқ юртидан қайтиб келаётган вақтида олдидан пишқириб оқа-ётган Оқдарёга дуч келади. Бахши ана шу ҳолатни Алпомиш руҳияти мисолида шундай таърифлайди: “Бошдан ўтган кунларни айтиб, дарёдан гузар сўрайпти:

*Оқдарё дейди номингди,  
Қайтариб оққин дамингди,  
Саёз қилгин думингди,  
Тагингдан кўрсат қўмингди,  
Йўл бер Оқдарё ўтайин,  
Бойбўри бойга етайнин. [3]*

Кўриниб турибдики, эпик қаҳрамон руҳияти, соғинч ва из-тироблари шеърий мисралар орқали ифода этилмоқда. Эпик баёнда тасвирланаётган Алпомиш руҳияти аниқ тасвирийлик касб этмоқда. Бу каби хусусиятлар шеърий мисралар билан боғлиқ қўплаб тасвир жараёнларида акс эттирилган. Достондаги шеърий тузилиш, оҳанг-дорлик эпик баён воқелиги билан уйғунлаштирилган.

Достондаги шеърий мисралар қофияланиш усулига кўра тўртлик банд тузилишидан иборат бўлса-да, бандларнинг қофияла-нишида изчиллик ва давомийлик кўзга ташланмайди. Бандлар икки-лик, учлик, тўртлик, бешлик, олтилик ва х.к. тарзида комбинация-лаша боради. Ҳатто бандлардан ажралган алоҳида мисралар ҳам мавжуд. Тасвирдаги Алпомишнинг Оқдарёга мурожаатида бандлар тузилиши дастлаб олтилик, тўртлик, иккилик шаклида бўлиб, тас-вир охиригача бу ҳолат изчил давом этмайди. Бундай ҳолат ўзбек ҳалқ достонларининг анъанавий асосда етиб келган намуналарида ҳам учрайди. Чунки баҳши ижро жараёнида эпик хотирада мавжуд воқеалар тузилмасини эркин ифодалашга ҳаракат қиласи. Натижада назмий мисраларнинг банд тузилиши, ритмик бирлиги ёки туроқлар сони мисрадаги қофия тартибига қараб эркин ижрони таъминлайди. Юкоридаги тасвирда ҳам мисралардаги бандларнинг қофияланиши маълум тартибда эмас, балки а-а-а-а, б-б, в-в-в, б-б, д-д-д-д каби шакллантирилган. Мисралар 7, 8, 11 бўғиндан иборат, мисраларда-ги қофиядош бўлиб келган сўзлар баъзан ўзак жиҳатидан бир-бирига тўғри келмайди. Анъанавий қофия вазифасини грамматик қўшимчалар бажаради, сўзлар оч қофияланади. Шунинг учун ҳам В.Г.Белинский ҳалқ поэзиясидаги сўз қофияси эмас, маъно қофияси катта роль ўйнайди”, - деган эди [4:428].

“Нуралининг ютилиши” [5:219] достонида ҳам Гўрўғли туш таъбирини ботирларга айтиётган тасвирда бандлардаги қофия тузи-лишининг қўйидаги архаик кўринишини кузатиш мумкин: а-а-а-б-а, в-в-г, б-в-д ва х.к. Демак, йигирма саккиз мисрадан иборат бўлган ушбу тасвирда қофияланиш эркин, воқеабандлик асосида юзага келганлиги, туроқлар сонининг goх узун шаклда тақрорланган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, баҳшилар эпик ижрода воқеалар ривожини тасвирлашда маълум тартиблилика эмас, барқарор тузи-лишга ҳаракат қиласи. Бу эса эпик анъаналар ривожланган, баҳничилик санъати гуллаб-яшнаган давр ижодкорлиги учун хос бир ҳолатлардандир.

Кейинги вақтларда бир қатор баҳшиларнинг саводхонлиги, шеър назариясидан хабардорлиги шеърий шаклларни ёзма шеър на-зариясига яқинлаштиришга олиб келди. Достонлардаги бандлар-нинг қатъийлашуви, вазнлардаги қисқа-чўзиқлик, қофияланиш тартибининг бир хилда ижро этилганлиги фикримизнинг исботидир. Бундай ҳолат Қодир Раҳимов, Қора ва Чори Умиров, Чоршанби Раҳматуллаев, Рўзи Култўраев, Қаххор Раҳимов ва бошқа бир қатор баҳшилар ижросидаги шеърий мисраларда кўзга ташланади. Чори Умиров репертуаридаги

“Амир Темурнинг туғилиши ва ёшлиги” достонида тўртлик бандларнинг а-а-б-а, а-а-а-б кўриниши қўлланса, етакчи бандлар бешлик тарзида қофияланади: а-а-а-б-а, а-а-а-а-б.

*Булбул қуашлар қолар бўлди чегасиз,  
Оқ совутли тўним қолди жоғасиз,  
Ёлгиз қизим қолар бўлди оғасиз,  
Маслаҳатга мен чақирдим бекларим,  
Ўлар бўлсам мурдам қолар эгасиз.*

Бандларнинг қофияланиши биринчи бандда а-а-а-б-а кўри-нишида бўлса, охирги бандгача (баъзан ўзгарган ҳолда) қофия тузи-лиши сақланади. Эпик мисраларни бахшилар томонидан бундай тартибли асосда шакллантирилиши анъанавий шеър тузилишининг ривожланиши учун сифат ўзгарувига эришилди дегани эмас, балки бахшиларнинг саводхонлиги, шеър назариясининг пухта ўзлаштир-ганлиги натижасида юзага келган ҳолатдир. Бундай ҳол анъанавий эпик ижродаги назмий мисраларнинг қандайдир ўзгариши ёки ри-вожланиши эмас, балки эпос жонли оғзаки анъаналарининг сўниш жараёнидаги вақтинчалик кўринишидир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳалқ достонларида ғоявий мақсад, қаҳрамонлар руҳий ҳолатини тасвирлашда эпик шеър ва унинг тузи-лиши муҳим ўрин эгаллайди.

### **Адабиётлар**

1. Раҳмонов Б. Ўзбек ҳалқ эпик шеър тузилиши: Филол. фан. ... номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 23 б.
2. Имомов К. ва бошқ. Ўзбек ҳалқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 256 б.
3. Алпомиш. Достон. Айтувчи: Умир шоир Сафаров. Ёзib олувчи: О.Собиров. ЗЎФА. Инв. № 1254.
4. Белинский В.Г. Польной собрание сочинений. – М., 1954. – 428 с.
5. Нуралиниг ютилиши. Достон. Айтувчи: Бўри бахши Аҳмедов. Ёзib олиб, нашрга тайёрловчи: Б.Саримсоқов // Нурали. Ўзбек ҳалқ ижоди. – Тошкент: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1989. – 219 б.

### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада ҳалқ достонларида шеър тузилиши илмий-назарий аспектда таҳлил этилган.

### **РЕЗЮМЕ**

В этой статье анализировано поэтическое строение народных дастанов на научно-теоретической основе.

### **SUMMARY**

In this article had been analysed basis of the scientific theory of the poetic structure of national epic poems.

### **РАБҒУЗИЙ БАДИЙ МАҲОРАТИНИНГ БИР ЖИҲАТИ ХУСУСИДА**

**Ақбаров М. (ҚарДУ)**

**Таянч тушунчалар:** қисса, “аҳсан-ул қисас”, бадиий маҳорат, пайғамбарлик, бадиий қаҳрамон.

Шарқ адабиётида “Юсуф ва Зулайхо” сюжетида ўнлаб асар-лар яратилган. Манбаларда, жумладан, Алишер Навоийнинг “Тари-хи анбиё ва хукамо” асарида хабар берилишича, дастлаб Фирдавсий, кейинчалик Абдураҳмон Жомий, Хожа Масъуд Ироқий сингари шоирлар бу мавзуда қалам тебратганлар [1:200]. Н.Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” китобида эса Фирдавсийга қадар Абул-муайяд Балхий ва Бахтиёрий деган шоирларнинг достон яратгани маълум қилинган [2:272].

Мазкур қисса матни “Қисаси Рабғузий”нинг ҳозирги нашри учун асос бўлган нусха (матншунос К.Гронбек томонидан 1948 йили Копенгагенда нашр қилинган нусха факсимиле) да узилиб қолган. Нашрга тайёрловчиларнинг эслатишича, бу асар 1859 йилда туркийшунос олим Н.И.Ильминский томонидан Қозонда, XIX аср-нинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Тошкент шаҳрида литография асосида бир неча марта нашр қилинган. Мавжуд нусха-ларнинг энг мўътабари Санкт-Петербург Шарқшунослик институти фондидаги сакланади [3:9].

Ўзбек адабиётида эса Юсуф Алиниң “Қисаси Юсуф”, Дур-бекнинг “Юсуф ва Зулайхо” достони ва Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий”сидаги “Қисаси Юсуф сиддиқ алайҳиссалом” қисаси маълум. Бу асарлар бир-биридан факат шеърий ёки насрый йўлда ёзил-гани билангина фарқ қилмайди. Айниқса, Рабғузийнинг асар воқеа-ларига ёндашиш услуби ва баёнда наср билан назмнинг уйғунликда саклагани “Қисаси Юсуф сиддиқ алайҳиссалом” қисасини бошқа шу мавзудаги асарлардан алоҳида ажратиб туради.

Носируддин Бурҳониддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида ҳажм жиҳатидан энг катта қисса “Қисаси Юсуф сиддиқ алайҳиссалом” саналади (нашрда 68 варак) [3:99-167]. Унда “оилада содир бўлувчи фиску фасод, ака-укалар орасидаги низолар, шаҳ-воний интилиш пок туйғуларни топтаб, разиллик адолат устидан ғалаба қозониши ва бу ғалабанинг вақтинчалик ва ўткинчи экан-лиги, севимли фарзанднинг арзимаган пулга қулликка сотилиб ке-тиши, унинг бошидан кечирган азоб-уқубатлар натижасида ҳам ий-мони бут қолган Юсуфни Аллоҳ қадрлаб, зиндан зулмидан ёруғ-ликка олиб чиқиши, қулликка сотилган ука юқори мартабага эриш-гач, хиёнат қилган акаларини кечириши ва уларни ўз паноҳига оли-ши тасвирланади” [4:63].

Маълумки, Шарқ адабиётида мазкур мавзуда ёзилган асар-ларнинг (ҳоҳ бадиий, ҳоҳ тарихий бўлсин) барчасига асос Куръон-даги Юсуф пайғамбар билан боғлиқ сура ҳисобланади ва манба-ларда “аҳсан ул-қисас” – “қиссаларнинг энг яхшиси” деб сифат-ланади.

Рабғузий мазкур қисса баёни аввалида бошқа қиссаларнинг баёни аввалидан фарқли равишда, аввало, “аҳсан ул-қисас” тушун-часига шарҳ беради. Шарҳда 9 та сабаб келтирилган. Яъни, Юсуф ҳақидаги қисса, биринчидан, Куръондаги барча қиссалардан ҳаж-ман каттароқ, фойдаси кўпроқ бўлгани учун; иккинчидан, баъзилар-нинг тахминича 40 йиллик, баъзиларнинг тахминича 80 йиллик тарих ифодалангани учун; учинчидан, бошқа қиссалар турли оятлар таркибида келган бўлса, бу қисса тамом бир сурада акс этгани учун; тўртинчидан, бошқа қиссалардаги воқеалар турли кишилар орасида, бу қиссадаги воқеалар асосан ота-она, ака-укалар орасида баён қи-лингани учун; бешинчидан, бу қиссада роҳатда, машақкатда, тоат-ибодатда, кишилар орасида эзгу муомалада бўлмоқ уқтирилгани учун; олтинчидан, Юсуфнинг қариндошлари билан эзгу муомалада бўлгани ва уларнинг жафосига сабр қилгани учун; еттинчидан, бу қиссанинг бошланиши ҳам, ўртаси ҳам, охири ҳам туш билан боғ-лиқлиги учун; саккизинчидан, ишқ билан тамомлангани учун; тўқ-қизинчидан, пайғамбаримизнинг “Кимки ўн

турли балодан кутулай деса “Юсуф” сурасини ўқисин” деган ҳадиси борлиги учун “Ахсан ул-кисас” деб аталган.

Асар сюжети композициясида ўзи асос қилиб келтирған ана шу 9 хусусиятта қатый амал қилған муаллиф қиссаны факат “Юсуф” сурасининг баёни ёки мазкур пайғамбар билан боғлиқ айрим масалаларнинг тағсилоти тарзидан баён қилмасдан, уни халқ достонларига хос қаҳрамоннинг таърифу тавсифи ва ҳозиргача ўзбек (туркий) шеъриятидаги илк тахаллус қўлланган ғазал, шу-нингдек, фард ва рубоий жанрларининг ибтидоий намуналари би-лан безайди.

Қисса бошланмасидаги ғазалда Юсуфнинг бутун ҳаёти тўла-лигича акс этгани ва бу орқали асарнинг ўзига хос композицияси ифодаланган ўкувчи эътиборини тортади. 6 байтдан иборат ушбу ғазалда Яъқуб пайғамбарнинг 12 та ўғли бўлгани, уларнинг ўн биринчиси Юсуф экани, Юсуфда ҳам кўрк (чирой), ҳам пайғамбар-лик мувофиқлиги, акаларининг унга нисбатан ҳасадгўй ва душман-дорликлари, Юсуф тақдирида ниҳоятда аҳамиятли бўлган туш во-кеаси, қуллик, ва охир-оқибат, Юсуф-Зулайҳо мажароларининг мантиқий якуни ифодаланган:

*Чин ўн икки эрди Яъқуб совчининг болалари,  
Кўрса аниңг биртак эрди бўйлари бололари.  
Ўн биринчи Юсуф эрди суврати явлоқ бадиз,  
Лаъл ичинда гулчирар кўп луълуъи лолалари.  
Кўрк қилиқ зийнат малоҳат ҳам нубувват, ҳам карам,  
Боша азокга тегру жумла мавлонинг ололари.  
Ота севган, отасинга туши кўруб йурдургучи,  
Не ҳасад қилди, кўр, анга ул ўгай оғолари.  
Ул Миср мулки ичинда маликлар хотунларин,  
Кўл қилган ул қамуғни зулфининг лололари.  
Кўл сомилди эл ичинда қайра олди қўл қилиб,  
Волий бўлди Миср ичинда бўлдилар мавлолари [3:99-100].*

Рабғузий Юсуфни нафакат пайғамбар, шу билан бирга бади-ий қаҳрамон сифатида акс эттиришни мақсад қилған. Буни амалга ошириш йўлида бадииятнинг турли ўлчовларидан моҳирона фой-далана олган. Жумладан, Рабғузий айнан шу қисса таркибидаги тўртликлари билан рубоий жанрининг ўзбек (туркий) шеъриятида пайдо бўлиш ва шаклланиш жараёнига муносиб ҳисса қўшган. Маълумки, рубоийнинг жанр талабларидан бири унинг фалсафий, мушоҳадага бой мисралардан ташкил топишидадир. Рабғузий тўрт-ликларида рубоий вазни (хазаж баҳрининг ахраб ва ахрам тармок-лари) тўла сақланмаган бўлса-да, фалсафий мушоҳада теран ифода этилган. Жумладан, қўйида келтирилган мисраларда “Барча игна-лар тўн тикади, уни одамларга кийдиради, лекин эътибор берсанг, ўзи бари бир яланғоч қолади; чироққа қарасанг, у куяди, ўрганади (ёнади), шу ёниши, куйиши билан бошқаларга ёруғлик улашади” деган фикр ифодаланган:

*Қамуғ йигналар тұн тикар киздирүр,  
Яна ўзи күрсанг ялангоч қолур.  
Чироғма улашү күяр ўртандыр,  
Азинларга күрсанг ёруғлуқ берур [3:118].*

Товушлар уйғунлиги (аллитерация) ва сүзларни турли ўрин-да тақоролаш орқали яратылған қуидаги байтлар Зулайхонинг Юсуф ишқида телбанамо ҳолга киргани, бунга бардош қила олмас-дан энагасининг ёрдамида турли хийла ва макр ёрдамида муродига етмокни орзу қилгани тасвиридан сүнг берилған. Рабғузий ёздади: “Аймишлар, ёт күртқаны (кампирни) эвга (уйга) киргумак керак-мас. Агар қаю эвга кирса, бузмай чиқмас”.

*Эрнинг балоси ики олам балоси – қүртқа,  
Күртқа қариб ўлурса солғил этини қүртқа.  
Ёт қүртқаны эвингда күрсанг бошини кесгил,  
Күйдур бошини ўтқа, совур кулинин қортқа.  
Күртқа неча қарисун, тоат қилиб арисун,  
Эв бузгали топунса, боқмас ўнгига, ортқа.  
Күртқа бузар минг ишини қайра тузар тиласа,  
Анинг тегар балоси барча мүғулға, сортқа [3:122].*

Хулоса шуки, Рабғузий нафакат моҳир қиссаҳон ёзувчи, айни пайтда ўзбек адабиётида мураккаб композицион қурилишга эга бўлған дастлабки насрий асар муаллифи ва айrim шеърий жанр-ларнинг илк бошловчиси ҳамdir.

### **Адабиётлар**

1. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тўла асарлар тўплами. 15 томли. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр. 1-том, 1970. – 276 б.
2. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 420.
3. Рабғузий, Носируддин Бурҳониддин. Қисаси Рабғузий. 2 китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. Биринчи китоб. – 240 б.
4. Кароматов X. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1993. – 96 б.

Мақолада Рабғузий бадиий маҳорати Юсуф пайғамбар ҳақидаги қисса мисолида таҳлил қилингандар. Муаллиф қиссанинг шу мавзудаги бошқа асарлардан фарқли жиҳатларига алоҳида эътибор қаратган.

## **РЕЗЮМЕ**

В статье анализируется художественный талант Рабгузи на примере повесты о пророке Юсуфе. Автор привлекает внимание отличающие отношение этого повесты из других таких произведений.

## **SUMMARY**

Analysed artistic talent of Rabguzi on the example of store about prophet Joseph. The author has attracted attention distinguishing feauturs of this store from other plays.

## **ГЕОГРАФИЯ**

---

### **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ ЭКОМЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ**

**Назаров М.Г. (Қардұ)**

**Таянч тушунчалар:** ландшафт, геологик мувозанат, антроген, агроланшафт, бонитировка, минтақа, эрозия.

Инсон хўжалик фаолиятининг табиатга кўрсатган ижобий таъсири турли хилдаги геокомплексларни ўзлаштириш билан бирга атроф-мухитнинг тарихий шаклланган геоэкологик мувозанатини кескин даражада бузилишига ҳам сабаб бўлмоқда. Ландшафтлар-нинг табиий мувозанати ва мутаносиблигининг бузилиши уларнинг ўрнида бошқариладиган қишлоқ хўжалик антропоген ландшафт-ларининг шаклланишига олиб келади. Қишлоқ хўжалик ландшафт-лари айrim манбаларда агроландшафтлар деб номланган [1, 2]. Агроландшафтлар учун компонентларнинг кучли даражада ўзгар-тирилгани ва бу ландшафтларнинг туб табиий ландшафтлардан фарқ қилиши хосдир. Агроландшафтлар кишиларнинг қишлоқ хўжалик фаолияти билан алоқадор бўлиб, ер ресурсларидан фойдала-ниш шароитларига боғлик ҳолда хилма-хил бўлади. Агроланд-шафтлар тузилмасида қуйидаги тоифалар ажратилади: 1) экин экиладиган ерлар; 2) бўз ерлар; 3) кўп йиллик дарахтзорлар; 4) пи-чанзорлар; 5) яйловлар [1, 2].

Қашқадарё вилоятида энг катта майдонни агроландшафтлар эгаллайди. 2010 йилги маълумотларга кўра, вилоятнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 2 195 598 га майдонни ташкил этади. Шундан тоғли ҳудудларда 88 564 га, чўлларда 30 745 га, адирларда 23 374 га, яйловларда 1 457 223 га ерни агроландшафт-лар ташкил этади. Ҳайдаладиган ерлар 681 441 га, шундан сугори-ладиган ерлар 423 700 га, палмикор ерлар 257 741 га дир. Шу жумладан, вилоят ҳудудида кўп йиллик дарахтзорлар 33 787 га, мевали боғлар 14 475 га. Қишлоқ хўжалик ерларининг 33,1 % и экин экиладиган ерлар, 1,6 % и кўп йиллик дарахтзорлар, 64,2 % и бўз ерлар, пичанзор ва яйловлардан иборат [3].

Қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерларнинг асосий тои-фалари рельефнинг маълум турлари, шаклларига мос келади. Маса-лан, дарёларнинг аллювиал юқори терассаларида сувни кам талаб қиласидиган экинлар (пахта, ғалла, ем-хашак), қуи (I-II) терассалар-да эса сувни кўп талаб қиласидиган экинлар (шоли, жут в.б.) экила-диган ерлар жойлашади. Адир, паст ҳамда ўртача баландликдаги тоғ ёнбағирлари яйлов ва пичанзорлардан иборат [2].

Қашқадарё ҳавзаси қишлоқ хўжалик ландшафтларидан оқи-лона фойдаланиш, ер ресурсларининг замонавий ҳолатини ўрга-ниш, уларнинг самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик экинла-ри маҳсулдорлигини яхшилаш бугунги куннинг долзарб масалала-ридан биридир. Бунинг учун тупроқ мелиоратив ҳолатини оптимал-лаштириш, уларнинг сифат ҳолати – бонитировкасини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли Қашқадарё ҳавзасидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш жараёнини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги харитасининг таҳлили асосида вилоят қишлоқ хўжалик ерларини қуйидаги минтақалarga ажратиш мумкин.

*Сугорма дехқончилик минтақаси.* Қашқадарё ҳавзасининг те-кислик ва тоголди ҳудудларини ўз ичига оладиган бу минтақадаги қишлоқ хўжалик ландшафтлари боғдорчилик, сабзавотчилик, узум-чилик, чорвачилик, пахтачилик, дончилик, асаларичиликда фойда-ланилади.

*Палмикор дехқончилик минтақаси.* Бунга тоғ ва тоголди мин-такалари тўғри келади. Бу минтақадаги қишлоқ хўжалик ландшафт-ларидан донли экинлар, қисман техника экинлари, боғдорчилик, чорвачиликда фойдаланилади.

*Чўл-яйлов минтақаси.* Текисликларни ишғол этадиган бу минтақада чўл-яйлов чорвачилигига фойдаланилади.

*Тоғ-яйлов минтақаси.* Бу минтақада чорвачилик, дарё водий-ларида эса дехкончилик ва боғдорчилик ривожланган.

Қашқадарё ҳавзаси қишлоқ хўжалик минтақаларидан нооқи-лона фойдаланиш туфайли экологик муаммоларнинг вужудга келишига, тупроқ мелиоратив ҳолатининг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Суғориладиган ерларнинг геоэкологик муаммолари орасида ланд-шафт компонентлари ҳамда атроф-мухитнинг кимёвий ифлосла-ниши муҳим ўрин тутади.

Вилоят ҳавзаси қишлоқ хўжалик ландшафтларининг шўрлан-ганлик даражасини эътиборга олиб кучли шўрланган, ўртacha шўр-ланган ва кучсиз шўрланган ерларга ажратиш мумкин. 2010 йилги маълумотга кўра, кучли шўрланган ерлар 13,33 га, ўрта шўрланган ерлар 48,91 га, кучсиз шўрланган ерлар 180,56 га ни ташкил этади. Кучли шўрланган ерлар Косон, Муборак, Нишон, Касби туманла-рида учрайди. Ўртacha шўрланган ва кучсиз шўрланган ерлар вилоят-нинг текислике тагоди минтақасида учрайди.

Қашқадарё воҳасида, айниқса унинг ғарбий қисмида (Қарши чўлида) шамол эрозияси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига катта зарар етказади. Суғориладиган ерларнинг дефолияциядан заарла-ниш даражаси тупроқнинг механик таркиби, намлиги, чириндининг оз-кўплиги, шўрлиги каби хусусиятларга боғлиқдир. Иҳотазорлар билан ўралмаган текисланган ерларда тупроқнинг кучли емирилиши кузатилади. Умуман, эрозия туфайли тупроқ қопламишининг агро-экологик кўрсаткичлари ёмонлашиб, унумдорлиги сезиларли дара-жада пасайиб кетган. Шунингдек, вилоятнинг суғориладиган ерла-рига узоқ йиллар пахта етиширилганлиги, яъни ўззанинг якка-ҳокимлиги натижасида минерал ўғитлар ва заҳарли кимёвий модда-лардан нооқилона фойдаланиш яна бир геоэкологик муаммони юза-га келтирди. Тахлиллар шуни кўрсатадики, вилоят қишлоқ хўжалик ландшафтлари маҳсулдорлигининг камайишига куйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

- тупроқ ҳосил қилувчи омилларнинг ўзгариши, ирригация эрозиясининг кучайиши;
- суғориладиган ерлар ва уларнинг яқин атрофдаги худуд-ларда гидрологик режимнинг қайта шаклланиши, ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши билан боғлиқ ҳолда шўрланган ерлар май-донининг тобора кўпайиши;
- суғориш туфайли экологик шароитларнинг ўзгариши нати-жасида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсида салбий таъсирларнинг намо-ён бўлиши;
- ландшафтнинг ўзгартирилиши натижасида ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши, ер мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви.

Суғориладиган ерларнинг қулай мелиоратив ҳолатини таъ-минлаш учун куйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Суғориш орқали тупроқ – грунтдан эрувчан тузларнинг ортиқасини чиқариб юбориш.
2. Қишлоқ хўжалик ишларининг барча турларини ўз вақтида ўтказиш учун шарт-шароитлар яратиш.
3. Захи қочиралаётган майдонлар ва аҳоли жойлашувининг экологик ва санитария шароитларини яхшилаш.
4. Зовур-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш, уларни лойқа ва чиринди ётқизиқлардан тозалаш ишларини мунтазам амал-га ошириш.

Куруқ иқлим шароитларида сүғориш қишлоқ хўжалигида кўпроқ маҳсулот етиширишнинг энг асосий омилларидан бири бўлганлиги сабабли ландшафтлардаги ўзгаришларни, шунингдек, агроирригация ландшафтларининг шаклланиши ва ривожланиши хусусиятларини мажмуали ўрганиш, уларда юзага келиш эҳтимоли бўлган номақбул оқибатларнинг олдини олиш имкониятларини бе-ради [4].

### **Адабиётлар**

1. Николаев В.А. Основы учения об агроландшафтах // Агроландшафтные исследования. – М.: Наука, 1992. – 180 с.
2. Абдуллаев С.И., Назаров М.Г. Сүғориладиган худудларда антропоген ланд-шафтларнинг шаклланиш хусусиятлари // Ўзбекистонда атроф-мухитни муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси матер-иаллари. – Самарқанд, 2013. – Б. 53-54.
3. Солиев А., Назаров М. Ўзбекистон худудлари ижтимоий-иқтисодий ривож-ланиши. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – 348 б.
4. Назаров М.Г. Қашқадарё воҳаси ландшафтларининг экомелиоратив ҳолати // Водий ва воҳалар: табииати, ахолиси, хўжалиги. Республика илмий-услубий конференция материаллари. – Андижон, 2014. – Б. 201-203.

### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада Қашқадарё вилоятининг қишлоқ хўжалик ландшафтларидан фойдаланиш йўллари, турли шароитларда агроландшафтларнинг шаклланиш ху-сусяйтлари ва уларнинг экомелиоратив ҳолати ёритилган. Қишлоқ хўжалик ер-ларида маҳаллий миқёслардаги геоэкологик муаммоларнинг вужудга келиши сабаблари ва уларнинг очимида доир тавсиялар берилган.

### **РЕЗЮМЕ**

В статье освещены особенности сельскохозяйственного использования ландшафтов Кашкадаринской области, формирования агроландшафтов в различных типах пользования земель и их экомелиоративное состояние. В ней изложены причины возникновения в зоне земледелия локальных геоэкологических проблем и задачи их решения.

### **SUMMARY**

Using of Kashkadarya region's agricultural landscapes in different conditions, the agrolandscapes forming specificities and their ecoland-improvement convenient is illuminated in this article. In agricultural lands on a large local scale geoecological problems, their reasons of coming into being and some tasks on these solves are given as recommendation.

---

## ПЕДАГОГИКА

---

### ГЕОЭКОЛОГИЯ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИДА

Абдуллаев С.И., Муқумова Ҳ.И. (ҚарДУ)

**Таянч тушунчалар:** география, геоэкология, ландшафт эколо-гияси, табиий ландшафт, антропоген ландшафт, геоэкология таълими.

Сайёрамизнинг деярли барча регионларида турли миқёслар-даги экологик муаммоларнинг юзага келиши уларни ўрганиш ва бартараф қилиш ёки чеклашда географик-экологик ёндашувнинг аҳамиятини ошириди. Шу сабабли XX асрнинг сўнгги чорагида гео-графия негизида янги интегратив фан – геоэкология таркиб топди ва ривожланмоқда.

Геоэкология немис географи К.Тролл томонидан 1939 йилда таклиф қилинган “ландшафт экологияси (*Landshäftsökologie*)”нинг тадрижий ривожланиши негизида шаклланди. Дастлаб у ландшафт экологияси “Ер юзасининг макондаги (худудий) экологиясидир”, деб фикр билдирган эди. Унинг фикрича, ландшафт экологияси “ландшафтнинг муайян қисмидаги тирик туркумлар ва уларнинг муҳити орасидаги ўзаро муносабатларга боғлиқ бўлган асосий ком-плексларни ўрганиш билан шуғулланиши лозим” [1]. 1966 йилдан бошлаб К.Тролл ландшафт экологиясининг инглиз тилидаги сино-ними (эквиваленти) сифатида геоэкология терминини қўллай бошлади. У геоэкология деб, умуман Ер экологиясини эмас, балки гео-график экологияни назарда тутган эди.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб геоэкологиянинг мазму-ни кенгайди. У инсон хўжалик фаолиятининг ландшафтлардаги оқибатларини кўпроқ ўргана бошлади. Янги

илмий йўналишнинг тарафдорлари бўлган географлар геоэкологияни К.Троллга нисба-тан кенгроқ талқин қила бошладилар. Геоэкологиянинг ўрганиш предметига нафақат табиий, балки антропоген ландшафтлар ҳам киритилди. Иккинчидан, унинг мақсадли йўналиши – табиатдан фойдаланишин оптималлаштириш белгиланди. Барча ҳолларда гар-чи унинг тадқиқот предмети, мақсади ва вазифалари аниқ шакллан-тирилмаган бўлса-да, геоэкология инсоннинг атроф-мухит билан, жамиятнинг табиат билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги фан сифатида белгиланди. Геоэкологик тадқиқотлар хозирги пайтда ўз ривожланишининг фаол босқичида бўлиб, “табиат-хўжалик-жа-мият” географик системалари доирасида комплекс табиий-географик, экологик, иқтисодий-географик ва социал-экологик тадқиқот-лар асосида бу масалаларни ечишга йўналтирилган.

Бугунги кунда табиий, ижтимоий ва техникавий фанлар ора-лифида турадиган, интеграл фан сифатида қаралаётган геоэколо-гиянинг ўрганиш обьектини географик қобиқнинг табиат ва жами-ятнинг ўзаро таъсири, инсон ҳаёти ва ишлаб чиқариш фаолияти кечадиган турли катталиқдаги геосистемалар (ландшафтлар)дан иборат яхлит система сифатидаги атроф-мухит, предметини эса географик қобиқ доирасида турли (глобал, регионал ва локал) дара-жадаги геосистемаларда табиат ва жамият ўзаро таъсири ва алоқаларини ўрганиш ташкил этади [2, 3, 4].

Геоэкология табиатдан оқилона фойдаланишининг назарий ва методологик асоси бўлиб, у жамият ҳаётий фаолиятининг оптимал муҳитини яратиш ва асраш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечиш билан шуғулланади. Геоэкологиянинг вазифасига жамият ва атроф-мухит ўзаро муносабатларини оптималлаштириш йўлларини қиди-риш, антропоген таъсирларнинг географик қобиқ барқарорлигига таъсирининг башорати, уни асраш ва инсоннинг атроф-мухитга таъсирини имкон даражасида камайтириш тадбирларини ишлаб чиқиш киради.

Унинг олдида экологик вазият билан боғлиқ бўлган кўпгина муаммоли масалаларни ўрганиш ва ечимини топиш вазифалари ту-ради. Бу эса геоэкология таълим мини ва шу соҳа бўйича мутахас-сислар тайёрлашни тақозо этади. Хозирги пайтда Россия, Бело-руссия ва бошқа мамлакатларда бир қатор (экология, география, геология в.б.) йўналиш ва ихтисосликларда геоэкология таълими ташкил этилган, геоэкология бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Умумтаълим мактабларида эса танлов (селектив) фани сифатида ўқитилмоқда. Мамлакатимизнинг турли регионларидаги экологик вазиятлар ва уларни оптималлаштириш муаммолари Ўзбекистонда ҳам геоэкология таълим мини ва шу соҳа бўйича мутахассислар тайёрлашни тақозо этади. Шу сабабли олий ўкув юртларининг айрим таълим йўналишларида, шу жумладан, география таълим йўналишида геоэкология фанини ўқитиш муҳим илмий-амалий ва тарбия-вий аҳамиятга эга деб қаралмоқда [5, 6].

Хозирги пайтда мамлакатимизнинг бир қатор университет-лари география йўналишларида геоэкология курси (курс бошқача-роқ аталиши ҳам мумкин) танлов фани сифатида ўқитилади. Аммо, бизнинг назаримизда, геоэкология курси география йўналишларида муҳим мажбурий курс (умумкасбий фан) бўлмоғи лозим.

Геоэкология курси табиатдан фойдаланиш ва табиатни муҳо-фаза қилиш соҳасидаги амалий тадқиқотлар учун асос яратиши са-бабли география мутахассислиги талабалари учун муҳим аҳамиятга эга. Геоэкология мажмуи университет таълими принципларига жавоб берга оладиган интеграл ўқув географик курсларининг бири бўлиши лозим. Геоэкология курсида муҳитни ва уни ташкил этувчи табиий, табиий-антропоген ва социал-иқтисодий худудий геосистемаларни табиатдан оқилона фойдаланиш ва жамиятнинг атроф-мухит билан ўзаро таъсирини оптималлаштириш мақсадида гуманитар – экологик ёндашув асосида ўрганиш методлари қараб чиқилади [7].

Геоэкология курси инсониятнинг глобал геоэкологик муаммоларнинг, уларнинг регионал ва маҳаллий хусусиятларининг тах-лилига асосланади. Унда геоэкологиянинг назарий ва методологик асослари, табиий муҳит ривожланишининг табиий тенденциялари ва антропоген

таъсир туфайли унда содир бўладиган ўзгаришларга турли ёндашувлар, табиий-техноген геосистемалар мавжудлиги-нинг геоэкологик жиҳатлари, геоэкологик муаммоларни ечишнинг мумкин бўлган йўллари караб чиқилади. Бу курсни ўрганиш тала-баларга инсон ва табиат ўзаро таъсирини оптималлаштириш асос-ларини ишлаб чиқиш соҳасида ўзларининг билимларини чукурлаштириш имконини беради.

Ўқув фанининг асосий мақсади – табиатдан оқилона фойда-ланиш муаммолари ечимида геоэкологиянинг аҳамиятини кўрса-тиш ва ландшафт – табиатдан фойдаланиш обьекти эканлиги тўғри-сидаги тасаввурни шакллантиришдан иборат. Ўқув фанини ўрга-нишда талабалар табиат билан оқилона мулоқатда бўлиш кўникма-ларига эга бўладилар, уларда атроф-мухит ҳолатини баҳолашда гео-график-экологик ёндашув методларини эгаллаш ва олган билимла-рини келгусида атроф-мухитни муҳофаза қилишда қўллай билиш маҳорати шаклланади. Шунингдек, бу фанни ўқитишида табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари, таъсиrlари ва алоқалари ҳамда атроф-мухитни муҳофаза қилиш, инсоннинг ҳаётий муҳитини опти-маллаштиришни тақозо этадиган табиатдан оқилона фойдаланиш-ни ташкил этишнинг географик-экологик жиҳатлари тўғрисида би-лимлар берилади. Мазкур фанни ўқитиши жараёнида талабаларда табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф-мухитни муҳофаза ки-лишнинг умумий ва ҳудудий жиҳатлари тўғрисидаги тушунчалар ва геоэкологик тасаввурлар шакллантирилади, табиатдан фойдала-нишнинг илмий асослари сингдирилади. У талабаларда атроф таби-ий муҳитни ва табиат ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги геоэкологик тасаввурларни шакл-лантиришга йўналтирилган. Курсни ўрганиш талабаларга табиий муҳит, унинг жамият моддий ва ахлоқий қадриятларининг манбаи сифатидаги аҳамияти тўғрисида билимларни чукурлаштиришга, уларда геоэкологик тафаккурни шакллантиришга, табиатга тежам-корона муносабатни тарбиялашга имкон беради [8].

Геоэкология курсининг мақсади талабаларда табиий-антро-поген ландшафтлар ва улар компонентларининг тузилишини, фао-лиягини, ривожланишини ва ўзаро алоқаларига доир назарий билим ва амалий кўникмалар хосил қилиш, жонли системаларнинг хусу-сиятларини билиш асосида экологик дунёкарашни шакллантириш, яшаш муҳитини салбий техникавий таъсиридан ҳимоя қилишнинг методлари ва курилмаларини билишдан иборат.

Курснинг вазифаларидан бири географ-талабаларда геоэко-логик тадқиқотларни ташкил этишнинг тартиби, методлари ва усул-лари тўғрисида зарур билимларни шакллантиришдан иборатdir.

### Адабиётлар

1. Тролл К. Ландшафтная экология (геоэкология) и биогеоценология. Термино-логическое исследование // Изв. АН СССР. Сер. геогр. – М., 1972. - № 3. –С. 127-132.
2. Neumeister H. Geoökologie. Geowissenschaftliche Aspekte der Ökologie. – Jena:VEB Gustav Fischer Verlag, 1988.
3. Абдулқосимов А.А., Абдуллаев С.И. Геоэкологиянинг айрим назарий ва мето-дологик муаммолари хусусида // Фан чорраҳалари. География. Илмий тўплам. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2013. – Б. 54-67.
4. Назаров И.К. География фанининг асосий муаммолари. – Тошкент: Мухаррир, 2013. – 212 б.
- 5 . Рафиқов А. Геоэкология. Маъruzалар матни. – Тошкент, 2001. – 68 б.
6. Петров К.М. Геоэкология: Учебн. пособие. – СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2004. – 274 б.

7. Витченко А. Н. Геоэкология. Курс лекций. – Минск, 2002. Http://gendocs.ru/v/29258/vitchenko\_a.n.geoekologiya\_kurs\_leksiy.page=65.
8. Абдуллаев С.И., Ахмедов Р., Назаров М.Г. Геоэкология илмий ва ўқув фани сифатида // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 35-жилд. – Тошкент, 2010. – Б. 68-71.

## РЕЗЮМЕ

Маколада география фанлари негизида унга экологик ёндашувнинг қўл-ланилиши натижасида шаклланган янги интегратив фан – геоэкологиянинг обь-екти ва предмети тавсифланган. Геоэкологиянинг ўқув фани сифатидаги аҳа-мияти, мақсади ва вазифалари ёритилган. Уни университетларнинг география йўналишларида умумкасбий фан сифатида ўқитишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

## РЕЗЮМЕ

В статье охарактеризованы объект и предмет новой интегративной науки – геоэкологии, сложившейся в результате применения экологического подхода в географических исследованиях. Освещены значения, цель и задачи геоэкологии как учебной дисциплины. Обоснована целесообразность преподавания её в качестве общепрофессиональной дисциплины в университетах по географическим специальностям.

## SUMMARY

In the foundation of geographical subjects using of ecological approaching which took shape in the result of it is a new integrate subject, the object and subject of geoecology are characterized in this article. As an educational subject the importance of geoecology, its purposes and problems are illuminated. It is based on the departments of geography at the universities as conforming of teaching purpose of it.

## БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА КИТОБХОНЛИК КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Назарова Х., Орипова Н. (ҚарДУ)

**Таянч тушунчалар:** китоб, китобхонлик, китобхонлик мада-нияти, маънавий бойлик, мутолаа.

Бугунги кунда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсон-лар этиб тарбиялаш мамлакатимизда устувор соҳа саналади. Шу боис мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2014 йилни “Соғлом бола” йили деб эълон қилди. Президентимиз таъкидлаганларидек, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур. Дарҳақиқат, биз тарбия-лаётган соғлом болаларгина давлатимизнинг бугуни, эртаси ва ке-лажаги ҳисобланади. Юртбошимиз назарда тутганидек, соғломлик нафақат жисмоний, балки маънавий, руҳий етуклиқда ҳам намоён бўлади: “Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сай-ёҳ ҳар доим булоқдан чанқогини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашма-сини излайди. Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруглар, қўни-қўшнилар, халқ мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳур-мат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик – маънавиятнинг маъноси ана шундай...” [1:682]. Дарҳақиқат, “маънавият инсонга сув ва ҳаво-дек зарур”, инсон маънавиятсиз ўз инсонийлигини йўқотади. Маънавият эса инсон қалбига китоб мutoала қилиш орқали сингади ва ривожланиб боради. Шунинг учун ҳам китобхонликни ёшлар қал-бida жуда эрта сингдириш зарур.

Ёзма манбалар, халқимизнинг ҳаётий тажрибаси ва замона-вий педагогик-психологик адабиётлар талқинига кўра соғлом бола-ларни тарбиялашда китобнинг ўрни ва роли бекиёсdir. Китоб нафақат зиё тарқатувчи, балки ўқувчини жисмоний ва маънавий соғлом-лик сари етакловчи қудратли куролдир. Китоб – ўқувчи учун холис, беминнат ва сахий дўст. Китобга

муҳаббат ўйғотиши, китобни энг яқин дўст деб билишга чорлаш халқ педагогикаси намуналарида ўз ифодасини топган. Жумладан, “Китоб – ақл чироги”, “Китоб кўрмаган калла – гиёх унмаган дала”, “Китобдан яқин дўст йўқ” мақол-лари ёки “Қат-қат қатлама, ақлинг бўлса ташлама” топишмоқлари шулар жумласидандир. Муақаддас китобларимизда ҳам китобга меҳр-муҳаббат, илм олишга даъватни кўп учратишимиш мумкин.

Ижтимоий-педагогик нуқтаи назардан ўқувчиларда китоб-хонлик маданиятини шакллантириш муаммоси бир қатор олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Жумладан, ўқувчиларнинг ўқиши тех-никасини босқичма-босқич ривожлантириб бориш муаммоси Р.Сафарова, Т.Фаффорова, Қ.Абдуллаева, Ш.Нуруллаева, А.Умаров, Э.Йўлдошев каби олимлар изланишларида тадқиқ этилган.

Э.Йўлдошевнинг болалар китобхонлиги ва мактаб кутубхо-налари ҳамкорлиги муаммосига бевосита алоқадор илмий изланишлари алоҳида эътиборга молиқдир [2:48]. Мактаб кутубхоналари-нинг ўқувчиларга хизмат кўрсатиш фаолияти масалалари М.Мах-мудов, Д.А.Ғаниеваларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Юқоридаги илмий изланишлардан фарқли ўлароқ бизнинг тадқиқотимиз мақсади, бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик кўнигмасини шакллантиришнинг самарали усул, метод ва восита-ларини ишлаб чиқиш ҳамда уни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар беришдан иборат. Ишимизнинг ама-лий аҳамияти ўқувчиларни китобдек олийжаноб, сахий, холис дўст билан ошно қилиш, улар ўртасидаги доимий, мустаҳкам алоқани ўрнатишдан иборат. Бизнинг фикримизча, нафақат кутубхоначи-лар, балки педагоглар ҳам болалар мутолааси ҳақида билим ва ма-лакага эга бўлишлари керак. Улар дарс ёки дарсдан ташқари жара-ёнда болаларга зарур китобларни ўқиши учун тавсиялар бериб бо-ришлари даркор. Шуни ҳам айтиш ўринлики, ҳар қандай китоб болага ижобий таъсир этавермаслиги мумкин. Шу боис керакли адабиётларни танлай билиш ва ўқувчилар мутолаасига раҳбарлик қилиш мухим аҳамиятга эга.

Ўқитувчиларнинг болалар мутолаасига раҳбарлик қилиши уларда китобга муҳаббат, қизиқиши ва эҳтиёж ҳиссини шаклланти-ришга кўмак беради. Бунда энг асосийси болада ўқиётган китобга нисбатан мулоҳаза юрита олиш ва ундан амалий хулоса чиқарашиб кўнигмасини эгаллашга ўргатиш, шунга одатлантириш мухим сана-лади. Бунинг учун педагог болалар билан дарсдан сўнг ўқиётган китоблари юзасидан давра сухбатини ташкил этиши, уларни жонли мулоҳазага чорлаши лозим. Давра сухбатида ўқитувчи албатта та-шаббускорликни қўлга олиши, турли саволлар ёки бошқа усуслар билан ўқувчилар ўртасида мунозарани юзага келтириши керак. Му-нозара қизгин тус олиши учун ўқитувчи болаларга куйидаги савол-лар билан мурожаат қилиши мумкин:

1. Китоб номи нега шундай деб аталган?
2. Асарда қандай қаҳрамонлар бор?
3. Қаҳрамонлардан қайси бири сиз учун ўrnak бўла олади?
4. Салбий қаҳрамонлар асар охирида нега шундай ҳолатга тушиб қолиши?
5. Олийжаноблик деганда нимани тушунасиз?
6. “Мехнат кишини улуғлайди” деганда нимани тушунасиз?
7. Асардан нималарни ўргандингиз?

Давра сұхбати биттә, баъзан бир неча китоблар юзасидан ўт-казилиши мумкин. Кичик синфларда болалар ўқиётган битта китоб юзасидан, уларнинг ёшлари улғайгач эса бир неча китоблар юза-сидан ўтказилиши мумкин. Ўқитувчи болаларга савол билан муро-жаат қилаётганда уларнинг ўзлаштириш даражасини ҳисобга оли-ши, ҳеч бир болани назардан четда қолдирмаслиги керак. Сұхбатда ўқитувчи учун болаларнинг китобдан олган холосаларини билиш мухим аҳамиятга эга. Шунингдек, ўқитувчи сұхбат жараёнида бола-ларга ўқиётган китобларига қизиқиш үйғотиши билан бирга, уларда юксак инсонийлик фазилатларини: миллий ифтихор, меҳнатсеварлик, бурч ва масъулият, Ватанга муҳаббат, ҳалоллик, ростгўйлик туйғуларини тарбиялашлари керак. Китобхонни тарбиялашда му-ваффиқиятга эришиш учун ўқитувчи ўз маҳоратини доимо ошириб бориши, мутолаага раҳбарлик қилишнинг асосий вазифалари ва ах-лок-одоб коидаларини унутмаслиги даркор.

Болаларнинг китоб ўқишига раҳбарлик қилишда ўқитувчи тарбиявий тизим йўналишларидан бири меҳнат тарбиясини асло ёддан чикармаслиги, ҳалқимизнинг “Меҳнатдан келса бойлик, тур-муш бўлар чиройлик” деб айтган фикрларини болаларга уқтириб, бу борадаги китобларни уларга тавсия этиб бориши мақсадга му-вофиқдир. Айниқса, кичик ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган ки-тблар орасида эртаклар, ҳикоялар, шеърлар, мақоллар, топишмоклар, ҳикматлар мавжудки, улар орқали болаларни меҳнатга муҳаб-бат руҳида тарбиялаш мумкин. Масалан, ўзбек ҳалқининг ҳамма эр-такларида қаҳрамонлар ўз меҳнати, ботирлиги, билимдонлиги орқа-ли ютуққа эришадилар. Кичкентойларга эртак ўқишини тавсия этар экан, уларнинг маъносини тўлиқ англаб олиши учун ўқитувчи эртаклар ҳакида гапириб бериши, керакли холосаларни баён этиши лозим.

Ўқитувчиларнинг болалар китобхонлиги борасида амалга ошираётган бу каби ишлари кичик ёшдаги ўқувчиларнинг дарслар-ни яхши ўзлаштиришига, маънавий дунёсининг бойиб боришига яқиндан ёрдам бериши мумкин.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И. Ўзбекистон – буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 682 б.
2. Йўлдошев Э. Кутубхонада болалар ўқиши маданиятини тарбиялаш: Ўқув қўл-ланма. – Тошкент, 1986. – 48 б.

### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада болаларда китобхонлик маданиятини шакллантириш йўллари ва усуулари, шунингдек, китобхонлик маданиятини шакллантиришда ўқитувчи-ларнинг вазифалари таҳлил қилинган.

### **РЕЗЮМЕ**

В этой статье анализируются пути и способы совершенствования у детей культуры интереса к чтению, а также задачи преподавателей при совершенствовании данной культуры.

### **SUMMARY**

In this article are analyzed ways and ways of improvement at children of culture of interest to reading, and also tasks of teachers at a teaching of culture of interest to reading.

### **СИЁСАТШУНОСЛИК**

---

**АМИР ТЕМУРНИНГ БОШҚАРУВ СИЁСАТИ**

## **Омонов Б., Кенжасев З. (КарДУ)**

**Таянч тушунчалар:** миллий давлатчилик, бунёдкор шахс, давлат бошқаруви, давлат арбоби, буюк давлат асосчиси.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимиз ўз Конситуцияси ва қонунларида давлат қурилиши соҳасидаги сиёсатини миллий давлатчилик тарихига асосланган ва жаҳон халқлари эриш-ган сиёсий-хукуқий таълимотларга таянган ҳолда олиб боришни маъқул деб топди.

Тарихимизни ҳаққоний яратиш мақсадида амалга ошира-лаётган барча сайди-харакатлар натижасида жаҳон цивилизациясига ниҳоятда катта ҳисса қўшиб, ўзидан улкан моддий ва маънавий мерос қолдирган буюк тарихий шахс Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти, у босиб ўтган давр, унинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий, хукуқий, маънавий-маданий дунёсини изчил ўрганиши, давлат юри-тиш соҳасидаги илғор ва ижобий натижаларни бугунги фуқаролик жамиятини қуриш жараёнларининг муҳим мезони сифатида фойда-ланиш шу куннинг муҳим вазифаларидан бирига айланди.

Миллий давлатчилик ғояларини юқори кўтариб, ўрта аср-ларда Моварауннахрни мӯғуллар истилосидан озод этиб, кучли марказлашган давлат қурган буюк саркарда, давлат арбоби, ўз даврида бошқа хукмдорлардан фарқли ўлароқ, турли миллат ва элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик туғини баланд кўтарди. Амир Темур ўзи-нинг тенгсиз адолатли ва ҳақиқатпарварлиги, қаттиққўл, меҳрибон ва инсонийлиги билан ҳам замондошлари орасида шуҳрат қозонган эди. Унинг ўта талабчанлиги, ҳар қандай муҳим воқеани назардан қочирмаслиги, ҳақиқатни ва адолатни шиор қилиб олганлиги ҳа-қида тарихий манбаларда кўпдан кўп маълумотлар келтирилади. Ҳатто Соҳибқироннинг давлат муҳрида “Рости – русти (куч – адо-латдадир)” [1:39] деб ёзилган эди. “Темур тузуклари” да: “Бир кун-лик адолат – юз кунлик тоат-ибодатдан афзал” [1:39], “Адоват эмас, адолат енгади” [1:45] деган шиорларнинг баён этилиши ҳамда давлат ва жамиятни бошқариш санъати ҳақидаги ибратли сўзлари фикримизнинг ёрқин исботидир.

Амир Темур тарихда ўчмас из қолдирган буюк шахс сана-лади. Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг Амир Темур ҳақида айтиб ўтган қуйидаги фикрлари бунга мисол бўла олади. “...Амир Темур ким эди? У биринчи навбатда улуғ бунёдкор шахс эди... Яқин-яқингача давлат бошқаруви санъати ҳақида сўз кетса, кўпчилик гапни ё марксчи-ленинчиларнинг давлат ҳақидаги соҳта назарияси ё бўлмаса XVI асрда яшаган Макиавелли қарашларидан бошларди, кўйиб берсангиз, бу эски одатни бугун ҳам давом этти-ридилар. Давлат, салтанат, жамият бошқарувига оид мумтоз асар – “Темур тузуклари”ни ёзган ким? Умуман, кишилик тарихида ана шундай йўналишда асар битиб қолдирган бошқа хукмдор борми ўзи?” [2:147-148] Албатта бор! У ҳам бўлса фақатгина улуғ аждо-димиз Соҳибқирон Амир Темурдир.

Мустақилликдан кейинги йилларда яратилган тарихий ман-баларда Амир Темурни босқинчи, қотил эмас, жаҳон фан ва мада-ниятига катта ҳисса қўшган адолатпеша давлат арбоби, буюк мута-факкир, донишманд шахс сифатида баҳоланди. “Биз ўзбекларни улуғ, бунёдкор халқ деб дунёга тараннум этаяпмиз ва аслида ҳам шундай. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Амир Темур бо-бомизнинг тўйларини ўтказишдан мақсад нима эди? Комил бу инсоннинг, энг аввало, буюк давлат асосчиси, буюк бунёдкор, ижод-кор шахс бўлганини, фан, маданиятга ҳомийлик қилиб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига бекиёс ҳисса қўшганини олам ахлига билдириш эди... Давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темур бо-бомиз ғайрат-шижоати, юксак

ақл-заковати, тадбиркорлиги, элпар-варлиги билан бизга ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолгусидир. Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадад оламиз” [2:142], дея таъкид-лайди Юрбошимиз.

У бошлаган эзгу мақсадлар, қонун устуворлиги, адолат тамо-йиллари шу кунларда изчил давом эттирилмоқда. Бутун дунё сиё-сатшуносларини қизиқтириб келаётган Сохибқирон бошқарув услу-бининг очилмаган қирралари, сир-синоатларини тадқиқ этиш муам-молигича қолмоқда. Буюк саркарда қашшоқликка маҳкум бўлган, вайронага айланган Моварауннахрни улкан империяга айлантириб, уни шунчалик моҳирона бошқардики, давлатда тинчлик, осайишталик тўла хукмрон бўлди.

Темур давлатида “...ниҳоят кўрқинчли серуруш замонлар бўлишига қарамай, Темур ҳокимиятининг сояси тушган ерларнинг барчасида савдо жуда жонли ва сира хавфсиз эди. ...Испания эл-чилари бунга энг ишончли шохиддирлар. Бу элчилар ҳайъати Тарб-зундан йўлга тушиб, баъзи душман вилоятлари орқали Самарқандга борган. Атрофида деярли соқчилар йўқ ҳолда, гарбнинг ноёб ашёси юкланган кажавали карвонни улар манзилга безарар етказишган” [3:55], деб ёзади Ҳерман Вамбери. Шу ўринда бобомизнинг: “Дунё-нинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла қўтариб ўтадиган бўлса, бир дона-сига ҳам зарап етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим” [4:177], деган эътирофини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

Дунё аҳлини ҳайратга солган жиҳати шундаки, техника та-ракқиёти ҳали ривожланмаган даврларда Амир Темур эришган ютуқларга ҳозирги ривожланган давлатлар эриша олмаётир. Қудратли давлатнинг бунёд бўлишига, балки Сохибқирон давлат бош-қарув тизимиға жуда зехни, билимли, инсоф-диёнатли, ўзига со-дик одамларни танлаб қўя билганилигидадир. Бу ҳақда “Темур ту-зуклари” да келтирилишича, “Султон ҳар нарсада адолатпеша бўл-син, қошида инсофли, адолатли вазирлар сақласин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агарда вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйи қулайди” [1:68], деган фикрлар келтирилган.

Кўринадики, Амир Темур давлат ишларини амалга ошириш-да барча вазирлар, амирлар, сипоҳлар ва бошқа амалдорлар фик-рини эътибор билан тинглаб, эринмасдан таҳлил этган ҳолда хулоса чиқарган Сохибқирон сиёсатини амалга оширишда буйруқ, фармон бериш ишлари факат подшоҳ томонидан амалга оширилиши, фар-монларнинг бажарилишида доим қатъиятли бўлиш, барча чиқа-рилган буйруқ ва фармонларга сўзсиз итоат қилинишини таъмин-лаш лозимлиги ҳақида “...бутун мамлакатда буйруқ-фармон бериш ишлари подшонинг ўз ихтиёрида бўлиши лозим. Подшоҳ ҳар ишда ўзи хукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг хукмига аралашиб, ўзгар-тира олмасин... Подшоҳ ҳайбати сипоҳу раият кўнглида шундай ўрнашган бўлиши керакки, унинг амр-фармонига ҳеч ким қар-шилик қилишга журъат этолмасин; итоат ва тобеълик қилиб, исён қўттармасин” [1:68-69], деган фикрларни билдиради.

Демак, Амир Темур салтанатида қонун кучи ниҳоятда мус-таҳкам ўрнатилган бўлиб, давлат амалдорлари, шахзода-ю мали-калар учун ҳам, оддий аҳоли учун ҳам, хуллас, барча учун бирдек қўлланилганлиги натижасида Темур салтанати гуллаб яшнади ҳам-да буюклиги ва машҳурлиги билан жаҳон тарихида шухрат қозон-ди. Айниқса, Сохибқироннинг кучли сиёсий давлат бошқаруви дунё сиёсатшуносларини ҳалигача лол қолдириб келмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришган даврданоқ республика-мизда сиёсат ишлари “Темур тузуклари”да кўрсатилган ва Амир Темур давлатида устувор саналган адолат тамойиллари асосида ташкил этила бошланди. Ўзбекистон Конституциясининг 14-модда-сида: “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўз-лаб, ижтимоий адолат ва конунчилик принциплари асосида амалга оширади” [5], дея кўрсатилган. Президентимиз Амир Темур бобо-

мизнинг “Куч – адолатда” деган фикрини ривожлантириб, “Куч – билим ва тафаккурда”, деган ғояни илгари сурди [2:143].

Бундан ташқари Президентимиз: “Шахсан мен “Темур ту-зуклари”ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга так-рор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, ин-сон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикр-ларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман”, дея эътироф этади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ҳалқи ўз келажагини аниқ ва равshan кўриб турибди. Чунки ҳалқимиз азал-азалдан озод бўлган ва озодлик гаштини сурган, жаҳон цивилизациясига улкан таъсир кўрсатган, яратувчан ва бунёдкорлик ишлари билан ўз ўр-нини топган. Ватанимиз тарихида Соҳибқироннинг қолдирган ма-даний-маънавий мероси, панд-у насиҳатлари, ўғитлари ўз самара-сини бермоқда. Лекин Амир Темурнинг моҳирона бошқарув сиё-сати, ундаги тугма қобилиятми ёки мукаммал сиёsat деган жум-боқли мулоҳазанинг фалсафий моҳияти ҳалигача очиб берилмаган. Бунинг учун Амир Темур фаолиятининг илмий, назарий жиҳат-ларини янада кенгроқ, мукаммалроқ ўрганишни йўлга қўйиш керак. Зоро Амир Темур ўта билимли, тафаккури кенг, сиёсий ва ҳаётий тажрибаси бой, юксак маънавият соҳиби бўлиш билан бирга, ўта даражада туғма сезги қобилиятига эга файласуф бошқарувчи эди.

### **Адабиётлар**

1. Амир Темур ўғитлари. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 156 б.
2. Каримов И. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз. 7-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
3. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент, 1990. – 96 б.
4. Каримов И. Янгича ишлаш ва фикрлаш – давр талаби. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.
6. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада Соҳибқирон Амир Темурнинг давлат ва жамиятни бошқариш, давлатда сиёсий-хуқуқий тизимнинг барқарорлигини таъминлаб, фаравонлигини юксалтириш, у юритган сиёсатнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида фикрлар юритилган.

### **РЕЗЮМЕ**

В статье раскрывается политика великого государственного деятеля Амира Темура в управлении государством и обществом, как он, добившись стабильности политico-правовой системы, поднял уровень благосостояния народа, а также говорится о значении его политики для сегодняшнего дня.

### **SUMMARY**

In the article is considered political and law system of Amir Temur's state, his ruling and contribution into prosperity of the country and the effectuation of his politics today.

## МУАЛЛИФЛАРГА ЭСЛАТМА

---

Мақолалар таҳририятга Times New Roman шрифтида, 14 кегел катталиқда, қатор оралиғи 1,5 интервал: юқори ва пастан 2 см, чапдан 3 см ва ўнгдан 1,5 смда тартибланған ҳолатда құлғынада. Мақолалар таҳририятта 1,5 интервал: юқори ва пастан 2 см, чапдан 3 см ва ўнгдан 1,5 смда тартибланған ҳолатда құлғынада.

Мақолаларни [qarduxj@qarshidu.uz](mailto:qarduxj@qarshidu.uz) электрон почтага юбориш ҳам мүмкін.

Мақолалар сарлавҳаси бош ҳарфлар билан сатр ўртасида, муаллиф (муаллифлар) исми-шарифи ва манзили сарлавҳадан бир сатр пастанда, таянч тушунчалар кейинги сатрдан мақола тилемдескендегі тәсвирлерге дейінгі тартибке салынады.

Хаволалар тегишли ўринде катта қавслар ичида манбаниң адабиётлар рўйхатидаги тартиб рақами ва фойдаланилган сахифаси рақами тарзида берилади.

Аниқ фанлар йўналишидаги мақолаларда арифметик амал ва формулалар Math Type мухарририда 11 кегел катталиқда ифодала-ниши шарт. Жадвал, расм, тасвир ва чизма шаклидаги маълумотлар оддий ҳолатда қабул қилинади.

Адабиётлар рўйхати амалдаги қоидалар асосида тартибла-нади ва мақола охиридан илова қилинади.

Мақоланиң қисқача мазмуни ўзбек, рус ва инглиз тилларида адабиётлар рўйхатидан кейин берилади.

Мақолаларнинг илмий савияси учун муаллиф ва тақризчилар шахсан масъулдирлар.

Мақолалар таҳририят томонидан таҳрир қилинади.

Кўлғынада мақолаларни таҳрир менен жазып берилади.

## МУНДАРИЖА

---

### ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА

**Куйлиев Б., Нурматова Д., Эшнорова Д., Мустафоева Н., Турдиева З.** Влияния колебательной релаксации на формирование полосы  $v_1$  сферических волчков.....3

**Imomov A., Tukhtaev E., Almanova D., Meyliev A.** Asymptotic properties of long-surviving discrete time stochastic branching processes.....6

**Солиев А.А., Мусурмонова М.О.** Чексиз ғовак-изотропик мұхитдаги қаттың шарда ясси күндаланг түлкін дифракцияси.....19

### ХИМИЯ-БИОЛОГИЯ

**Кудышкин В.О., Нарзуллаев А.Х., Курбанов М.Ж., Маматова Ш.Б.** Исследования по практическому применению жидкой фракции отхода низкомолекулярного полиэтилена.....23

**Давронов Б.О., Бектешев Ш.М., Омонова Г., Орзиева Ё.** Шиллик-қуртлар гелментларни ҳайвонларга юқтирувчи оралиқ хұжайин ва қишлоқ хұжалиги зараркунандалари.....28

### ТЕХНИКА

**Холлиев Б.Ч., Файзиев Т.Ф., Холлиева Ш.Б., Хатамов И.А.** Биомасса – алтернатив энергия манбай сифатида.....32

**Шукурова О.П., Қурбонов З.М., Пирова Р.Қ.** Электрон тижорат тизи-міда маълумотлар базаси жадвалларини лойихалаш.....36

**Эшқобилов О.Х., Махмудов Ш.** Мойловчи-совитувчи суюқлик учун йўлаклари бўлган пармани ишлаб чиқиши технологияси.....42

### ФАЛСАФА-ТАРИХ

**Эркаев А.П.** Маънавият ва оммавий маданият.....46

**Бўриев О., Холов Р.** “Авесто”да соғлом бола тарбияси удумлари.....63

**Яхшибоев Н.** Ўзбекистон маданияти мавзуси тарихшунослиги.....66

### **ИҚТИСОДИЁТ**

**Маҳмудов С.** Корхона капиталини йўналтиришда менежер фаолияти....71

### **ФИЛОЛОГИЯ**

**Жабборов Э.** “Шажараи турк”да берилган мансаб номлари ҳақида.....75

**Ҳамраева Ё.Н.** “Табиат” семантик майдонида қўлланувчи феълларнинг идеографик тавсифи.....79

**Байматова Б.** Инглизча ўзлашма сўзлар семантикасидаги ўзгаришлар хусусида.....87

**Очилов Н.** Халқ достонларида эпик шеърнинг тутган ўрни.....91

**Акбаров М.** Рабғузий бадиий маҳоратининг бир жиҳати хусусида.....95

### **ГЕОГРАФИЯ**

**Назаров М.Г.** Қашқадарё вилояти кишлоқ хўжалик ландшафтларининг экомелиоратив ҳолати.....99

### **ПЕДАГОГИКА**

**Абдуллаев С.И., Мукумова Ҳ.И.** Геоэкология таълимими ташкил этиш хусусида.....103

**Назарова X., Орипова Н.** Бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик кўникмасини шакллантириш йўллари.....107

### **СИЁСАТШУНОСЛИК**

**Омонов Б., Кенжаев З.** Амир Темурнинг бошқарув сиёсати.....110

Мусаххих ва компьютерда саҳифаловчи Ш.Янгибоев

Навбатчи Э.Жабборов

Техник муҳаррир М.Рахматов

**Муассис: Қарши давлат университети**

Журнал Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси томо-нидан 17.09.2010 йилда № 14-061 рақамли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.

Теришга 03.03.2014 йилда берилди. Босишга 17.03.2014 йилда рух-сат этилди. 25.03.2014 йилда босилди. Офсет қозози. Ўлчами 70x108 1\16. Нашриёт ҳисоб табоғи 7,9.

Буюртма рақами . Адади 100 нусха. Эркин нархда.

Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.

Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.

Индекс: 4071



















1 Охири, боши ўтган сонларда.